

Ибтидо ва Интиҳо

Муқаддас Китоб Асослари

40 та дарсда



Ражаб ва Лайло Ойдин

Ибтидо ва Интиҳо

Муқаддас Китоб Асослари

40 та дарсда



Ражаб ва Лайло Ойдин



KITABI-KNIGI.COM

Бутун оила учун бепул электрон китоблар.
Истаган қурилманизга ўз тилингизда юклаб
олинг ва ўқинг.



KITABI-KNIGI.COM

Дастлабки нашри рус тилида: *Обзор Священного Писания: 40 уроков* сарлавҳаси остида чоп этилган.

Авторы: Ражаб ва Лайлло Ойдин

© 2023 Alpha and Omega. Барча ҳуқуқлари химоя остида.
alphaomegasilkroad@gmail.com

© 2023 Ўзбек тилида (кирил ёзувида)
Ўзбек тилига таржима. Муаллифлик ҳуқуқлари химоя остида.

Расмлар

© 2023 Қўйида берилган саҳифалардан ташқари барча расмлар муаллифи: Jim. Муаллифлик ҳуқуқлари
химоя остида.

The Good Book Company; саҳифалар: 69, 70, 128, 129, 130, 196, 197 ва 198; © 2016 Муаллиф: Phil Crowter/
The Good Book Company Ltd. Муаллиф рухсати билан фойдаланилди. Барча ҳуқуқлари химоя остида.

Барча муаллифлик ҳуқуқлари химояланган. Оятлар Муқаддас Китобдан олинган. Муқаддас Китоб © UZB
2016, 2018, 2020.

Кириш

Ушбу дарслик Муқаддас Китобнинг тарихий воеаларини яхшироқ ўрганишингизга ёрдам берадиган 40 та дарсдан иборат.

Ҳар бир дарсда жавоб беришингиз керак бўлган бир қанча саволлар мавжуд. Ҳар бир саволдан кейин қавс ичида рақамлар берилган бўлиб, бу рақамлар дарс охиридаги жавоблар рақамини кўрсатади. Берилган жавобларга қарашдан олдин, саволга ўзингиз жавоб беришга уриниб кўринг!

Ҳар бир дарсда Муқаддас Китобдан оятлар бор. Агар улар **қора ҳарфлар** билан ажратиб ёзилган бўлса, уларни топиб ўқиш муҳим. Агар улар қора ҳарф билан ажратилмаган бўлса, уларни вақтингиз бўлганида топиб ўқинг.

Муқаддас Китобдаги ушбу ажойиб тарихий воеаларни ўрганиш ва уларни бошқалар билан баҳам кўриш сизга ёқади деб умид қиласман ва сиз учун ибодат қиласман!

1-дарс:

Муқаддас Қаломдаги китоблар



Бу дарс учун Муқаддас Китобингизнинг бошидаги мундарижа қисмига қарашингиз керак.

Кириш

- **Муқаддас Китоб (Библия) китоблар мажмуасидир.** У жами 66 та муқаддас битикдан иборат бўлиб, улардан 39 таси Эски Аҳд, 27 таси эса Янги Аҳд китоблариdir. Бу муқаддас битиклар турли даврларда, турли муаллифлар томонидан ёзилган. Уларнинг ёзилиш жанрлари ҳам бир-биридан фарқ қиласи (масалан, тарихий, шеърий ва мактублар шаклида).

Муқаддас Китоб нечта китобдан ташкил топган? [1]

- **Муқаддас Китоб икки қисмга бўлинади:** Эски Аҳд ва Янги Аҳд. «Аҳд» сўзи «ваъда, келишув» маъносини англатади. Эски Аҳд даврида Худо Ўз халқи билан турли аҳdlар тузган. Масалан, Иброҳим билан, Нуҳ билан, Синай тоғида Йироил халқи билан, ҳамда Довуд билан аҳд тузган. Бироқ Янги Аҳдда Худо Исо Масихнинг қони воситасида одамзод билан янги бир аҳд тузди. Бу аҳд Эски Аҳд давридаги барча аҳdlардан аълороқдир, чунки У Эски Аҳддаги барча ваъдаларни амалга оширади.

Муқаддас Китоб қандай қисмларга бўлинган? [2]

«Аҳд» сўзи нимани англатади? [3]

- **Муқаддас Китобнинг иккала ҳам Худонинг бизга берган сўзлариdir.** Исо Масих даврида Муқаддас Битиклар, яъни Эски Аҳд китоблари мавжуд бўлган. Ибронийлар уларни «Муқаддас Ёзув» деб аташар ва маъбадда ўқирдилар. Бу ёзувларнинг Худо Рухидан илхомланиб ёзилганига ишонардилар. Аммо ҳаворийлар оламдан ўтгач, имонлилар Исо ҳақида ёзилган китобларни (Хушхабар китобларини) ва ҳаворийлар ёзган мактубларни тўпладилар.

Ҳаворийларнинг ҳаётлиги даврида ҳам, улар ёзган мактублар Худо Рухидан илхомланиб ёзилганини имонлилар билардилар (2-Бутрус 3:15–16 га қаранг¹). Ҳаворий Павлус Тимўтийга шундай ёзган: «*Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим ва танбеҳ берши, хатоларни тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия берши учун фойдалидир*» (2-Тим 3:16).

Муқаддас Ёзувларнинг қандай фойдаси бор? [4]

Эски Аҳд

Эски Аҳд Худонинг қандай қилиб оламни ва одамзодни яратгани ҳамда Ўзи учун бир **халқни** танлаб олгани ҳақидадир. Эски Аҳдда Худо ажойиб ваъдалар берган ва бу ваъдаларнинг амалга ошганини Янги Аҳдда кўришимиз мумкин.

Эски Аҳд таркибида қонун китоблари, тарихий китоблар, ҳикматлар ва пайғамбар китоблари мавжуд.

Таврот

Каломнинг дастлабки 5 та китоби Таврот деб аталади.

Таврот — дунё яратилишидан бошлаб, то Мусо пайғамбарнинг ўлимигача бўлган воқеалардан иборат. Шунингдек, Таврот китоби Худонинг ҳалқи ваъда қилинган ерни эгаллаб олиш арафасигача бўлган даврлардаги воқеаларни ҳам ўз ичига олади.

Таврот бизга қўйидагиларни баён этади:

1. Худо оламни яратди.
2. Одамлар гуноҳ қилдилар.
3. Худо барча одамларни ўйқ қилиш учун тўфон юборди, лекин У Нуҳни ва унинг оиласини кутқариб қолди.
4. Худо Иброҳимни Ўз ҳалқининг отаси қилиб танлади; шу тариқа унинг насллари Худонинг танланган ҳалқи бўлди.
5. Худо бу ҳалқни Мусо орқали Миср қуллигидан озод қилди.
6. Синай тогида Эгамиз улар билан шундай аҳд тузди: Менга итоат қилинг, шунда Мен сизнинг Худойингиз, сизлар эса Менинг ҳалқим бўласизлар.
7. Итоатсизлиги боис Худонинг ҳалқи 40 йил сахрода дарбадар кезишга мажбур бўлди. Ва 40 инчи йилнинг охирига келиб, Худо уларни ваъда қилинган юртнинг чегарасига олиб келди.
8. Мусо янги наслга Худонинг қонунларини ўргатди.

¹ 2-Бутрус 3:15–16 (Бутруснинг 2-мактуби 3-боби 15–16-оятлари).

Ибтидо китоби 12:1–7да Худонинг Иброҳимга берган ажойиб ваъдаларини ўқиш мумкин. Муқаддас Китоб Худонинг ана шу ваъдаларини қандай амалга оширганини баён этади. Эски Аҳдда эса улар фақат қисман амалга ошган.

Худо Иброҳимга нима берди? [5]

Худо халқининг тарихи: Ёшуа китобидан Эстер китобигача

Эски Аҳдда 12 та тарих китоби мавжуд. Бу китоблар Истроил халқининг ваъда қилинган ердаги тарихини баён этади. Худо Ўз халқини бошқариш учун ҳукмдорлар ва шоҳларни тайинлади, аммо уларнинг кўплари Худога итоат қилишдан бош тортдилар. Энг буюк подшоҳлар Довуд ва унинг ўғли Сулаймон эди. Уларнинг шоҳлиги даврида гёё Худонинг Иброҳимга берган барча ваъдалари рўёбга чиққандек эди. Аммо кейинроқ, Худонинг халқи Унга итоат қилмай, бегона худоларга сажда қилишганини кўрамиз.

Охир-оқибатда Худо уларни бегона юртларга сургун қилди. 70 йил ўтгач, халқнинг бир қисми ваъда қилинган ўлкага қайтиб келди.

Энг буюк подшоҳлар кимлар эди? [6]

Худо нима учун бу **халқни** бегона юртларга сургун қилди? [7]

Ҳикмат китоблари

5 китобдан иборат: **Аюб, Забур, Сулаймоннинг ҳикматлари, Воиз ва Қўшик**².

Ушбу китобларда имонлилар учун ҳаёт ҳақида ҳикматли таълимотлар мавжуд. Улар бизга донолик бериб, муваффақиятли яшашга ўргатади.

Забур санолари Худога сажда қилиш ва ибодат қўшиқлари тўпламиdir. Худога дуо қилишда ва ҳамду сано айтишда улардан фойдаланишимиз мумкин.

Бу 5 та китоб бизга нимани ўргатади? [8]

Забурнинг қандай фойдаси бор? [9]

Пайғамбар китоблари

Эски Аҳднинг қолган 17 та китоби **пайғамбар китоблари** саналади. Пайғамбарлар Худонинг элчилари бўлган.

Пайғамбар китобларини тушуниш учун тарих китобларини билишимиз керак. Пайғамбарларнинг ёзганларини тушуниш учун эса, уларнинг қачон ёзилганини билишимиз керак:

² Бошқа таржимада «Сулаймоннинг гўзал қўшиғи» дейилган.

1. Баъзи пайғамбарлар ўз битикларини Истроил шоҳларининг ҳукмронлиги даврида ёзганлар. Улар Худонинг халқини, агар улар Худога қайтмасалар, Худо уларни жазолаши ҳақида **огоҳлантирган**.
2. Баъзи пайғамбарлар ўз китобларини сургунда бўлган вақтларида ёзганлар. Улар **халққа тасалли бериб**, Худо уларни абадий тарк этмагани ҳақида айтганлар.
3. Яна баъзилари ўз битикларини сургундан қайтиб келганларидан кейин ёзганлар. Улар халқни **рухлантириб**, Худо уларни шармандаликдан халос қилишини каромат қилганлар.

Худо пайғамбарлар орқали Ўз халқини огоҳлантирган, тасалли берган ва рухлантирган.

Пайғамбар китобларини тушуниш учун нимани билишимиз керак? [10]

Худо пайғамбарлар орқали қандай 3 та нарсани қиласди? [11]

Янги Аҳд

Бутун борлиқнинг Яратувчиси — Худонинг Ўзи, комил инсон қиёфасида дунёмизга кириб келгани ҳақида Янги Аҳдда ўқиймиз. Исо — Худо ваъда қилган Шоҳ, нажот келтирувчи Масихдир! Янги Аҳдда Эски Аҳдда ёзилган барча ваъдалар Масих орқали амалга ошиди.

Бошқача айтганда, Муқаддас Китобда фақат битта қаҳрамон бор: У — Исо Масих.

Бизни Худодан ажратиб турган гуноҳ муаммолиз бор. Исо эса бу муаммолизга самодан берилган ечим бўлди.

Исо бизнинг гуноҳларимиз учун қурбон бўлишга юборилган Худонинг Ўглидир.

Муқаддас Китобнинг бош қаҳрамони ким? [12]

Янги Аҳд ҳам турли китоблардан иборат.

Хушхабар китоблари ва Ҳаворийларнинг фаолияти

Биринчи навбатда тарихий китоблар ўрин олган.

Хушхабар китоблари: Илк тўртта китоб Исонинг ҳаёти ҳақидаги тарихий воқеаларни баён этади (бу китоблар Хушхабар ёки Инжил деб аталади). Тўрт киши Унинг ҳаёти ҳақида ёзган: **Матто, Марк, Луқо ва Юҳанно**.

Кейин эса, **Ҳаворийларнинг фаолиятлари** ўрин олган. Бу китоб Луқо томонидан ёзилган бўлиб, унда Худонинг янги оиласи, яъни имонлилар жамоатининг тарихи баён этилади. Ҳаворийлар китоби Масих ҳақидаги Хушхабарнинг қандай қилиб кўплаб бошқа ўлкаларга тарқалгани ҳақида ҳикоя қиласди.

Янги Аҳдда нечта тарихий китоб бор? [13]

Ҳаворийларнинг фаолияти китобини ким ёзган? [14]

Мактублар

Ҳаворийларнинг фаолияти китобидан кейин Бутрус, Юҳанно, Павлус ва бошқа ҳаворийлар томонидан ёзилган 21 та мактуб мавжуд бўлиб, улар Хушхабарни ўргатиш ҳамда жамоатларни руҳлантириш ва хатоларини тузатиш мақсадида ёзилган.

Мактубларни ким ёзган? [15]

Ваҳий

Инжилнинг охирги китоби **Ваҳий**дир. Худодан Юҳаннога келган бу ваҳий бизларга Исонинг гуноҳ, ўлим ва шайтон устидан ғолиб келганини кўрсатади! **Худо** ва **Унинг ҳалқи** янги ерда абадий **бирга** яшайдилар! Бу эса Худонинг Иброҳимга берган ваъдасининг тўлиқ амалга ошишидир.

Охиратда кимлар бирга яшайдилар? [16]

Амалий вазифа

Агар бу машгулотни илгари ҳеч қилмаган бўлсангиз, ҳар куни Каломдан бир парча (бир неча оят) ўқинг. Сўнгра ўзингизга қуидаги саволларни беринг:

1. Бу парчада Худо ҳақида (Ота, Ўғил, Муқаддас Рух ҳақида) нима ёзилган?
2. Бу парчада инсонлар ҳақида нима ёзилган?
3. Бу парчада итоат қилишим учун бирон бир амр, бирон бир огоҳлантириш ёки ибрат олишим учун бирон бир ўrnak борми?
4. Худо бу парча орқали менга нимани ўргатмоқчи?
5. Бу ҳақда кимга айтиб бера оламан?

Жавобларингизни дафтарга ёзинг.

Жавоблар

- 1 – 66.
- 2 – Эски Аҳд ва Янги Аҳд.
- 3 – «Аҳд» сўзи «ваъда, келишув» маъносини англатади.
- 4 – Муқаддас битиклар таълим ва танбех бериш, хатоларни тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир.
- 5 – Ажойиб ваъдалар.
- 6 – Довуд ва унинг ўғли Сулаймон.
- 7 – Чунки Худонинг халқи Унга итоат қилмай, бегона худоларга сажда қилганлар.
- 8 – Донолик беради, муваффақиятли яшашни ўргатади.
- 9 – Ибодат қилишда ва Худога ҳамду сано айтишда улардан фойдаланишимиз мумкин.
- 10 – Уларнинг қачон ёзилганини билишимиз керак.
- 11 – Худо пайғамбарлар орқали Ўз халқини огоҳлантирган, тасалли берган ва руҳлантирган.
- 12 – Исо Масих.
- 13 – 5 та.
- 14 – Луқо.
- 15 – Бутрус, Юҳанно, Павлус ва бошқа ҳаворийлар.
- 16 – Худо ва Унинг халқи.

2-дарс:

Азалда



Ибтидо 1:1–2:15 ни ўқинг (Биринчи бобнинг биринчи оятидан иккинчи бобнинг ўн бешинчи оятигача ўқинг).

Учбирлик

Ибтидо 1:1: *Худо азалда осмон билан ерни яратди.*

Худо осмон билан ерни яратишидан олдин бирон нарса мавжуд эдими? [1]

Ибтидо 1:3: *Худо: «Ёргулик бўлсин», деб амр берган эди, ёргулик пайдо бўлди.*

Худо оламни қандай яратган? [2]

Юҳанно 1:1–3 ни ўқинг. *Азалда Калом бор эди. Калом Худо билан бирга эди, Калом Худо эди...*

Азалда Худо билан бирга ким бор эди? [3]

Юҳанно 1:14–17 ни ўқинг. *«Калом» ким? [4]*

Ибтидо 1:2: *Ер шаклсиз ва бўйм-бўши бўлиб, тубсиз денгизлар устини зулмат қоплаган эди. Худонинг Рухи сувлар узра юрарди.*

Ким сувлар узра юрарди? [5]

Бунга кўра, Муқаддас Китобнинг энг биринчи бобида Учбирликни кўриш мумкин: Худо, Ўғил (Калом) ва Муқаддас Рух.

Ибтидо 1:26–27 ни ўқинг. Бу оялларда Худо Ўз суратимииздай, Ўзимиизга ўхшаган, деб айтгани жуда қизиқ. Демак, бу шуни кўрсатадики, Худо ягона, бироқ бошқа нуқтаи назардан ёлгиз эмас.

Қонунлар 6:4 ни ўқинг. Эгамиз Худо танҳо Эгадир.

Биз нечта худога сажда қиласиз? [6]

Биз учта худога сажда қилмаймиз, аммо шуни биламизки, Эгамиз Худо ягона ва У учта шахсдан иборат. Худо бир-бирини мукаммал севадиган учта шахсга эга.

Бу севги романтик севги эмас, балки ҳар доим бошқаларни севинтиришга қаратилган фидокор севгидир.

Худо севгидир (1-Юҳанно 4:8). Севгингизни кўрсатиш учун бирон кимса бўлиши керак. Агар ҳеч ким бўлмаса, севишининг имкони йўқ! Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух ҳали дунё яратилмасидан олдин бир-бирларини мукаммал даражада севардилар.

Қонунлар 6:5 ни ўқинг. Худо Ўз халқига нима қилишни буюради? [7]

Худо дунёни яратишдан олдин нима қилган бўлса, бизга ҳам шуни қилишни буюрган. Худо бизларни Уни ва барча инсонларни севиб яшаш учун яратган.

Биз Эски ва Янги Аҳдда Учбирликни кўра оламиз. Масалан:

- Ибтидо 18–19-боблар: Худо кўкда ҳам, ерда ҳам мавжуд. Албатта, Ота-Худо ҳали ҳам осмонда, лекин биз Унинг ер юзида Иброҳим билан юзма-юз гаплашаётганини ҳам кўрамиз. Бу қандай бўлиши мумкин? Биз Худонинг ягоналигини, лекин учтаси бирда эканини англаб етганимизда, бу тушунарли бўлади
- Юҳанно 14:16–17: Исо Ота-Худога мурожаат қилиб, Ўзининг шогирдларига Муқаддас Рухни юборишини сўрашини айтади.

Муқаддас Китобда Учбирликни биринчи марта қаерда учратамиз? [8]

Инсон Худо билан мuloқot қилиш учун яратилган

Ибтидо 1:26–27 ни ўқинг. Биз ҳайвонлардан қандай фарқ қиласиз? [9]

Худонинг суратида яратилган бўлиш қанақа бўлади? [10]

Қандай одамлар Худонинг кўз ўнгига қадр-қимматга ва аҳамиятга эгалар? Катталарми? Бойларми? Кучлиларми? Ақллиларми? [11]


Биз Худонинг яратганларини бирдек қабул қилишимиз керак. Бизнинг вазифамиз бошқаларни ёши, жинси, ташқи кўриниши, тили, ирқи, қобилияти, бойлиги ва бошқа сифатларидан қатъий назар севишdir.

Ваҳий 4:11 ни ўқинг. Нима учун Худога сажда қилишимиз керак? [12]

Биз Худони улуғлаш учун яратилганимиз. Худога сажда қилганимизда қувончга тўламиз ва бу Худога ҳам қувонч келтиради!

Одам Атонинг вазифаси

Худо Одам Ато билан Момо Ҳавони Адан бодига жойлаштириди. Аммо Худо уларга бутун дунёни берди!



Ибтидо 1:28 ни ўқинг. Худо уларга нима қилишни буюрди? [13]

Бу нима дегани? Худо улардан нима қилишларини кутган эди? [14]

Одам Ато нима учун бутун жониворлар устидан ҳукмронлик қилиши керак эди?

Ҳайвонларнинг қандай фойдаси бор? [15]

Худо уларга ер юзини худди музейдаги ашёлардай, ҳеч ўзгартирмасдан, сақлаб туриш учунгина бермаган. Худо ерни уларга ундан фойдаланишлари учун, янги нарсаларни кашф қилишлари учун, шунингдек, дунёни янада гўзаллаштиришлари учун берган.

Демак, Одам Ато билан Момо Ҳаво **дунёни Худонинг ҳукмронлиги остида бошқаришлари учун ҳам** Унинг суратида яратилганлар.

Ибтидо 2:9 ни ўқинг. Нега Худо кўплаб турли-туман дараҳтларни яратди? [16]

Ибтидо 2:10–14 ни ўқинг. Нега Худо Одам Ато билан Момо Ҳавони дарё бўйига ўрнаштириди? [17]

Денгиз ва дарёларнинг қирғоқларида жуда кўп кум бор эди. Нега Худо биз учун қумни яратган? [18]

Ибтидо 2:12 ни ўқинг. Худо одамларнинг қидириб топишлари учун қандай яхши нарсаларни яратган? [19]

Худо нима учун бизга ер остида олтин ва қимматбаҳо тошларни берган? [20]

Ибтидо 2:15 ни ўқинг. Одам нима қилиши керак эди? [21]

Мехнат қилиш — яхши нарса! Эрталабдан кечгача ишсиз ва уйда бекорчи бўлиб ўтиришдан ёмони йўқ!

Худованд одамлардан нафақат ерга ишлов бериб, ўзлари учун озиқа етиштиришлариларини хоҳлайди, балки бу дунёдан завқ олиб яшашларини хам истайди.

Худо яратган дунёда янаям кўпроқ роҳатланиб яшай олишимиз учун нима қила оламиз? [22]

Дунёни янада гўзаллаштириш учун нимадир қилганимизда, Худога шон-шуҳрат келтирган бўламиз. Дунёга зиён етказадиган иш қилганимизда эса, аксинча, Худога иснод келтирган бўламиз. Масалан, ахлатни ерга ташлаб кетиш ва ҳоказо.

Сиз ҳаётингизда Худони қандай улуғлайсиз?

Жавоблар

- 1 – Ҳеч нарса йўқ эди; лекин Худо азалдан у ерда эди.
- 2 – У айтди ва амалга ошди. Худо сўзи билан яратди.
- 3 – Азалда Калом Худо билан бирга эди.
- 4 – Исо.
- 5 – Худонинг Рухи.
- 6 – Битта!
- 7 – Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар!
- 8 – Биринчи бобда.
- 9 – Худонинг суратига эгалигимиз билан фарқ қиласиз.
- 10 – Биз гапира оламиз, севамиз, ёзамиз, келажакка оид режалар тузамиз ва энг муҳими, Худо билан мuloқot қила оламиз.
- 11 – Ҳар бир одам, хатто ёш болалар ва ногиронлар ҳам, Худонинг суратида бўлгани учун қадрқиммат ва аҳамиятга эгадир.
- 12 – Чунки У бизни яратган.
- 13 – Уларнинг вазифаси: баракали бўлиш ва кўпайиш, ер юзини тўлдириб, ўзларига итоат эттириш эди.
- 14 – Худо улардан:
 - кўпайиб, ер юзини тўлдиришни
 - мевали дараҳтлар, донли ўсимликлар, сабзавотлар, гуруч, буғдој ва шу кабиларни ўстириб, парвариш қилиши
 - қаҳва, шоколад, зираворлар ва бошқа нарсаларни кашф қилишларини хоҳлади.
- 15 – Сут ва тухум;

Кийим кечак ва адёл учун жун;

Далаларни шудгор қилиш учун;

Аравани тортиб, юк ташиш учун;

Саёҳат қилиш учун (айниқса отлар);

Қурбонлик қилиш учун (Ибитдо 4:4);

Озиқ-овқат учун (9:3 — Худо Нуҳга гўшт ейиши мумкинлигини айтган).
- 16 – Мазали мевалар учун;

Ўтин сифатида ишлатишимиш учун;

Уйлар куришимиз учун;

Мебел ва мусиқа асбоблари ясаш учун;

Уларга қараганда инсоннинг кўнгли ёришади, айниқса, куз фаслида баргларининг ранги ўзгарганида.
- 17 – Улар ичиши ва ювениши учун тоза сувга эга бўлсинлар деб, сув йўли орқали саёҳат қилсинлар деб.

Чунки у даврда йўллар бўлмаган.

Адан боғи қамоқхона эмасди.

- 18 – Қумдан қасрлар бино қилишимиз учун!
Шиша ишлаб чиқаришимиз учун.
Телефон ва компьютерлар учун чиплар ишлаб чиқаришимиз учун.
- 19 – Олтин, хүшбүй қатрон ва қимматбаҳо тошлар.
- 20 – Одамларга тақинчоқ ва безак учун;
Эрлар ўз хотинларига севгисини намоён қилишлари учун;
Пул ўрнида ишлатиш учун;
Вақти келганды компьютер ва телефонлар ихтиро қилишимиз учун;
Самовий Маъбаднинг (Ваҳий 21:18–20) сурати бўлган ердаги маъбадни безаш учун.
- 21 – Боққа ишлов бериш, парвариш қилиш.
- 22 – Худони мамнун қиладиган нарсаларни қилсак, масалан:
- мухтожликдаги одамларга меҳрибонлик кўрсатиш мақсадида;
- мазали таомлар тайёрласак;
- уйимизни шинам ва чиройли қилиб безасак;
- одамлар янги нарсалар ихтиро қилсалар;
Яна қандай фикрларингиз бор?

3-дарс: Гуноҳ



Адан боғи

Ибтидо 3:1–24 ни ўқинг (учинчи бобнинг биринчи оятидан йигирма тўртинчи оятигача ўқинг).

Илон шаклида келган Шайтон Момо Ҳавога нима деди? (1-ва 4–5-оятлар) [1]

Шайтон Момо Ҳавога Худо ҳақиқатни айтмаяпти ва У сахий эмас деган фикрни беришга харакат қилди.

Шайтоннинг айтгани тўғрими? [2]

Одам Ато билан Момо Ҳаво Худонинг суратида яратилганликлари учун, аллақачон, Худога ўхшардилар! Бироқ, Худо суратида яратилмаган бир жонзот келиб улар билан гаплашмоқда. Бу жонзод уларга: «Айтганимни қилсанглар, Худога ўхшаш бўласизлар», демоқда!

Агар Момо Ҳаво ва Одам Ато гуноҳ қилмаганида, нима бўлар эди? (24-оят) [3]

Шайтон ваъда килган билимга эга бўлиш улар учун яхши бўлдими? Бу уларни баҳтли қилдими? 7-оятда, улар ниманинг фарқига боришли? [4]

2:15 да, Худо Одам Атога қандай иш берган? [5]

Илон уларга гапирганида, улар нима қилишлари керак эди? [6]

Худо Одам Ато билан Момо Ҳавога баҳтли бўлишлари учун керак бўладиган ҳамма нарсани бериб қўйган эди. Шунга қарамай, улар Худони рад қилишди. Худонинг берганлари улар учун етарли эмасди. Улар ўз ҳаётларини бошқариш учун Худонинг ўрнида бўлишни хоҳладилар.

Жудаям даҳшатли! Бироқ биз ҳам худди шундай қиласиз. Худога қулоқ солмай, шайтоннинг гапига кирганимизда, Худони хафа қиласиз.

Худо бизни бошқаришини хоҳламаймиз. Ўзимизга ёққанича яшашни хоҳлаймиз. Бу билан Худонинг газабини қўзгаймиз.

Бизнинг Одам Ато ва Момо Ҳавога қандай ўхшаш томонимиз бор? [7]

Гуноҳнинг 5 та оқибати

1. Улар уялдилар

Ибтидо 3:7: Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганларидан кейин, жуда ёмон иш қилганларини дархол англадилар ва уялдилар. Кейин нима қилишди? [8]

Улар илгари баҳтиёр эдилар. Энди эса уялганларидан, ўз-ўзларини ёмон кўрадиган бўлдилар.

2. Гуноҳ улар орасидаги муносабатни бузди

Ибтидо 3:12: Одам Ато нима қилди? [9]

Ибтидо 3:16: Энди Одам Ато билан Момо Ҳаво бир-бирига қандай муносабатда бўлишади? [10]

Ачинарлиси шундаки, бу қоида шафқатсиз ва худбин бўлиши мумкин. Лекин Худонинг оиласвий ҳаёт учун кўзлаган режаси бундай эмас.

3. Худо ерни лаънати қилди

Ибтидо 3:17–18: Уларнинг гуноҳи ердан хосил ундиришга қандай таъсир қилди? [11]

4. Гуноҳ оғриқ ва ўлим келтирди

Ибтидо 3:16–19: Энди уларнинг ҳаёти қай тарзда ўзгаради? [12]

Аммо Худо меҳрибондир; улар дархол ўлмайдилар. Одамларни қутқариш учун Худонинг режаси бор!

5. Гуноҳ уларнинг Худо билан муносабатини бузди

Ибтидо 3:8: Энди уларда Худо билан гаплашиш хоҳиши борми? [13]

Ибтидо 3:21: Худо уларни ўша заҳотиёқ боғдан хайдаб юбормади. Биринчи навбатда У нима қилди? [14]

Одамларнинг гуноҳини ювиш ва шармандаликдан халос қилиш учун Худонинг Ўзи кўлини чўзди. Худо билан ярашиш хар доим Худонинг меҳр-муҳаббатли харакатидан бошланади. Эътибор қилган бўлсангиз, илк гуноҳ содир этилганда, Худонинг Ўзи ҳайвонни қурбон қилди. Одамларнинг Худо билан мулоқотини тиклаш учун кимдир ўлиши керак эди.

Ибтидо 3:23: Худо нима қилди? [15]

Улар энди Худо билан яшай олмасдилар. Гунох бизни Худодан абадий узоқлаштиради.

Гуноҳнинг 5 та оқибати нима? [16]

1.

2.

3.

4.

5.

Гуноҳ ҳамма нарсани бузади. Гуноҳ дўзахга олиб боради. Аммо бу ҳикоянинг охири эмас!

Биринчи ва иккинчи Одам

Шундай воқеалар ичидаги эканмиз, Худо бизга умид берди.

Ибтидо 3:15: Момо Ҳавонинг насли нима қиласди? [17]

Бу нима дегани? [18]

Эски Аҳднинг қолган қисмлари бизни Ўша Зот ким эканини билиб олишга тайёрлайди. Янги Аҳд эса иккинчи Одам ким эканини очиб беради.

1-Коринфликлар 15:21–22: «Ўлим бир инсон орқали дунёга кирди. Шунга ўхшаб, ўликларнинг тирилиши ҳам бир Инсон орқали содир бўлади. Ахир, бу дунёга ўлим Одам Ато туфайли кириб келди, энди Исо Масих орқали ҳамма тирилади.»

Иккинчи Одам ким? [19]

Ўлим бизга қандай келди? [20]

Биз қандай қилиб ҳаётга эга бўламиш? [21]

Агар гуноҳ қилсак, ўлимга лойиқ бўламиш. Исо эса бизнинг ўрнимизга ўлиш учун ва бу орқали бизлар абадий яшашимиз учун дунёга келди (**Юҳанно 3:16**)!

Кундалик вазифа

Ўзимизнинг гунохимизни кўриш жуда қийин. Шунинг учун ҳар куни Худодан бизга гуноҳларимизни кўрсатишини сўрашимиз жуда муҳим. Ана шу йўл билан биз Худога маъқул ҳаёт кечира оламиз.

Забур 138:23–24: *Текшириб кўр мени, эй Худо, юрагимни бил,
Синаб кўр мени, ташвишларимни бил.
Билгин-чи, менинг бирон қабиҳлигим бормикан?
Мени агадий йўлдан етаклаб боргин.*

Қўшимча: Аммо шайтон ва ёвузлик қаердан пайдо бўлди?

Ибитдо 1:31: Худо Ўзи яратган ҳамма нарса ҳақида нима деган? [22]

Колосаликлар 1:15–16: Бу оятлар Исо ҳақида ёзилган. У нимани яратган? [23]

Рухларни ким яратган? [24]

Биз Худонинг яратганларидан эмас, балки Яратувчининг Ўзидан қўрқишимиз керак!

Шайтон (иблиснинг номи) ва ёвузлик қаердан пайдо бўлган? Эгамиз ҳар доим инсонларга танлаш ҳуқуқини беради, яъни уларга ё Худога қулоқ солиб итоат этиш ёки аксини танлаш имконини берган. Агар Худо бизга танлаш имконини бермаганида, биз Уни сева олмасдик, худди роботлар сингари бўлардик.

Вахий 12:7–9: Микойил ким? (Яхудо 1:9) [25]

Аждарҳо ким? [26]

Аввал бошда нима содир бўлган эди? [27]

Шундан кейин Худога қарши чиққан фаришталар жинларга айландилар. Аммо, Худога қарши чиқмаган фаришталар ҳали ҳам Худога ва Унинг халқига хизмат қилмоқдалар (Ибронийлар 1:14).

Исо ўлиб, қайта тирилганида, шайтонни енгди. Бироқ шайтон ҳалигача Худога ва Унинг халқига қарши курашмоқда. Шайтонга қарши мустаҳкам тура олишимиз учун Худо бизга қурол-аслаҳалар берган (Эфесликларга 6:10–18). Шундай экан, ҳар куни руҳий қуролларни тақиб юришимиз керак.

Вахий 20:10: Исо қайта келганида шайтонни нима қиласди? [28]

Шундан кейин ҳеч қандай гунох бўлмайди! Биз Исо Масих билан бирга асло ёвузлик бўлмайдиган янги ерда абадий яшаймиз!

Бугун нима учун тавба қилишингиз керак?

Жавоблар

- 1 – **3:1:** Ҳақиқатан ҳам Худо, бодаги биронта дараҳтнинг мевасидан еманглар, деб айтдими?
3:4–5: Йўқ, ўлмайсизлар... чунки Худо биладики, сизлар бу мевалардан есангиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худога ўхшаб қоласизлар.
- 2 – Йўқ!
- 3 – Улар ҳаёт дараҳти мевасидан ейишга давом этган бўлардилар ва абадий яшардилар.
- 4 – Улар ялангоч эканликларини англадилар. Буни билиш уларга яхши бўлмади. Энди улар Худога камроқ ўхшар эдилар ва шунинг учун баҳтли эмасдилар.
- 5 – Худо уни боққа ишлов берсин, парвариш қилсин деб, Адан боғига жойлаштириди.
- 6 – Боққа ғамхўрлик қилиш учун илонни ўлдиришлари ёки ҳеч бўлмагандан боғдан ҳайдаб юборишлари керак эди.
- 7 – Худога итоат қилмай, шайтоннинг гапига кирсак, Худони хафа қилган бўламиз.
Бизни Худо бошқаришини хоҳламаймиз, ўзимизга ёққанича яшашни хоҳлаймиз.
- 8 – Улар ялангоч эканларини пайқадилар ва анжир япроқларини ўзларига ёпинчиқ қилиб олдилар.
- 9 – У Худони (Ўзинг менга берган хотин) ва Момо Ҳавони айблади — «бу менинг айбим эмас — бу унинг айби!»
- 10 – Энди оиласи ким бошқариши борасида кураш бўлади. Аёл эрнинг қоидаларидан норози бўлади.
- 11 – Энди ишлаш осон бўлмайди. Ердан мева ва сабзавотлар ундириш жуда қийин бўлади.
- 12 – Улар оғриқ ва азобларда яшайдилар. Ўлим кўрадилар, абадий яшамайдилар.
- 13 – Йўқ, улар Худодан яшириндилар.
- 14 – Худо бенуқсон ҳайвонни қурбон қилиб, унинг териси билан Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ялангочлигини ёпди.
- 15 – Худо Одам Ато билан Момо Ҳавони Адан боғидан чиқариб юборди.
- 16 – 1) Улар уялдилар.
2) Гуноҳ уларнинг орасидаги ўзаро муносабатни бузди.
3) Худо ерни лаънати қилди.
4) Гуноҳ оғриқ ва ўлим келтирди.
5) Гуноҳ инсон билан Худо ўртасидаги муносабатни бузди.
- 17 – У шайтоннинг бошини эзади.
- 18 – Худо шайтон устидан ғолиб келадиган Зотни юборади!
- 19 – Исо Масих.
- 20 – Одам Ато орқали.
- 21 – Агар Исо билан алоқада бўлсак.
- 22 – Худо яратган ҳамма нарса жуда яхши эди.
- 23 – Кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир нарсани.
- 24 – Исо Масих.
- 25 – Бош фаришта.
- 26 – Иблис.
- 27 – Самода жанг бўлди. Микойил ва унинг фаришталари шайтонга ва унинг малакларига қарши жанг қилдилар. Сўнгра шайтон ва унинг малаклари жаннатдан ҳайдаб юборилди.
- 28 – Худо шайтонни жаҳаннамга ташлайди.

4-дарс:

Худо ёвузликни ҳукм қилади



Бозордан сотиб олинган, аммо чириган меваларни нима қиласиз? [1]

Биз ҳам бузилган мевага ўхшаймиз! Ичимиздан чириганимиз ташқаридан кўринмайди. Ташқаридан гўё ҳаммаси яхшидек кўринади. Аммо Худо барча инсонлар бузилганлигини кўради. Худо бизнинг юракларимизни билади!

Ибтидо китоби 6:5–22 ни ўқинг.

Ибтидо 1:31: Худо Ўзи яратган ҳамма нарса ҳақида нима деб ўйлаган? [2]

Ибтидо 6:6: Ҳозир Худо Ўзи яратган дунё ҳақида нима деб ўйлайди? [3]

Инсон зоти қабиҳлашиб кетди. Худо нима қилиши керак? [4]

Худо буни қандай амалга оширади? [5]

Худо нафақат муқаддас, балки меҳрибон ҳамдир. У дунёни ҳукм қилиши керак, аммо У бутун одамзод қирилиб кетишини хоҳламайди.

Ибтидо 3:15: Худо кимни юборишни ваъда қилган эди? [6]

Одамлар Худонинг иблисни йўқ қилиш режасининг бир қисми эдилар!

Ибтидо 6:8: Худо кимни кутқаришга қарор қилди? [7]

Ибтидо 6:14: Худо Нухга нима қилишни буюрди? [8]

Ибтидо 6:18–19: Кимлар қутқариладилар? [9]

У қайиқ эмас, балки 3.000 кишини сиғдира оладиган ҳайбатли кема эди!

Нух одамларга түфон келиши ҳақида айтганида, улар фақатгина унинг устидан кулишди; уни ақлдан озган дейишди!

Аммо охир-оқибат уларга нима бўлди? [10]

Булар бизнинг гуноҳ муаммолизни ҳал қилдими? [11]

Ибтидо китоби 8:20–22 ни ўқинг.

Нух тўфондан кейин нима қилди? [12]

Худо қандай ваъда берди? [13]

Ибтидо китоби 9:12–16 ни ўқинг. Худо тирик жонзод билан қилган аҳдини қандай аломат билан тасдиқлади? [14]

Худонинг Нухга берган ажойиб ваъдаси шуни кўрсатадики, Худонинг инояти фақат бир нечта саноқли одамлар учунгина эмас, балки БУТУН одамзод учундир. Худо ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамайди, балки барчанинг Худо севгисидан баҳраманд бўлишини истайди!

Осмонда камалакни кўрган пайтимиз, Худонинг барча яратганларига бўлган садоқатли севгисини эсга оламиз!

Янги Аҳд

Бугун Худо одамлар ҳақида нима дейди?

Римликларга 3:10–18 [15]

Римликларга 3:23 [16]

Ҳамма гуноҳ қилган, барча бузилган. Худо бу дунёни ҳукм қилишга келади. Барча чириган меваларни ташлаб юборади.

Матто 25-бобда Масих (яъни Худо томонидан тайинланган Ҳукмдор) бу борада шундай деган:

Матто 25:31–32: *Инсон Ўғли Ўзининг улугворлигига, жамики фаришталари билан бирга келганда Ўзининг шоҳона таҳтига ўтиради. Барча ҳалқлар Үнинг ҳузурига тўйланадилар. Ҷўпон қўйларни эчкилардан ажратгандай, У ҳалқларни бир-биридан ажратади.*

У фосик одамларга нима дейди? (**Матто 25:41**) [17]

Исонинг ҳукми энг даҳшатлисиdir!

Эски Ахдда Нух Худонинг ҳукмидан қандай кутулган? [18]

Кема худди Исо кабидир. Худонинг ҳукмидан қтулишимиз учун ягона йўл — Исо Масих. Биз бутунлай гуноҳкормиз. Худо эса бутунлай муқаддас. Биз қилишимиз керак бўлган нарса — кемага кириш! Биз Исога, яъни У Ўз ўлими орқали гуноҳларимизнинг эвазини тўлаганига ишонишимиз керак.

Одамлар Нуҳнинг устидан кулганидай, бугун бизнинг ҳам устимиздан кулишади.

Худо бизга қандай топшириқ берган? [19]

Бугунги дарсда Худо сизга нима деди?

Бу дарсни бўлишишингиз мумкин бўлган бирон киши борми?

Тавба қилишингиз керак бўлган гуноҳ борми?

Ўй вазифаси

Кейинги дарсгача Ибтидо 6–9 бобларни (6-бобдан 9-бобгача) ва Ибтидо 11:1–9 (11-боб 1 дан 9 гача бўлган оятларни) ўқиб чиқинг.

Жавоблар

- 1 – Биз уларни ташлаб юборамиз!
- 2 – Ҳамма нарса жуда ажойиб эди; Худо мамнун эди.
- 3 – Ҳудонинг юраги ачишиб кетди.
- 4 – Уларни йўқ қилиб юборади (чириган мева каби ташлаб юборади)!
- 5 – Кучли тўфон юбориш билан.
- 6 – Иблисни мағлуб қиласиган Зотни.
- 7 – Ҳудо Нухни танлади.
- 8 – Кема ясашни.
- 9 – Нух ва унинг оиласи ҳамда хайвонларнинг ҳар бир туридан бир жуфт.
- 10 – Ҳаммаси ҳалок бўлдилар.
- 11 – Йўқ!
- 12 – Нух Худога шукронга қурбонлиги келтирди.
- 13 – Худо энди ҳеч қачон тўфон бўлмайди, деб ваъда қилди.
- 14 – Камалак!
- 15 – Битта ҳам солих киши йўқ.
- 16 – Ҳамма гуноҳ қилган.
- 17 – Худо уларнинг дўзахга боришлигини айтади.
- 18 – Нух Худога итоат қилди ва кемага кирди.
- 19 – Бизнинг вазифамиз, одамларга ғалати туюлишига қарамай, уларга Худо олдида тавба қилиш ва кемага кириш (яъни, Исога имон келтириш) имкониятини беришдир.

5-дарс:

Иброҳимга берилган ваъдалар



Нуҳнинг авлодлари Худони унутдилар. Улар бегона худоларга сажда қиласиган бўлишди.

Бир неча асрлар ўтгач, Худо Иброҳимни Ўз халқининг отаси бўлиш учун танлади.

Учта ваъда

Ибтидо 12:1–7 ни ўқинг.

Худо Иброҳимга қандай учта нарсани ваъда қилган? [1]

1. Қут-барака

Ибтидо 3:16–19: Худо яратган дунёга нима бўлди? [2]

Ибтидо 12:3: Худо энди нима қилишини айтади? [3]

Биз олишимиз мумкин бўлган энг катта барака нима? [4]

2. Халқ

Ибтидо 21:5: Сора биби Исҳоқни дунёга келтирганида, Иброҳим неча ёшда бўлган? [5]

Исҳоқнинг туғилиши мўъжиза эди! Худо Исҳоқнинг ўзгача ўғил эканлигини қўрсатмоқчи эди.

Ибтидо 12:2: Нима учун Исҳоқ ўзгача эди? [6]

Қўшимча

Худо Иброҳимнинг имонини синаш учун уни даҳшатли синовга дучор қилган.



Ибтидо 22:1–18 ни ўкинг.

Худо Иброҳимга ягона ўғлини қурбонликка келтиришни амр берди. Лекин айнан ўша ўғил орқали У бутун дунёни баракаламоқчи эканини айтганди! Иброҳим Худонинг бу амрига ҳечам тушунмади, аммо, Худо Ўз ваъдасини амалга оширишига ишонган ҳолда, имон билан Унга итоат қилди.

Иброҳим Исҳоқни қурбон қиласай деб турган пайтда, Худонинг фариштаси уни тўхтатди. Худо ўғлининг ўрнига қурбон қилиши учун бир қўчкор берди.

Бу ерда одамнинг ўлими ўрнига Худонинг Ўзи бир ҳайвонни қурбонликка берганини кўрамиз. Янги Аҳдда эса Худо бизнинг ўрнимизга ўлиши учун Ўз ўғлини берганини кўрамиз. Ҳеч қандай ҳайвон қурбонлиги Унинг ўрнини боса олмайди. Гуноҳларимиз учун тўлов бўла оладиган бошқа ҳеч қандай қурбонлик йўқ.

Худо Иброҳимга унинг ўғли Исҳоқ орқали ҳам жисмоний, ҳамда руҳий фарзандлар беришни режалаштирган.

Галатияликларга 3:7: Янги Аҳдда Иброҳимнинг ўғиллари кимлар? [7]

Янги яратилишда ким Худонинг халқи бўлади? (**Вахий 7:9**) [8]

3. Ер (юрт)

Ибтидо 17:8: Худо Иброҳим наслларига қайси юртни мулк қилиб бермоқчи? [9]



Бироқ Иброҳим ҳаётлигига Канъон юртига эга бўлмади. Фақат Ибтидо 23-бобда хотини Сорани дафн қилиш учун Канъонда мақбара ерини сотиб олди. Орадан 500 йил ўтгач, Худо ўз халқига ўша юртни берди.

Ибронийларга 11:8–10: Иброҳим қайси жиҳатлари билан имоннинг ажойиб намунаси бўлди? [10]

Бироқ...

Ибтидо 46:6: Уч насл ўтгандан кейин Иброҳим авлодлари қайси юртга кетадилар? [11]

Чиқиш 2:23: Худо халқининг бошига нималар келди? [12]

Худонинг ваъдаларига эришиш учун уларга қутқарувчи керак.

Муқаддас Каломнинг қолган қисми Худо Ўз ваъдаларига содик қолганини баён этади. Эски Аҳдда, Худо Иброҳимга берган ваъдаларини қандай амалга ошира бошлаганини ўқиймиз. Янги Аҳдда эса ўша ваъдаларнинг Исо Масих орқали амалга ошганини кўрамиз.

Аммо Масих оламга қайтиб келганида ва янги ерда абадий У билан бирга яшшимиз учун бизни Ўз ёнига олганида, бу ваъдалар тўлиқ амалга ошади!

Ваъда қилинган юрт келажакдаги янги ернинг рамзи эди. (Ваҳий 22:1–5)

Худо Иброҳимга қандай учта нарсани ваъда қилган эди? [13]

Улар қачон тўлиқ амалга ошади? [14]

Уй вазифаси

Эгамиз Иброҳимга берган ваъдаларини қандай амалга ошира бошлаганини кўриш учун Ибтидо китобини ўқиб чиқинг.

Ушбу дарсда Худо ҳақида нимани билиб олдик?

Жавоблар

- 1 – Кут-барака, халқ ва ер (юрт).
- 2 – Лаънатланганди.
- 3 – Худо барча одамларни Иброҳим орқали баракаламоқчи!
- 4 – Худо билан муносабат!
- 5 – Иброҳим 100 ёшда эди.
- 6 – Чунки Худо Исҳоқнинг наслидан Худонинг халқи бўладиган буюк бир халқ келтириб чиқармоқчи эди.
- 7 – Исо Масихга имон келтирганлар.
- 8 – Турли халқ, қабила, элату миллатларга мансуб бўлган одамлар!
- 9 – Бутун Кањон юртини.
- 10 – Худо берган ваъдаларини ўз вактида бажаришига Иброҳим ишонарди. Худонинг хузурида ердагига нисбатан аълороқ масканга эга бўлишини биларди.
- 11 – Мисрга.
- 12 – Худонинг халқи кул бўлди.
- 13 – Кут-барака, халқ ва ер (юрт).
- 14 – Масих оламга қайтиб келиб, янги ерда абадий У билан бирга яшшимиз учун бизни Ўз ёнига олганида.

6-дарс:

Худонинг ваъдалари Иброҳимнинг авлодларига ўтади



Исҳоқ

Ибтидо китоби 25:19–34 ни ўқинг.

Исҳоқ кимга уйланди? (20-оят) [1]

Исҳоқ билан Ривқо қай жиҳатдан Иброҳим билан Сорага ўхшашарди? (21-оят) [2]

Худо Ривқога қорнидаги эгизаклар борасида нима деди? (23-оят) [3]

Танланиш

Аслида бу Муқаддас Китобдаги катта бир мавзу. Худо имонлиларни Ўзининг руҳий фарзандлари сифатида хали дунёни яратмасдан олдин танлаган эди!

Янги Аҳдда Павлус бу мавзуни янада чуқурроқ ёритган. **Эфесликларга 1:3–8** ни ўқинг.

Худо бизни қачон Ўзининг фарзандлари сифатида танлаб олган? (4-оят) [4]

Нега Худо буни қилди? (6-оят) [5]

Худо бизга яна нима берган? (7-оят) [6]

Муқаддас Китобни умумий кўриб чиқиши курсимиизда давом этар эканмиз, бу мавзу ҳақида яна кўпроқ ўрганамиз.

Баъзи одамлар танланиб, бошқалари танланмаслиги адолатдан эмас, деб айтишимиз мумкин. Бу нарса — Худонинг «инояти» деб аталади (7-оят). Ҳеч ким даъват қилинишга ва оқланишга лойик эмас. Бизни Худо танлагани учун ҳайратланиб, Унга шукур қилишимиз керак!

Худо бизга қанча иноят кўрсатган? (8-оят) [7]

Ёқуб

Ёқуб катта бўлгач, Леах ва Рохила исмли иккита опа-сингилга уйланган. У эр ёки ота сифатида яхши ўрнак бўладиган одам бўлмаган!

Ибтидо китоби 29:30–30:24 гача ўқинг.

Ёқуб қайси хотинини севарди? [8]

Қайси хотини унга 4 та ўғил туғиб берди? (29:32–35) [9]

Рохила ўз опасига ҳasad қилгани учун нима қилди? (30:3) [10]

Билхахнинг нечта ўғли бор эди? (30:5–8) [11]

Шунда Леах нима қилди? (30:9) [12]

Зилпонинг нечта ўғли бор эди? (30:10–13) [13]

Қандай қилиб Леах яна Ёқуб билан қовуша олди? (30:14–16) [14]

Одамлар меҳригиё таъсирида кимдир сизни севиб қолади, деб ишонишарди.

Кейин Леахга нима бўлди? (30:17–21) [15]

Ва ниҳоят, Рохила билан нима содир бўлди? (30:22–24) [16]

Ибтидо китоби 35:16–19 ни ўқинг.

Роҳилага нима бўлди? [17]

Охирида Ёқубнинг ҳаммаси бўлиб нечта ўғли бўлди? Ҳисоблаб чиқишингиз ёки **Ибтидо китоби 42:13** ни ўқишингиз мумкин. [18]

Ибтидо китоби 32:28: Худо Ёкубга қандай бошқа исм беради? [19]

Ёкубнинг ўғилларидан келиб чикқан насллар кимлар эди? **Ибтидо китоби 49:28** ни ўқинг. [20]

Билиш муҳим

Ибтидо китоби 26:3 да Худонинг **Иброҳимга** берган ваъдалари **Исҳоққа**, 28:13–14 да эса **Ёқубга** ўтгани ҳақида айтилган. Демак, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб Худонинг халқи бўлмиш Истроил халқининг бобокалонлари бўлган.



Иброҳимнинг Ҳожар бибидан дунёга келган ўғли — Исмоил, шунингдек, Исҳоқнинг бошқа ўғли Эсов ҳам халқларнинг отаси бўлишди. Лекин Худованд инсониятга нажот йўлини бериш учун Истроил халқини танлади.

Шундай қилиб, Эски Аҳднинг қолган қисмларида Худонинг халқи «Истроил» деб аталишини ва бу халқ Ёкубнинг 12 та ўғли номи билан аталган 12 қабиладан иборат эканини кўришимиз мумкин.

Юсуф ва кўпайиб бораётган Худонинг халқи

Худо Ўз халқининг сонини кўпайтириб борарди! Бироқ кейин фалокат юз берди. Қандай фалокат? **Ибтидо 41:56–57** ни ўқинг. [21]

Худо Ўз халқини очлик туфайли қирилиб кетишдан қандай сақлаб қолди? **Ибтидо китоби 45:7** да Юсуф нима деганини ўқинг. [22]

Ибтидо китоби 37–47-бобларда Юсуфнинг акалари уни қулликка сотиб юборишгани ва у қандай қилиб Мисрда фиръавндан кейинги энг улуғ инсон бўлгани ҳақидаги қизиқарли воқеалар баён этилган. Бу воқеалар Худо Ўз халқини гуноҳкорлигига ва қилган ёмон ишларига қарамай, қандай қайғуриб, ҳимоя қилганини кўрсатади. Бу Худонинг Миср халқига бўлган меҳрибонлигини ҳам кўрсатади. Чунки улар ҳам очарчиликдан омон қолишли.

Ибтидо китоби 15:13 ни ўқинг. Худонинг халқи Мисрда неча йил яшади? [23]

Ибтидо китоби 46:27 ни ўқинг. Юсуфнинг даврида, Худонинг халқидан неча киши Мисрга келган эди? [24]

Саҳрода 1:45–46 ни ўқинг. 400 йил сўнгра, уларнинг сони қанча бўлди? [25]

Энди уларнинг сони ваъда қилинган маконда яшаш учун етарли!

Чиқиш китоби 1:8–13 ни ўқинг. Чиқиш китобининг бошида Худо халқининг олдида қандай иккита муаммо турган эди? [26]

Ибтидо китоби 50:24: «Менинг умрим охирлаб боряпти, — деди Юсуф ака-укаларига. — Лекин Худо сизларни кузатиб туради, сизларни бу юртдан олиб чиқиб, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга бераман, деб қасам ичган юртга қайтариб олиб боради.»

Худо Ўз халқи учун тузган режасини амалга оширишда давом этишини Юсуф биларди. Сиз ҳам Худонинг режасига кўра қўпларга нажот ҳақидаги хабарни етказиш учун яратилгансиз. Ҳар бир инсон Исо Масих ва фақатгина У бера оладиган абадий хаёт ҳақида эшлиш имконига эга бўлиши керак.

Сиз ҳаётингизда Худога қандай хизмат қилмоқдасиз?

Жавоблар

- 1 – Ривқо.
- 2 – Улар иккаласи ҳам узок вакт бефарзанд әдилар. Кейинчалик күрган фарзанди эса Худодан ажойиб марҳамат бўлди.
- 3 – У эгиз ўғиллар тугди. Улардан икки халқ келиб чиқиши, каттаси кичигига хизмат қилиши керак эди.
- 4 – Дунё яратилмасидан олдин!
- 5 – «Унга ҳамду санолар бўлсин!» Унинг номи улуғланиши учун!
- 6 – Масихнинг тўқилган қони орқали Худо бизни кечириб, гуноҳларимиздан озод қилди.
- 7 – Худо бизга мўл-кўл иноят берган.
- 8 – Роҳила.
- 9 – Леах.
- 10 – Роҳила чўриси орқали болали бўлиш учун Билхахни Ёқубга берди.
- 11 – 2.
- 12 – Леах яна бола кўриш учун чўриси Зилпони Ёқубга берди.
- 13 – 2.
- 14 – Леах эри билан бирга бўлиш ҳақини меҳригиёлар эвазига «сотиб олди»!
- 15 – У яна иккита ўғил ва битта қиз тугди.
- 16 – Роҳила Юсуфни дунёга келтирди.
- 17 – У иккинчи ўғлини тугди ва вафот этди.
- 18 – 12.
- 19 – Исройл.
- 20 – Исройлнинг 12 та қабиласи.
- 21 – Қаҳатчилик бошланди.
- 22 – Худо Юсуфни ака-укаларидан олдин Мисрга юборди ва шу тариқа уларни ўлимдан саклаб қолди.
- 23 – 400 йил.
- 24 – 70.
- 25 – 603.000 эркак, аёллар ва болалар билан бирга тахминан 2 миллион одам.
- 26 – Улар Мисрда әдилар. Бу ер уларга Худо ваъда қилган юрт эмасди. Улар қулликда әдилар.

Қўшимча: Ибтидо китоби бўйича викторина

1. Азалда ким Худо билан бирга эди? [1]
2. Гуноҳнинг қандай оқибатлари борлигини кўрдик? [2]
3. Нух даврида ким Худонинг ҳукмидан қутула олган? [3]
4. Худо Иброҳимга қайси учта нарсани ваъда қилган ва улар қачон тўлиқ амалга ошади? [4]
5. Сора биби Иброҳимга туғиб берган ўғлининг исми нима? [5]
6. Сора биби Исҳоқни туққанида, Иброҳим неча ёшда эди? [6]
7. Исҳоқнинг нечта фарзанди бор эди? [7]
8. Уларнинг исмлари нима эди? [8]
9. Худо Исҳоқнинг қайси ўғли орқали ваъдаларини амалга оширишда давом этди? [9]
10. Худо Ёқубга қандай янги исм берди? [10]
11. Ёқубнинг нечта ўғли бор эди? [11]
12. Муқаддас Китобда кейинчалик бу инсонлар (Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб) ким бўлганларни айтилади? [12]
13. Ёқубнинг севимли ўғли ким эди? [13]
14. Худо уларни очликдан ўлиб кетишдан қутқариш учун нима қилди? [14]
15. Худонинг халқи Мисрда неча йил яшади? [15]
16. Худонинг қанча одами Мисрга борди? [16]
17. Уларнинг сони кейин қанча бўлди? (Саҳрода 1:46) [17]

18. Ибтидо китобининг охири ва Чиқиш китобининг бошида Худонинг халқи учун қандай иккита муаммо бор эди? [18]

Жавоблар

- 1 – Калом ва Муқаддас Рух.
- 2 – Улар уялдилар;
Гуноҳ инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатни бузди;
Худо ерни лаънатлади;
Гуноҳ оғриқ ва ўлим келтирди;
Гуноҳ инсон билан Худо ўртасидаги муносабатни бузди.
- 3 – Кемага кирганлар.
- 4 – Қут-барака, халқ, юрт. Масих оламга қайта келиб, янги ерда абадий У билан бирга яшшимиз учун бизни ёнига олганида Худонинг ваъдалари тўлиқ амалга ошади.
- 5 – Исҳоқ.
- 6 – 100 ёшда.
- 7 – Иккита ўғли.
- 8 – Ёқуб ва Эсов.
- 9 – Ёқуб орқали.
- 10 – Исройл.
- 11 – 12 та.
- 12 – Исройл халқининг 12 қабиласининг оталари.
- 13 – Юсуф.
- 14 – Худо уларни Мисрга юборди.
- 15 – 400 йил. (Ибтидо 15:13)
- 16 – 70 киши. (Ибтидо 46:27)
- 17 – 603.000 эркак, ҳамда аёллар ва болалар билан бирга 2 миллион одам; энди уларнинг сони ваъда қилинган юртда яшаш учун етарли.
- 18 – Улар Мисрда эдилар. Бу ер эса Худо уларга ваъда қилган юрт эмасди. Улар қулликда эдилар.

7-дарс: Қутқарувчи Ҳудо



Чиқиш китобининг бошида, Иброҳим насллари жуда ёмон вазиятда эдилар.

Чиқиш китоби 1-боб 8–11, 15–16 ва 22-оятларни ўқинг.

Исройл халқининг аҳволи қанақа эди? [1]

Бирок, ана шундай даҳшатли азоб-уқубат пайтида, Ўз халқини қутқариш учун Худонинг режаси бор эди.

Бир исроиллик оила, чақалоқларни ўлдириш ҳақидаги фиръавннинг фармонидан кочиб, ўғлини яшириб, саватга солиб қўйди. **Чиқиш китоби 2:1–10** ни ўқинг.

Чақалоқни ким топиб олди? (5-оят) [2]

Унга қандай исм беришди? (10-оят) [3]

Ўша вақтгача Худонинг халқи Ҳудо ҳақида жуда кам билишарди. Энди эса Ҳудо уларга Ўзини қандай очиб берганини кўрамиз.

Чиқиш 2:23–3:17 ни ўқинг.

Ушбу парчада биз Ҳудо ҳақида 4 та нарсани билиб оламиз:

1. Ҳудо ўзини ўзи қутқара олмаслигини биладиганларни қутқаради

Худонинг халқи қаерда? [4]

Уларнинг муаммоси нимада? [5]

Улар кимга мухтож әдилар? [6]

Улар нима қилдилар? (2:23) [7]

Исроил халқи фақатгина Худо уларни қутқара олишини билишарди.

Янги Аҳд

Юханно 8:34–36: *Исо деди:*

- Сизларга чинини айтайин: гуноҳ қилувчи ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир. Қул ҳеч қачон хонадон аъзоси бўла олмайди, ўғил эса абадулабад ўз хонадонининг аъзосидир. Шундай экан, агар йўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан озод бўласизлар.

Ким гуноҳнинг кули? [8]

Биз гуноҳга абадий қул бўлиб қолишимиз керакми? [9]

Ким бизни озод қила олади? [10]

Худонинг Ўғли ким? [11]

Барча одамлар қайси жиҳатдан исроилликларга ўхшайдилар? [12]

Биз нима қилишимиз керак? [13]

2. Худо Ўз халқини қутқариш учун инсонни ишлатади

Ҳаворийлар 7:20–22: Худо Ўз халқини қутқариш учун Мусони қай тарзда ҳозирлаган? [14]

Ҳаворийлар 7:23–29: Мусо мукаммалмиди? [15]

Худо Мусони Ўзининг танланган халқи — исроилликларнинг қутқарувчиси бўлишга тайёрлади. Мусо фиръавннинг саройида катта бўлгани учун, фиръавн билан гаплаша оларди. Бошқа исроилликлар эса буни қила олмасди. Бирок Мусо Мисрга қайтиб боришни хоҳламади. Чунки у фиръавн барибир халқни қўйиб юбормаслигини биларди.

Чиқиш 3:12: Худо унга нима деди? [16]

Худонинг мадади билан у Исроил халқини қутқара олади!

Мусо қайси жиҳатдан Худонинг халқини қутқаришга муносиб одам эди? [17]

Мусо мукаммал Қутқарувчи эмасди. У шайтонни мағлуб қиласиган зот эмасди. (Ибтидо 3:15)

Мусо қайси икки жиҳатдан Худонинг халқини қутқаришга тўғри келмасди? [18]

Бир кун келиб, Эгамиз Худо Ўз халқини абадий қутқариш учун комил Қутқарувчини юборади.

Янги Аҳд

Матто 1:20–23: Марямнинг Ўғли қандай иккита исмга эга бўлади ва бу исмлар нимани англатади? [19]

Исо бизни абадий қутқара оладиган ягона Кишидир!

У — Худонинг Ўғли, Худо биз билан!

3. Худонинг Ўзи одамларни қутқаргани келди

Чиқиш 3:8: Худо нима қилди? [20]

Янги Аҳд

Юҳанно 1:14: Калом (Исо) қай тарзда орамизга келди? [21]

Мусо даврида бўлгани каби, Янги Аҳдда ҳам Худо бизларни қутқариш учун келди.

Бошқа динлар «Худо бизни эшлиши учун, жаннатига қабул килиши учун Уни рози килишимиз (фарзларини адо этишимиз) лозим», дейди. Аммо инсон зоти Худога маъқул бўла олмайди. Чунки у хеч қачон етарлича яхши бўла олмайди.

1-Юҳанно 4:10: Ҳақиқий севги — бизнинг Худога бўлган севгимиз эмас, балки Худонинг бизга кўрсатган севгисидир. Зоро, Худо бизни гуноҳларимиздан поклаш учун Ўз Ўглини қурбон қилди.

Худо нима қилди? [22]

Худонинг Ўғли биз учун ўлиб, гуноҳларимиздан поклаш учун келди!

Масихийлик эътиқодининг бошқа динлардан фарқи нимада? [23]

4. Эгамиз ягона ҳақ Худодир!

Худонинг халқи Худо ҳақида жуда кам биларди. Фиръавн кучли кўринар ва Мусо ундан қўрқарди. Худо эса фиръавн Унинг олдида хеч нарса эмаслигини Мусога билдиришни хоҳлади!

Ким кўпроқ кучга эга: бирон бир давлат хукмдорими ёки Худоми? [24]

Чиқиш 3:14: Худонинг исми нима? [25]

Муқаддас Каломда, Худонинг исми бизга Унинг ким эканлигини айтади.

Иброний тилида «Мен бор бўлган Менман» «ЙХВХ» («Яхве» деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин) деб ёзилган бўлиб, бу Худонинг исмидир. Бироқ яхудий халқи Яхве исмини ишлатишдан қочишади. Ўзбек тилида эса Яхве сўзи «Эгангиз» ёки «ҳар доим бор бўлган Худо» деб таржима қилинган.

Бу исм шундан далолат берадики, Эгамиз Худо одамлар сажда қиласиган бошқа худоларга ўхшамайди. У тирик! У абадий! У ҳар нарсага қодир! У Иброҳимга берган ваъдасини унутмаган! Худо садоқатли Худодир!

Бу исм бизга Худо ҳақида нимани айтади? [26]

Янги Аҳд

Худди шу сингари, Исо ҳам Юҳанно Хушхабарида 7 марта Ўзини айни Чиқиш 3:14 даги исм билан атайди. Масалан, Юҳанно 14:6 да: «*Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.*» Ёки, Юҳанно 8:58 да: «*Сизларга чинини айтайин: Иброҳим туғилмасдан олдин **Мен бор бўлганман.***» (Буларни Янги Аҳднинг асл нусхаси бўлган юончада аниқ кўришимиз мумкин; баъзи таржималарда кўриш қийин бўлиши мумкин.)

Исо бу билан нима демоқчи эди? [27]

Фақат Исо бизни гуноҳларимиздан ва ёвуз шайтондан қутқара олади!

Ушбу дарсда Худо ҳақида нимани билиб олдик?

Уй вазифаси

Чиқиш китобининг 1–14-бобларида, Худо Исроил халқини қандай қуткарғани ҳақида ўқиймиз. Бу хафта ушбу бобларни ўқинг ва Худо ҳақида ўрганганларингизни дафтарга ёзинг.

Жавоблар

- 1 – Улар зулм остида, хеч бир ҳак-хукуқ ва эрки бўлмаган қуллар эдилар ва фиръавн уларнинг ўз дояларига янги туғилган ўғил бола чақалоқларни ўлдиришни буюрди.
- 2 – Фиръавннинг қизи.
- 3 – Мусо.
- 4 – Мисрда.
- 5 – Кул эдилар.
- 6 – Уларни қутқарадиган Қутқарувчига. Улар ўзларини қуткара олмасдилар.
- 7 – Ёрдам сўраб, Худога илтижо қилишарди.
- 8 – Гуноҳ қилган ҳар бир киши, демак, бутун одамзод!
- 9 – Йўқ!
- 10 – Ўғил (Худонинг Ўғли).
- 11 – Исо!
- 12 – Биз ҳам қулмиз! Яъни гуноҳнинг қулларимиз! Биз ҳам исроилликлар каби ўзимизни қутқара олмаймиз.
- 13 – Исроил ҳалқига ўхшаб, биз ҳам гуноҳдан қутқариши учун Худога илтижо қилишимиз керак.
- 14 – У Миср тилини ва ибронийчани билган. Яхши таълим олгани ва фиръавн саройида катта бўлгани учун, у билан қандай гаплашишни биларди.
- 15 – Йўқ!
- 16 – Худо Мусо билан бирга бўлишни ваъда қилди.
- 17 – Мусо фиръавн билан гаплаша оладиган ягона исроиллик эди.
- 18 – Чунки Мусо фиръавндан қўрқарди, ҳамда бир мисрликни ўлдирганди.
- 19 – Исо исми «Худо қутқаради» деган маънени англатади. Чунки У инсонларни гуноҳларидан қутқаради. Иммануил исми эса «Худо биз билан» деган маънени англатади.
- 20 – Исроилликларни қутқариш учун Худонинг Ўзи келди.
- 21 – Калом Инсон қиёфасига кирди ва орамизда яшади.
- 22 – Худо Ўз Ўғлини гуноҳларимизни ювиш учун юборди.
- 23 – Бошқа динлар «Худо бизни эшитиши учун ва жаннатига қабул қилиши учун, савоб ишлар қилиб уни рози қилишимиз (фарзларини адо этишимиз) лозим» дейди. Калом эса бизга савоб ишларимиз ҳеч қачон бизни Худога яқинлаштира олмаслигини, шу сабабли Худонинг Ўғли бизнинг ўрнимизга ўлиб, гуноҳларимизни ювиш учун келганлигини ўргатади!
- 24 – Худо!
- 25 – Мен Борман. Ибронийча матндан сўзма-сўз таржимаси «Мен бор бўлган Менман» ёки «Мен Менман».
- 26 – Эгамиз Худо бошқа худоларга ўхшамайди. У тирик! У абадий! У ҳар нарсага қодир! У Иброҳимга берган ваъдасини унумтаган! Худо садоқатли Худодир!
- 27 – Исо одамлардан У Худонинг Ўғли эканини ва фақатгина Исо орқали Ота Худони (Яхвени) таниб била олишлари мумкинлигини англаб етишларини хоҳларди!

8-дарс:

Худо қурбонлик орқали қутқаради



Бу дарсда Худованднинг қудратли Ҳукмдор ва Нажоткор эканлигини ўрганамиз. Биз Унинг ажойиб нажотини ҳар доим эслаб, нишонлаб яшашимиз керак.

Жазо (Чиқиш китоби 5–11-боблар)

Фиръавн Худога қарши чиққан. Худо фиръавнни кўп маротаба ўзи ва халқининг жазолантирилиши хақида айтиб огоҳлантирган.

Худо фиръавнга ва унинг халқига қандай жазоларни юборган? (7–11-боблар) [1]

Бу бизга Худо ҳақида нимани ўргатади? (7:17) [2]

Худо Қудратлидир; У фиръавндан ҳам кучли (У шайтондан ҳам кучлидир!)

Фиръавн барибир Худога қулоқ солмайди.

Худонинг мисрликларга охирги хукми қандай эди? [3]

Исройилликлар ҳам гуноҳкор эдилар. Тўнгич ўғилларнинг ўлими нафақат мисрликларга, балки исройилликларга ҳам, умуман, Худога итоат қилмаган барчага берилган жазо эди.

Ана шу даҳшатли жазодан кейин фиръавн исройилликларни қўйиб юборди. Шундай қилиб, ушбу жазо Худонинг халқи учун кутулиш йўли бўлиб хизмат қилди.

Муқаддас Каломда биз ҳар доим ҳукм ва нажотни бирга кўрамиз. Бу бизга Худо ҳақида нимани айтади? [4]

Нажот

Чиқиш 12:1–30 ни ўқинг.

Қон

Худо исроилликларни Ўз хукмидан асраб қолди. Бу хукмга кўра, ҳар бир тўнгич ўғил ўлиши керак эди.

Бу уларнинг оиласида содир бўлмаслиги учун исроилликлар нима қилишлари керак бўлган? [5]

Худо конни кўрганида нима қиласди? (13-оят) [6]

Шунда қўзининг қони тўнгич ўғилни ўлимдан сақлаб қолади. Ҳар бир хонадонда ўғил ўрнига қўзи ўлди.

Янги Аҳд

Орадан 1500 йил ўтгач Яхё Исо хақида нима деган? (Юҳанно 1:29) [7]

Бу нима дегани? [8]

Овқат

Чиқиш 12:8: Исроилликлар яна нима қилишлари керак? [9]

Худо ўз халқини нафақат ҳимоя қилди, балки озиқлантириди ҳам. Улар қўзининг гўштини еб тўйдилар, бу уларга юриш учун куч бўлди. Чунки эртаси куни уларни узоқ ва машаққатли йўл кутиб турарди!

Худо Ўз халқини нафақат ўша нажот кечаси озиқлантириди, балки кейинги 40 йил давомида сахрода яшаганларида ҳам уларнинг қорнини тўйдиришда давом этди.

Чиқиши китоби 16:31–35 ни ўқинг. Исроилликлар 40 йил давомида ҳар кун нима еганлар? [10]

Улар йўлда эканларида, Худо уларнинг барча эҳтиёжларини қондирди.

Янги Аҳд

Юҳанно 6:35 да Исо нима деди? [11]

Бу нима дегани? [12]

Биз нонни нима қилишимиз керак? (**Юҳанно 6:51**) [13]

Бу нима дегани? [14]

Исо Масих Худонинг ҳукмидан бизни халос қилиш учун ўлди. Бундан ташқари, У абадий ҳаётга эга бўлишимиз учун ҳамда абадий масканимизга олиб борадиган йўлда юришимиз учун бизга керак бўладиган ҳамма нарсани бизларга беради.

Худо нима қилганини эсга олинг!

Байрам!

Нима учун улар ҳар йили Хамиртурушсиз нон байрамини нишонлашлари керак эди? (Чиқиш 12:14, 25–27) [15]



Янги Аҳд

Биз гуноҳ қуллигидан ва ўлимдан озод бўлганимизни қандай нишонлаймиз? (1-Коринфликларга 11:23–26) [16]

Нон ва шароб ниманинг рамзи? [17]

Нега Исонинг ўлимини эсга олишимиз керак? [18]

Исонинг биз учун қилган ишларини ҳеч қачон унутмаслигимиз учун нима қилишимиз керак?

Бу энг яхши янгилик! Сиз бу ҳақда кимга айтмоқчисиз?

Жавоблар

- 1 – Сув қонга айланади, қурбақалар, бургалар, сўналар, чорванинг ўлими, чипқон, дўл офати, чигиртка офати, зулмат, тўнғичларнинг ўлими.
- 2 – Худо Эгамиздир.
- 3 – Худо ҳар бир хонадонда тўнғичларнинг жонини олди.
- 4 – У ҳам Ҳукмдор, ҳам Қутқарувчидир.
- 5 – Улар битта қўзи ёки улоқчани сўйиб, унинг қонини хонадони эшикларининг кесакиси устига ва ёнларига суришлари керак эди.
- 6 – Худо қонни кўрганида, тегмай ўтади, уларни ўлдирмайди.
- 7 – Ана, Худонинг Қўзиси! У дунёни гуноҳдан поклайди!
- 8 – Исо бизнинг ўрнимизга ўлишини, Унинг қони бизни ўлимдан сақлаб қолишини билдиради.
- 9 – Худо уларга ейишни буюрди! Улар бир қўзи ёки улоқчанинг гўштини пишириб ейишлари, ҳамда ҳамиртуруушсиз нон ёпиб, ейишлари керак эди.
- 10 – Манна.
- 11 – *Мен ҳаёт нониман. Менинг олдимга келган одам сира оч қолмайди, Менга ишонган одам ҳеч қачон чанқамайди.*
- 12 – Фақат Исо бизнинг Худо билан мулоқотда бўлиш ташналигимизни (очлигимизни) қондира олади.
- 13 – Биз буни ейишимиз керак!
- 14 – Биз Исо билан мулоқотда бўлишимиз керак. Исо бизга гапиришига, бизни ўзгартиришига йўл қўйиб беришимиз керак. Биз ҳар куни Худо Каломини ўқиб, оятлар устида фикрлашимиз ва ибодат қилишимиз керак.
- 15 – Худо уларни Миср қуллигидан қандай қутқарганини, қўзининг қони уларни ўлимдан сақлаб қолганини эсга олиш учун буни қилишлари керак.
- 16 – Ҳаммамиз бирга нон синдиришга қатнашганимизда.
- 17 – Исонинг танаси ва қони.
- 18 – Чунки Исо Масих Худо бизнинг гуноҳларимиздан ўтиши ва У билан бирга абадий ҳаётда яшашимиз учун ўлди!

9-дарс: Денгизни кесиб ўтиш



Чиқиш 14:1–15:2 ни ўқинг.

Фиръавн охир-оқибат исроилликларни қўйиб юборди. Улар кетишиди. Кейин эса фиръавн фикридан қайтди ва аскарлари билан уларнинг ортидан қувиб кетди.

Фиръавннинг лашкарини кўрган исроилликлар ўзларини қандай ҳис қилдилар? [1]

Нима учун исроилликлар мисрликлардан қочиб қутула олмадилар? [2]

Бу даҳшатли вазият эди!

Исройилликлар қутулиш учун нима қилишлари керак эди? (14:22-оят) [3]

Худо исроилликларнинг қанчасини қутқарди? [4]

Қанча Миср аскари ҳалок бўлди? (14:28-оят) [5]

Янги Аҳд

Бизнинг душманимиз ким? (1-Бутрус 5:8) [6]

Биз имонли бўлишдан олдин ким эдик? (Юҳанно 8:34) [7]

Одамлар ўзлари гуноҳ ва шайтондан қутула оладиларми? [8]

Худди Истроил халқи каби барча инсонлар умидсиз ахволдалар.

Мусо Истроил халқини озодликка олиб чиқиши учун денгизда уларни олдинга бошлаб борди.

Истроил халқи денгизнинг ўртасидан ўтиб борар эканлар, ўзларини гёё ўлимга кетаётгандан хис қилдилар. Кўрқинчли бўлса ҳам, озод бўлиш учун бу ягона йўл эди.

Худди шундай, Исо ҳам бизни абадий хаётга эга қилиш учун ўлимдан ўтди! У бизнинг гуноҳларимиз учун бир марталик қурбонлик сифатида хочда ўлди. Кейин ўлимдан тирилди ва бу орқали биз учун абадий хаёт ўйини тайёрлаганини кўрсатди. Исо бизни бошлаб олдинда юриб борди ва ҳозир ҳам дengиздан ўтар эканмиз, Исо олдинда юриб бизни бошлаб боради! Ер юзидағи хаётимиз тугаганида эса, Исо бизни Ваъда Қилинган Юртга — абадиятга олиб боради!

Худди шундай, Исога эргашибга қарор қилганимизда, биз ўзимиз учун ўлишимиз керак.

Ўзимиз учун ўлган холда, энди Исога хаётимизнинг Хўжайини бўлишига изн беришимиз лозим. Мана шу ҳақиқий озодлик учун ягона йўлдир!

Ўзимиз учун ўлиш қанақа бўлади ўзи? Бунда қандай нарсаларни қилишни тўхтатишимиш керак? Ва қандай нарсаларни қилишни бошлашимиз керак?

Ибронийларга 2:14–15: *Бу фарзандлар фоний бандалар бўлганлари учун, Исо ҳам, улар сингари, инсон бўлди. Зоро, У йўз ўлими орқалигина ўлим келтирувчи иблиснинг қудратини йўқ қила олди ва умр бўйи ўлим қўрқувига қул бўлган одамзодни озод қилишига муваффақ бўлди.*

Исо йўз ўлими орқали нимага эришди? [9]

Юханно 14:1–3: *Исо шогирдларига деди:*

— *Юрагингиз сиқилмасин. Худога ишонинг, Менга ҳам ишонинг! Отам Худонинг уйида маскан кўп. Шундай бўлмагандан эди, сизларга булатни айтиб ўтирганан бўлардим. Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман. Мен бориб сизларга жой тайёрлайман-у, сизларни йўзим билан олиб кетгани келаман. Токи Мен бўлган жойда сизлар ҳам бўлинглар.*

Исо бизни қаерга олиб кетади? [10]

1-Салоникаликларга 4:16–17: *Зотан, Раббимиз Исо Масих буюк бир садо, бош фариштанинг овози ва Худонинг карнайи садоси остида самодан тушиб келганда, биринчи бўлиб Үнга ишонган ҳолда ўлганлар тирилади. Сўнг биз — ҳали тирик бўлганлар ҳавода Раббимизни қаршилаб олиши учун улар билан бирга булутларда кўтариламиш. Шундай қилиб, ҳаммамиз Раббимиз билан абадий бирга бўламиш.*

Исо бизни қачон йўзи бўлган жойга олиб кетади? [11]

Қўшимча мулоҳаза мавзуси: Сувга чўмдирилиш

Римликларга 6:4: Биз сувга чўмдирилиб, Масих билан бирга ўлдик ва кўмилдик. Отамиз Худонинг улугвор қудрати билан Исо Масих ўликдан тирилганидай, биз ҳам янги ҳаётга эга бўламиз.

Сувга чўмдирилиш нимани ифодалайди? [12]

Бу худди исроилликларнинг денгиздан ўтганига ўхшайди.

Нажот топгандан кейин нима қилишимиз керак?

Чиқиш 14:31–15:1: Исроилликлар денгиз орқали ўтаётганларида, қандай учта нарсани қилишган? [13]

Худди шу сингари, Исо бизни қутқарганда, нима қилишимиз керак? [14]

- Худодан қўрққанингиз қандай намоён бўлади? [15]
- Худога ва Исога ишонишингиз қандай намоён бўлади? [16]
- Худони қандай улуглаймиз? [17]

Бизнинг Худога бўлган ҳамду саноларимиз Унга қувонч келтиради, шу жумладан, ўзимизга ҳам! Худони ҳар куни улуғлаш, масалан, кечки овқатдан олдин Унга ҳамду сано айтиш — жуда яхши одат!

Мусонинг Худо халқини денгиздан ўтказгани ҳақидаги ҳикоя Исонинг бизлар учун қилган ишини тасвирлашга қандай ёрдам беради? [18]

Бугун Худо сизга нималарни ўргатди?

Ушбу дарс ҳақида ким билан бўлиша оласиз?

Жавоблар

- 1 – Истроилликлар ваҳимага тушдилар!
- 2 – Улар қоча олмадилар, чунки бир томонда денгиз, бошқа томонда эса фиръавн аскарлари билан қувиб келаётганди. Бундай бўлмагандан ҳам, барибир улар секин юрардилар. Чунки уларнинг болалари, кекса ёшдагилар ва кўплаб юклари бор эди; бу эса уларнинг юришини секинлаштиради.
- 3 – Худо уларни қутқариши учун улар денгиздан ўтишлари керак эди.
- 4 – Ҳаммасини!
- 5 – Ҳаммаси!
- 6 – Фиръавн истроилликларнинг душмани бўлгани каби, иблис ҳам бизнинг душманимиз.
- 7 – Истроилликлар фиръавнга қул бўлганидай, биз ҳам гуноҳнинг қули эдик.
- 8 – Йўқ! Истроилликлар қутула олмаганларидай, биз ҳам қутула олмаймиз.
- 9 – Худди Худо фиръавннинг кучини йўқ қилиб, Ўз халқини озод қилганидай, Исо иблиснинг кучини йўқ қилиб, бизни озод қилди!
- 10 – Ваъда қилинган макондан анча аълорок бўлган Отасининг уйига У билан бирга бўлишга.
- 11 – Раббимиз Исо осмондан қайтиб келганида ва бу дунёдан кўз юмган имонлилар қайта тирилганларида.
- 12 – Биз сувга тушганимизда, Исо билан бирга ўламиз. Сувдан чиққанимизда эса, янги ҳаётда Исо билан бирга яшаш учун чиқамиз.
- 13 – Улар Худодан қўрқдилар.
Улар Худога ва Унинг қули Мусога ишондилар.
Улар Худони улуғладилар.
- 14 – Биз Худодан қўрқишимиз керак.
Худога ва Унинг қули Ислома ишонишимиз керак.
Худони улуғлашимиз керак.
- 15 – Худодан қўрксақ, гуноҳ қилмаймиз. Худо биз қилаётган ҳамма нарсани кўриб туради: ғийбат қилсақ, нолисақ, ёмонлик қилсақ, телефонда ёмон нарсаларни кўрсақ — буларнинг барини У кўриб туради.
- 16 – Ташвишга тушмаймиз. Масалан, агар Худо Унинг нури бўлишимиз учун биздан бошқа бирон жойда яшашимизни хоҳлаётган бўлса, хатто биз у ерда яшашни хоҳламасак ҳам, Унга ишонишимиз керак; Унинг Ўзи бизга ғамхўрлик қиласи!
- 17 – Сўзларимиз билан Худони улуғлаймиз, Унга ҳамду санолар айтамиз!
- 18 – Мусо пайғамбар истроилликларни озодликка олиб чиқиш учун денгиздан (ўлимдан) ўтди. Исо Масих эса бизни абадий ҳаётга олиб бориш учун ҳамда гуноҳ, ўлим ва шайтон қуллигидан озод қилиш учун ўлимдан ўтди!

10-дарс: Қурбонликлар



Азал азалдан одамлар Худога қурбонликлар келтириш орқали сажда қилиб келгандар. Масалан, Қобил билан Ҳобил (Ибтидо 4-боб).

Одамлар ҳар доим Худонинг марҳаматини излагандар. Унинг газабини қайтаришга, Уни рози қилишга интилганлар. Бугунги кунда кўплаб маданиятларда шунга ўхшаш одатлар мавжуд. Одамлар Худонинг газабини тўхтатиш учун қурбон (ўлим) кераклигини тушунадилар.

Нимага одамлар ҳар доим Худога қурбонликлар келтиришган? Уларнинг бундан энг кўп хоҳлаган нарсаси нима? [1]

Фақат Мусонинг даврига келиб, Худо Ўз ҳалқига қандай қилиб Үнга тўғри сажда қилишни тушунтирган.

Улар Худога сажда қилганларида, жонлиқни сўйиб, уни қурбонгоҳ устида оловда куйдиришлари керак эди. Бу иш эса улар иккита нарсани англаб етишлари учун қилинарди:

1. **Гуноҳ жазога лойиқдир ва бу жазо ўлимдир.** Одамнинг Худо билан муносабати қайта тикланиши учун кимдир ўлиши керак.

Исройл ҳалқи ҳар куни гуноҳ қилган ва шу сабабли олий рухонийлар ҳар куни бир жониворни қурбонликка келтиришлари керак эди.

2. **Одам ўрнига қурбонлик.** Жониворлар одамларнинг ўрнига ўлардилар. Ҳайвонлар эмас, балки одамлар гуноҳ қилганлар. Одамлар ўзлари ўлмаслиги учун уларнинг ўрнига ўлишга нимадир керак эди.

Одамлар қурбонлик қилганларида, қайси иккита ҳақиқатни тушунишлари керак эди? [2]

Левилар китоби

Левилар китоби бизга 5 хил қурбонлик турларини тушунтиради. Бу қурбонликлар орқали Худо Ўз ҳалқига Ўзи билан қай тарзда тўғри муносабатда бўла олишларини ўргатмоқчи эди.

Левилар 1-боб — Күйдириладиган қурбонниклар

Левилар 2-боб — Дон назри

Левилар 3-боб — Тинчлик қурбонлиги

Левилар 4-боб — Гунох қурбонлиги

Левилар 5-боб — Айб қурбонлиги¹

Биз ҳозир күйдириладиган қурбонниклар ва тинчлик қурбонлигини күриб чиқамиз.

Левилар 1-боб-Күйдириладиган қурбонниклар

Хар куни әрталаб ва кечқурун рухонийлар қурбонникларни күйдиришлари керак эди. Улар қурбонникнинг ҳаммасини оловда күйдиришлари ва ҳеч ким ундан емаслиги керак эди. Бу қурбонлик уларга Худо бутун ҳаётимизга лойиқ эканлигини ўргатди. Бу эса бизга ҳаётимизни тўлиқлигича Худога беришимиз кераклигини ўргатади.

Биз бу ҳақда Янги Аҳдда ҳам ўқиймиз.

Римликларга 12:1: *Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман. Ўз танангиизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган қурбонлик сифатида багишланг. Худога лойиқ бўлган асл хизмат мана шудир.*

Биз ўзимизни ва бутун ҳаётимизни Худога топширишимиз керак!

Күйдириладиган қурбонниклар одамларга нимани эслатади? [3]

Янги Аҳддаги қайси оят буни бизга эслатади? [4]

Левилар 3-боб-Тинчлик қурбонлиги

Рухонийлар ҳар бир қурбонникнинг қайсиdir қисмларини ейишлари мумкин эди, лекин күйдириладиган қурбонниклар бундан мустасно бўлган.

Бошқа исроилликлар эса фақат тинчлик қурбонлиги гўштидан ея олганлар. Одамлар бу гўштни Худонинг хузурида ейишарди. Бу уларга инсонлар қурбонлик орқали Худо билан мулоқотга эга бўла олишларини кўрсатган.

Янги Аҳдда, Худонинг халқи бирга нон синдириб, узум неъматидан ичганларида, бу уларга Худо билан мулоқот қила олишларини кўрсатади. Нон — Исонинг танаси, узум неъмати эса Унинг конини тасвирлайди. Чунки Исонинг ўлими гуноҳларимизнинг тўлови учун қурбонлик эди.

Тинчлик қурбонлиги одамларга нимани эслатади? [5]

¹ Билмасдан қилинган гунох учун қурбонлик.

Янги Аҳдда Худонинг халқи буни қай тарзда эсга олади? [6]

Ҳайвон қурбонликлари етарлими?

Ибронийларга 10:1–10 ни ўқинг. Гуноҳларимиздан поклаш учун ҳайвон қурбонликлари етарли эмаслигини қандай биламиз? (1–2-оатлар) [7]

Курбонликларнинг қандай фойдаси бор эди? (3-оат) [8]

Исо нима учун дунёга келди? (10-оат) [9]

Эски Аҳдни ўқиганимизда, Исо Масихнинг биз учун қилган ишини яхшироқ англаб етамиз. Худо билан муносабатимизни тиклаш учун бизга қурбонлик керак. Ҳайвон қурбонликлари эса етарли эмас эди. Фақат Исонинг қурбонлиги бизни гуноҳларимиздан чинакамига тозалаб, Худо билан муносабатимизни тиклашга қодир!

Исонинг Янги Аҳдда қилган ишини тушунишимизга Эски Аҳд қандай ёрдам беради? [10]

Гуноҳ қилиб қўйганимизда, нима қилишимиз керак? [11]

Гуноҳ бизнинг Худо билан муносабатимизни бузади. Тавба эса Худо билан муносабатимизни қайта тиклайди. Бироқ шуни ҳар доим эсда тутингки, Худо муқаддасдир ва доимий исёнкор гуноҳ Худонинг ғазабига сабаб бўлади.

Қурбонликлар ҳақида дўстларингиз билан суҳбатлашганингизда, бир марта ва абадий келтирилган Қурбонлик ҳақида қандай айтиб бера оласиз?

Жавоблар

- 1 – Одамлар Худонинг күт-баракаларига эга бўлишга, Унинг газабини қайтаришга интилганлар.
- 2 – Гуноҳнинг эвази — ўлим, ва одамларнинг ўрнига ўлиш учун нимадир керак.
- 3 – Худо бутун ҳаётимиизга лойик.
- 4 – **Римликларга 12:1:** *Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман. Ўз танангизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган қурбонлик сифатида багишланг. Худога лойиқ бўлган асл хизмат мана шудир.*
- 5 – Қурбонлик орқали Худо билан мулоқот қила оламиз.
- 6 – Нон синдириш билан.
- 7 – Одамлар доимо янги қурбонликлар қилишлари керак эди.
- 8 – Улар одамларга Худо билан муносабатларини бузган гуноҳларини эслатиб турар эди.
- 9 – Исо бизнинг гуноҳларимиз учун бир марта ва абадий қурбон бўлиш учун дунёга келди.
- 10 – Эски Аҳд бизларга Худо билан муносабатимизни тиклаш учун қурбонлик кераклигини тушунтиради. Ҳайвон қурбонлеклари етарли эмас эди. Фақат Исонинг қурбонлиги бизни гуноҳларимиздан чинакамига тозалаб, Худо билан муносабатимизни тиклашга қодир!
- 11 – Тавба қилиш.

11-дарс: Ўнта амр



Чиқиши китоби 20:1–17 ни ўқинг.

Биз нима учун бу қонунларга риоя қилишимиз керак?

Одамлар илоҳий амрларга риоя қилсақ, жаннатга борамиз, деб ўйлашади. Улар Худо етарлича яхши бўлган инсонларни жаннатига қабул қиласди, деб ўйлайдилар. Бироқ Муқаддас Калом бундай ўргатмайди. Биз хеч қачон Худо каби яхши бўла олмаймиз. Муқаддас Китобнинг ажойиб хабари шундан иборатки, бизлар ҳатто гуноҳкор бўлсак ҳам, Худо бизга нажот беради! Амрларига итоат қилишимизнинг сабаби — У бизни аллақачон қутқариб, Ўзининг халқи қилган. Худонинг нажотини қабул қилганимизда, Унга итоат этиш бизни қувонтиради.

Худо исроилликларни қулликдан халос қилганида, Унинг Ўзи уларнинг янги Эгаси ва Шохи бўлди. Ана ундан кейин Худо уларга итоат қилишлари учун яхши қонунлар берди. Уларнинг итоаткорлиги эса уларни аллақачон қутқарган янги Шоҳига тегишли эканликларини кўрсатади.

Худди шу каби, Янги Аҳдда ҳам Худо бизни шайтон қуллигидан озод қилганида, Исо бизнинг янги Эгамиз ва Шоҳимиз бўлди. Демак, энди биз Унга хизмат қилиб, Унга итоатда бўлишимиз керак! Бу итоаткорлигимиз эса бизни аллақачон қутқарган янги Шоҳимизга тегишли эканлигимизни кўрсатади.

Биз нима учун бу қонунларга риоя қилишимиз керак? [1]

Янги Аҳд қонуни

Бир куни Исога савол бериб, Тавротдаги қайси амр энг буюк, деб сўрашди. Бундай яхши саволга Исо қандай жавоб берди? **Матто китоби 22:37–40** ни ўқинг.

Иккита энг муҳим амр нима? [2]

Буларга амал қилиш ёлғиз ўзимизга имконсиз, албатта. Бироқ Худо бизга Ўзининг Муқаддас Рухини беради, шунда биз ҳақиқатан Унинг амрларига кўра яшашни ўрганамиз.

Худонинг қонунлари бизга Худонинг табиатини кўрсатади. Биз Худо суратига ўхшаш қилиб яратилганмиз (Ибитидо 1:26). Худо бизнинг табиатимиз ҳам тобора Уникига ўхшаш бўлиб боришини хоҳлайди.

Келинг, Худованд Ўз халқига берган энг муҳим ўнта амр ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Илк 4 амр

Илк 4 амр бизга Худо билан қандай муносабатда бўлишни ўргатади.

1. Биринчи амр нима? (Чиқиш китоби 20:3) [3]

Худонинг қайси хислати эрникига ўхшайди? [4]

Бу амр кейингиси билан чамбарчас боғлиқ:

2. Иккинчи амр нима? (4-оят) [5]

Бут нима? [6]

Дунёда Худонинг суратини қаерларда кўрамиз? (Ибитидо 1:26) [7]

Бизни ҳайратлантирган одамларга, афсуски, сигинишни бошлишимиз жуда осон!

Инсон қўли билан яратилган бутларга сажда қилишнинг ёмон томони нимада? [8]

Биз ҳеч қачон бирон нарсанинг тасвирига, ҳайкал ёки бут-санамларга, ҳатто Исо тасвирланган бўлса ҳам, уларга ибодат қиласлигимиз керак.

Биз учун Худодан азироқ бўлган ҳар қандай нарса бутга айланиб қолиши мумкин.

Одамлар қандай хилма-хил бутларга сажда қилишади? [9]

3. Учинчи амр нима? (Чиқиш китоби 20:7) [10]

Бизнинг амалларимиз сўзларимизга мос келиши керак. Иккюзламачи бўлмаслигимиз лозим. Агар Худони севаман десак, Үнга итоат қилишимиз керак.

Римликларга 2:24: «Сизларни деб, халқлар орасида Худонинг номи ҳақорат қилинмоқда.»

Қандай қилиб Худонинг номига ҳақорат келтирамиз? [11]

Қандай қилиб Худонинг номини улуғлашимиз мумкин? [12]

Луко 6:46: *Нега сизлар Мени: «Ё Раббий, ё Раббий!» деб чақирасиз-у, аммо айтганларимни қилмайсизлар?*

Бу одамлардаги муаммо нимада? [13]

Одамлар яна қандай қилиб Худонинг номини беҳуда тилга олишади? [14]

4. Тўртинчи амр нима? (Чиқиш китоби 20:8) [15]

Биз хафтада бир кун ишдан дам олишга ҳамда Худо билан ва имонлилар билан мулокот қилишга вақт ажратишимиш керак. Бу кун Шаббат ёки дам олиш куни деб аталади. Худо билан ва одамлар билан муносабатимиз ишдан кўра муҳимроқдир!

Шаббат кунига риоя қилиш, ўз кучимизга эмас, балки Худога ишонишимизни кўрсатади. Агар хафтада етти кун ишлаётган бўлсак, бу нарса бутун эҳтиёжларимизни қондириш учун ўз кучимизга суянаётганишимизни кўрсатади. Агар хафтада бир кун ишламасак, эҳтиёжларимизни қондириши учун Худога суянаётганишимизни кўрсатади.

Агар Шаббат кунини муқаддас деб билиб, унга риоя қилсак, бу Худони севишимизга қандай ёрдам беради? [16]

5-дан 10-гача бўлган амрлар

Кейинги 6 та амр бизга бир-биrimiz bilan қандай муносабatda бўлишни ўргатади.

Агар биринчи ўринда Худони севмасак (илк 4 амр), бир-биrimizni ҳам сева олмаймиз (охирги 6 амр).

Кейинги 6 та амрни бажариш учун нима қилишимиз керак? [17]

Кейинги 6 та амр нима? (12–17-оятлар) [18]

Бу амрларни бажариш осонми?

Матто 5:27–28: «Зино қилма», — деб айтилганини ҳам эшиятгансизлар. Лекин Мен сизларга айтаман: агар сиз аёлга шаҳват билан қарасангиз, хаёлингизда у билан зино қилган бўласиз.

Бу оятларда Исо бизнинг фикрларимиз хақида нима дейди? [19]

Эгамиз Худо бизнинг нафақат ташқи томондан яхши кўринишимизни, балки ички дунёмизда ҳам яхши бўлишимизни хоҳлайди. Худога шукур, У бизга Муқаддас Рухини бериб, ташқи томондан ҳам, ички дунёмизда ҳам Унга итоат қилишни ўргатади! Бунинг учун Худога ҳамду санолар бўлсин!

Ўнта амрни ўқиётганимизда, ўй-хаёлларимиз хақида нимани ёдда тутишимиз керак? [20]

Қандай қилиб биз ички ва ташқи томондан итоат қилишимиз мумкин? [21]

Эгамиз Худодан Муқаддас Рухни беришини сўраб, ибодат қилинг. Токи сизнинг табиатингиз ҳам тобора Унигида ўхшаш бўлиб борсин!

Характерингиз сизнинг кимга тегишли эканингизни кўрсатмоқда?

Қўшимча: Мен қайси қонунларга амал қилишим керак?

XXI асрда Ўрта Осиёда яшаётган, яхудий бўлмаган бизлар учун амал қилишимиз керак бўлмаган илоҳий қонунлар борми? [22]

Тавротда кўплаб қонунлар мавжуд. Муайян бир қонунга бўйсунишимиз керакми ёки йўқми, буни қандай биламиз?

Биз Мусо давридаги исроилликлар яшаган мухитдан фарқли мухитда яшаяпмиз. Қонунларга бугун итоат қилишимиз керакми ёки йўқми, буни билиш учун ўзимизга қўйидаги икки саволни бериб кўришимиз мумкин:

1. **Бу қонун ўша пайтда исроилликларга нимани ўргатган?**
2. **Янги Аҳд бизга ушбу қонун ва ушбу мавзу ҳақида нимани ўргатади?**

Биз Таврот қонунларига амал қилишимиз керакми ёки йўқми, буни билиш учун қандай иккита саволни ўзимизга беришимиз керак? [23]

Иккита мисол:

1. Озиқ-овқат ҳақидаги қонун

Левилар 11-боб: Гўштнинг баъзи турларини ейиш мумкин эмасди (7-оят: чўчқа гўштини).

Ўйлаб кўришимиз керак бўлган биринчи савол қандай? [24]



Левилар 11-боб, 45-оят бизга нимани ўргатади? [25]

Улар бошқа халқларга ўхшаб, гуноҳда яшамасликлари керак эди. Улар Худо учун муқаддас бўлишлари лозим. Худонинг халқи бошқа халқлардан фарқ қилиши керак.

Ўйлаб кўришимиз керак бўлган иккинчи савол қандай? [26]

1-Бутрус 1:15–16-оятлар бизга нимани ўргатади? [27]

Эгамиз Худо бизнинг муқаддас бўлишимизни истайди. Биз барча одамлар яшагандай яшамаслигимиз керак, чунки биз Худога тегишлимиз.

Марк 7:18–19-оятлар бизга нимани ўргатади? [28]

Шундай экан, Левилар китобини ўқиб, чўчқа гўшти ҳаром экан, дея ташвишланмайлик! Ўз ҳаётимиз ҳақида ўйлаб кўрайлик: биз муқаддас яшаяпмизми?

Бу қонун асосида яқинимизни қандай севишимиз керак?

1-Коринфликларга 8:13: «*Агар бирор овқатни ейишим биродаримнинг гуноҳ қилишига сабаб бўлса, уни васvasага солмаслик учун энди мен умрбод ўша овқатни емайман.*»

Агар имонли биродарингиз бирон диний йўл билан қурбонликка келтирилган хайвон гўштидан еганингиз учун васvasага тушса, сиз уни ейишингиз тўғрими? [29]

2. Кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш

Чиқиши 21:23–25: «*Агар бошқа зарар етган бўлса, жон эвазига жон, кўз эвазига кўз, тиши эвазига тиши, қўл эвазига қўл, оёқ эвазига оёқ, қуюқ эвазига қуюқ, яра эвазига яра, лат ейиши эвазига лат етказиши билан жавоб берсин.*»



Ўйлаб кўришимиз керак бўлган биринчи савол қандай? [30]

Бу тўғри жазо белгилашлари учун ҳакамларга берилган қонун эди. Бу — ҳакамлар бериши мумкин бўлган энг оғир жазо эди. Бундан оғирроқ жазо бўлмаслиги керак эди. Ҳакам одамларнинг бир-бирларидан шафқатсиз ўч олишларига йўл қўймаслиги керак (Ибитидо 4:24 га қаранг). Уadolatли ва раҳмдил бўлиши керак. Эҳтимол, айбдор киши кўзи ёки тишидан маҳрум бўлиш ўрнига пул тўлаши ҳам мумкин бўлган (Чиқиши 21:26–27, 30). Шундай қилиб, бу оятлар уларга Худонинг адолатли ва раҳмдил эканини ўргатган.

Чиқиши 21:23–25-оятлар бизга нимани ўргатади? [31]

Ўйлаб кўришимиз керак бўлган иккинчи савол қандай? [32]

Матто 5:38–39-оятлар бизга нимани ўргатади? [33]

Римликларга 12:19-оят бизга нимани ўргатади? [34]

Эгамиз Худо ҳали ҳам адолатли ва раҳмдилдир!

Тез орада Исо дунёни хукм қилиш учун келади. У ҳар кимга қилмишига яраша сазосини беради. У адолат ўрнатади!

Худо ҳамма нарсани кўриб турибди. Одамлар бизни қувгин қилганларида, уларни кечиришга қийналамиз. Бироқ Муқаддас Китоб кечиришимиз ва севишимиз кераклигини айтади (Матто 6:14–15). Бу биз учун имконсиз, аммо Муқаддас Руҳнинг ёрдами билан буни қила оламиз!

Таврот қонунларига амал қилишимиз керакми ёки йўқми, буни билиш учун қайси иккита саволни ўзимизга беришимиз керак? [35]


Муқаддас Руҳ сиздан, Унинг ёрдами билан, тўлиқ бўйсунишингизни хоҳлаётган бирор бир қонун борми?

Худодан муқаддас ҳаёт кечира олишингиз ва Унинг севгисини атрофингиздаги барчага кўрсата олишингизни сўраб, бир-бирингиз учун ибодат қилинг.

Жавоблар

- 1 – Чунки Худо бизни қутқарди ва бизни Ўзининг халқи қилди. У бизнинг Шоҳимиз!
- 2 – «Эгангиз Худони бутун қалбингиш билан, жону дилингиш билан, бутун онгингиш билан севинг.» Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашидир: «Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.»
- 3 – Мендан бошқа худоларга сажда қилманг.
- 4 – Худо рашқидир! Худди эр ўз хотинининг бошқа эркакларни севишини хоҳламаганидек, Худо ҳам бизнинг бошқа худоларга сажда қилишимизни ва уларни севишимизни хоҳламайди.
- 5 – Ўзларингизга ҳеч қандай бутни ясаманг.
- 6 – Биз топинадиган Худонинг ҳар қандай сурати.
- 7 – Барча одамлар Худонинг суратидирлар!
- 8 – Бут Худони акс эттиrolмайди. Агар қўлларимиз билан Худонинг тасвирини ясай оламиз, деб ўйласак, бу билан Худони ҳакорат қилган бўламиш.
- 9 – Биз сажда қиласиган тасвир ёки бутлар: сиёсий раҳбарлар, машхур одамлар, пул, уй-жой ва ҳаказо.
- 10 – Мен, Эгангиз Худонинг исмини сустеъмол қилманг.
- 11 – Гуноҳ қилиб, Худога итоатсизлик қилганимизда.
- 12 – Худога итоат қилганимизда, Уни улуғлаган бўламиш.
- 13 – Улар Худони севаман деб туриб, Үнга итоат қилмайдилар.
- 14 – Агар бирор нарса нотўғри бўлса, улар Худони айблашади («Эй Худо!»). Ишлари яхши кетганда эса Худони улуғлашмайди.
- 15 – Шаббат кунини муқаддас деб билинг, бу кунга риоя қилиб юринг.
- 16 – Худо билан ва имонлилар билан учрашиш учун вақт ажратишимишга ёрдам беради.
- 17 – Илк 4 амрга амал қилишимиз керак!
- 18 – 5. Ота-онангизни ҳурмат қилинг.
 6. Қотиллик қилманг.
 7. Зино қилманг.
 8. Ўғрилик қилманг.
 9. Ёлғон гувоҳлик берманг.
 10. Бошқага қарашли бўлганга кўз олайтируманг.
- 19 – Ишларимиз каби фикрларимиз ҳам мухим!
- 20 – Эгамиз Худо бизлар нафақат ташқи кўринишдан, балки ички дунёмизда ҳам яхши бўлишимизни хоҳлади!
- 21 – Худо бизга Муқаддас Рухини бериб, ҳам ташқи томондан, ҳам юрагимизда итоат қилишни ўргатади!
- 22 – Ҳа!
- 23 – Бу қонун ўша пайтда исроилликларга нимани ўргатган? Янги Аҳд бизга бу қонун ва бу мавзу ҳақида нимани ўргатади?
- 24 – Бу қонун ўша пайтда исроилликларга нимани ўргатган?
- 25 – Муқаддас бўлинглар!
- 26 – Янги Аҳд бизга бу қонун ва бу мавзу ҳақида нимани ўргатади?
- 27 – Бутун юриши-туришингизда муқаддас бўлинглар.
- 28 – Биз ҳамма нарсани ейишимиз мумкин!
- 29 – Йўқ.
- 30 – Бу қонун ўша пайтда исроилликларга нимани ўргатган?
- 31 – Худо адолатли ва раҳмидил.
- 32 – Янги Аҳд бизга бу қонун ва бу мавзу ҳақида нимани ўргатади?
- 33 – Қасос олманг, бизнинг вазифамиз — кечириш.
- 34 – Ўзингиз учун ўзингиз қасос олманг, балки Худонинг газабига йўл қўйиб беринг.
- 35 – Бу қонун ўша пайтда исроилликларга нимани ўргатган? Янги Аҳд бизга бу қонун ва бу мавзу ҳақида нимани ўргатади

12-дарс: Муқаддас чодир



Худо биз билан!

Чиқиши 25:1–22 ни ўқинг.

Муқаддас чодир Худо Ўз халқи билан учрашишни ваъда қилган жой бўлиб, унинг ички қисми иккита хонадан иборат бўлган.

Бу қандай хоналар эди? (Чиқиши 26:33) [1]

Энг Муқаддас хонада нима бор эди? (10–22-оятлар) [2]

Чиқиши 25:10–22-оятларда бу борада нималарни биламиш? [3]

Карублар ҳақида нималарни биламиш? (Ибтидо 3:24) [4]

Карублар Худо жудаям пок ва муқаддас эканини, шунинг учун одамлар Унга яқинлаша олмасликларини билдиради.

Чодирнинг атрофида ховли ва пардадан қилинган тўсиқ бўлган.

Ховлида нима бор эди? **Чиқиши китоби 40:29–32** га қаранг. [5]

Уларнинг иккиси ҳам одамларни Худонинг ҳузурида поклаш учун ишлатилган.

Худонинг халқи саҳро орқали юрганларида, Муқаддас чодир ҳам улар билан бирга эди.

Орадан 500 йил ўтиб, улар ваъда қилинган ерда яшар эканлар, шоҳ Сулаймон маъбад қурди. Маъбад Муқаддас чодирга ўхшатиб қурилган, лекин у жудаям мустаҳкам ва чиройли бино эди. У ер Худо Ўз халқи билан учрашишга ваъда қилган жой эди.

Маъбад нимаси билан Муқаддас чодирга ўхшарди? [6]

Янги Аҳд

Янги Аҳд даврида яшаётган бизларга энди қўл билан қурилган маъбад керак эмас. Чунки имонлилар жамоати Худонинг маъбадидир.

1-Коринфликларга 3:16: *Наҳотки билмасангиз?! Сизлар Худонинг маъбадисизлар, Худонинг Руҳи орангизда маскан қилган.*

Шундай экан, энди биз Худо билан учрашмоқчи бўлсак, бирон бир ҳашаматли жойга боришга эҳтиёжимиз йўқ. Унда қаерга боришимиз керак? [7]

Эгамиз Худо ҳар доим Ўз халқи билан бирга!

Худо муқаддас

Худо бизни Ўзи билан яқин муносабатда яшаш учун яратган. Худонинг халқи учун энг мухим нарса Худонинг улар билан бирга яшashi эди. Чунки Худо ораларида бўлмасдан улар Унинг халқи бўлолмасдилар! Лекин улар Худодан қўрқишишарди. Чунки Унинг жудаям муқаддаслигини, ўзларининг эса гуноҳкорлигини билишарди. Улар Худо гуноҳкорларни қандай жазолашига ҳам гувоҳ бўлгандилар (масалан, фиръавнни).

Худо Аҳд сандиги тепасида бўлишни ваъда қилди. Аҳд сандиги бамисоли Худонинг тахти эди. Лекин ҳеч ким Аҳд сандигини кўра олмасди. Чунки у Энг муқаддас хонада жойлаштирилган бўлиб, фақат олий руҳоний йилда бир марта у ерга кириши мумкин эди. Шу тарзда Худо улар билан бирга эди, аммо парда билан ажратилган ҳолда.

Худонинг халқининг муаммоси нимада эди? [8]

Гуноҳкорлар қандай қилиб муқаддас Худо билан учраша олади?

Эски Аҳдда, гуноҳлари кечирилиши учун Истроил халқига иккита нарса лозим бўлган.

1. Гуноҳкорлар ўрнига ўладиган **қурбонликлар**.
2. Қурбонликни амалга оширадиган **олий руҳоний**.

Гуноҳлари кечирилиши учун истроилликларга қандай иккита нарса керак бўлган? [9]

Бироқ олий руҳонийлар ва қурбонликлар хеч қачон мукаммал бўлмаган. Булар инсоннинг гуноҳ муаммосини бутунлай ҳал қила олмаган. Лекин бу нарсалар бизни гуноҳ муаммолизни тўлиқ ҳал қила оладиган Масихнинг келишига тайёрлаган!

Янги Аҳд

Ибронийларга 7:26–27: (Исони назарда тутиб) *Бизга айнан шундай — муқаддас, беғубор ва пок Олий руҳоний керак эди. Исо гуноҳкорлардан айрилган, осмондан ҳам юксакка кўтарилиган. У бошқа олий руҳонийлар каби, ҳар куни олдин ўз гуноҳлари учун, кейин халқнинг гуноҳлари*

учун қурбонлик келтириши керак әмас. Чунки **У бир марта** Үзини қурбон қилиб, халқнинг гуноҳлари учун келтириладиган ҳамма қурбонликларга чек қўйди.

Исо бошқа олий рухонийлардан қандай фарқ қиласди? [10]

Исонинг қурбонлиги Эски Аҳддаги қурбонликлардан қандай фарқ қиласди? [11]

Исо бизнинг комил Олий рухонийимиз ва комил Курбонлигимиздир!

Марк 15:37–38 ни ўқинг. Исо хочда жон берган пайтда маъбадда нима содир бўлди? [12]

Бу эса бизни Худодан ажратиб турадиган парданинг олиб ташланганини кўрсатади! Бу энг яхши хабар!
Фақат Исо Масих гуноҳкорларни Мұқаддас Худонинг ҳузурига олиб бора олади!

Ибронийларга 10:19–22 ни ўқинг. Бу ажойиб имкониятни нима қилишимиз керак? [13]

Юханно 14:6: *Исо унга деди:*

— Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.

Қандай асос билан Худога яқинлаша оламиз? [14]

Бугунги кунда бошқа одамлар қандай йўллар билан Худога келишга ҳаракат қилмоқдалар? [15]

Қандай қилиб Эски Аҳд Янги Аҳдни тушунишимизга ёрдам беришини қўряпсизми?

Мұқаддас Китобни қандай қилиб бир йилда тўлиқ ўқиб чиқиш мумкин?

Биласизми, агар кунига Эски Аҳдан икки боб, Янги Аҳдан бир боб ва битта Забур (жуда узун бўлса, ярмини) ўқисангиз, Мұқаддас Китобни бир йил ичида тўлиқ ўқиб чиқоласиз!



Қандай қилиб бир йил ичида Мұқаддас Китобни тўлиқ ўқиб чиқиш мумкин? [16]

Жавоблар

- 1 – Муқаддас хона ва Энг муқаддас хона.
- 2 – Аҳд сандиги.
- 3 – Сандиқ олтин қопламали қути эди (10–11-оятлар).
Сандиқнинг ўзига хос олтин қопқоғи бўлиб, унинг устида иккита олтин каруб ўрнатилган эди (17–18-оятлар).
Сандиқ ичида ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳа бор эди (21-оят).
Худо у ерда йўз ҳалқи билан учрашишни ваъда қилган (22-оят).
- 4 – Карублар ҳаёт дараҳтини кўриқлайдилар.
- 5 – Ҳовлида иккита нарса бор эди: қурбонгоҳ ва сув тўлдирилган лаган.
- 6 – Маъбад иккита маҳсус хонадан иборат эди: Муқаддас хона ва Энг муқаддас хона. У ерда қурбонгоҳ, ҳамда ашёларни ювиш учун лаган бор эди.
- 7 – Биз бошқа имонлилар билан (яъни жамоат билан) кўришишимиз керак.
- 8 – Худо улар билан бирга бўлишга келди, бироқ улар гуноҳкор эдилар; шу сабабли Худога яқинлаша олмасдилар.
- 9 – Қурбонликлар ва олий рухоний.
- 10 – У муқаддас, бенуқсон ва пок эди.
- 11 – Исо бир марта ва абадий берилган қурбонликдир.
- 12 – Маъбаддаги парда юқоридан пастгача ўиртилиб, иккига бўлинди.
- 13 – Худога яқинлашимиз керак!
- 14 – Худога Исо Масих орқали яқинлаша оламиз.
- 15 – йўз мисолларингизни айтинг.
- 16 – Ҳар куни Эски Аҳддан икки боб, Янги Аҳддан бир боб ва битта Забур (жуда узун бўлса, ярмигача) ўқиш орқали.

13-дарс: Чўлдаги ҳаёт



Худо Синай тогида Ўз халқига кўплаб қонунлар берди. Улар Муқаддас Чодир қурдилар. Бир йил ўтиб, исроилликлар Синай тогини тарк этдилар ва ваъда қилинган ер томон йўлга чиқдилар.

Қўрқув!

Саҳрода китоби 13:1–14:9 ни ўқинг.

Нима учун Мусо ваъда қилинган ерни кўриб келишга ўн иккита одамни жўнатди? [1]

Улар ўша ер хақида нималарни билиб келдилар? (13:28) [2]

«...сут ва асал оқиб ётибди» нима дегани? [3]

Улар шаҳарлар ҳақида нимани билиб келдилар? (13:29) [4]

Улар одамлар борасида нималарни билиб келдилар? (13:33–34) [5]

Ўн икки кишидан нечтаси Худога ишонарди? (14:6–9) [6]

Демак, уларнинг нечтаси Худога ишонмаган? [7]

Ўн киши дев қомат одамларни кўриб, ўтакаси ёрилди.

Лекин Холиб билан Ёшуа (Хўшея) нима дейишди? (31-оят) [8]

Бу икки киши ва қолганлари ўртасида қандай фарқ бор? [9]

Лекин ким кучлироқ: Худоми ёки одамларми? [10]

Уларнинг барчаси Худо улар учун нималар қилганини билишарди. Худо улар учун нималар қилди? [11]

Аммо, барибир, улар Худодан эмас, одамлардан қўрқдилар.

Афсуски, Худо биз учун нималар қилганини унугиб қўйишимиз жуда осон!

Худонинг биз учун қилган ишларини қандай эсда тутишимиз мумкин? [12]

Агар шундай қилсак, одамлардан эмас, балки Худодан қўрқадиган бўламиз.

Исройлликлар Худодан қўрқмай қўйғанларидан кейин нима қилишди? (14:1–4) [13]

Худди шунга ўхшаб, биз ҳам Худога умид боғлаб суюнмасак, Унга итоат қилишни ҳам хоҳламаймиз.

Саҳрода китоби 14:20–25 ни ўқинг. Худо уларга нима деди? [14]

Қонунлар китоби 1:1–3 ни ўқинг. Исройлликларнинг Худога ишонмасликлари оқибати нима бўлди? [15]

Худо исройлликларни қирқ йил давомида, бутун кекса авлод ўлиб кетгунга қадар, саҳрода яшашга мажбур қилди. Ваъда қилинган юртга факат уларнинг болалари, Холиб ва Ёшуа киришди.

Нега Худо бундай қилди? [16]

Агар Худога ишонмасак, бу даҳшатли оқибатларга олиб келади.

Янги Аҳд

Ваъда қилинган юрт Худонинг Иброҳимга берган ваъдасининг амалга ошганини қўрсатади (Ибитдо 12:1). Ўша юрт Худонинг Ўз ҳалқи бўлган исройлликлар орасида маскан қиласидиган жой эди. Шунингдек, ваъда қилинган юрт, келажакда Худонинг ҳалқи У билан абадий яшайдиган самовий ватанини ҳам тасвирлайди.

Худога ишонган Эски Аҳд ҳалқи аслида нимани кутган? (**Ибронийларга 11:16**) [17]

Агар биз абадий ҳаётга эга бўлишни ва самовий ватанда яшашни хоҳласак, нима қилишимиз керак? (**Юҳанно 3:16**) [18]

Агар биз Исо Масихга имон келтиrsак, имонлиларга ваъда қилинган абадий маконга кирамиз. Бу эса Эски Аҳдда ваъда қилинган юртдан анча яхшироқдир!

Чўлдаги ҳаёт

Самовий Ватандаги ҳаёт билан солиштирилганда, бизнинг ердаги ҳаётимиз чўлдаги ҳаётга ўхшайди. Чўл бизнинг ердаги ҳаётимизнинг тасвиридир.

Конунлар китоби 29:5–6 ни ўқинг. Худо 40 йил давомида сахрода Ўз халқига қандай ғамхўрлик қилган? [19]

Янги Аҳдда Муқаддас Рух Исони сахрога бошлаб кетди ва Исо 40 кун у ерда қолди.

Матто 4:3 да шайтон қандай қилиб Исони васваса қилишга уринди? [20]

Матто 4:4 да Исо унга қандай жавоб берди? [21]

Фақатгина нон билан эмас, балки Худонинг Сўзи билан яшшимиз керак.

Исо Худо истроилликларга ғамхўрлик қилганидек, Унга ҳам ғамхўрлик қилишига ишонган.

Юҳанно 6:35 да Исо Ўзини қандай атаган? [22]

Бу нимани англатади? [23]

Исо кудук ёнидаги аёлга нима деди? (**Юҳанно 4:10**) [24]

Бу нимани билдиради? [25]

Кунига неча марта еб ичасиз?

Агар узоқ вақт еб ичмасангиз нима бўлади?

Руҳан соғлом бўлишимиз учун ҳар куни руҳий озиқа ейишимиз ва ичишимиз керак.

Руҳий соғлигимиз учун нима қилишимиз керак? [26]

Бизнинг ҳаёт йўлимиз имон йўлидан иборат бўлиши лозим; яъни Худога ишониб, Унга итоат қилиб яшшимиз, ҳамда руҳий озиқалар билан озиқланишда давом этишимиз керак! Дев қоматлилардан кўркмаслигимиз, балки Худодан кўрқиб яшшимиз даркор!

Дуч келишимиз мумкин бўлган дев қоматлилар нималар ёки кимлар?

Биз кимдан кўрқамиз: дев қоматлиларданми ёки Худоданми?

Агар Худога ишонсак, гуноҳ қилмаймиз.

Кўркувга эмас, имонга тобе инсонлар бўлайлик!

Бугун Худо сизга нима деяпти?

Жавоблар

- 1 – Ўша ерни кўриб келишлари учун; шахарлар, одамлар ва умуман ўша юрт ҳақида ҳамма нарсани билиб келишлари учун юборди.
- 2 – У ерда сут ва асал оқар эди.
- 3 – Бу — чорва ва асаларилар кўп, дегани. Арилар дехкончилик учун жуда муҳимдир. Булар орқали ернинг унумдор эканини тушунамиз.
- 4 – Шаҳарлари мустаҳкам ва буюк.
- 5 – У ердаги одамларнинг бари узун бўйли эдилар. Ҳатто дев қоматли паҳлавонларни ҳам кўришди.
- 6 – Фақат иккитаси!
- 7 – Ўнтаси!
- 8 – Борайлик, ўша ерни қўлга киритамиз! Биз буни уддалаймиз!
- 9 – Холиб ва Ёшуа Худодан қўрқардилар, бошқалари эса — одамлардан.
- 10 – Худо!
- 11 – Худо уларни Мисрдан олиб чиқди, фиръавндан халос қилди ва кўз кўриб қулоқ эшитмаган мўъжизаларни яратди.
- 12 – Ҳар куни Муқаддас Китоб ўқиб, Худони улуғлашимиз керак; ҳамду санолар куйлаш ҳам Худонинг биз учун қилган ишларини эсимизга солади; Худони улуғлаб, Унинг сўзини биргаликда ўрганиш учун имонлилар билан мунтазам равишда кўришиб туришимиз керак.
- 13 – Улар Худога қулоқ солмадилар ва ваъда қилинган маконга кирмадилар.
- 14 – Ваъда қилинган маконга кирмасликларини айтди.
- 15 – Синай тоғи билан ваъда қилинган ўлканинг ораси бор-йўғи 11 кунлик масофа эди. Бироқ у йўл 40 йилга чўзилди!
- 16 – Чунки улар Худога ишонмадилар.
- 17 – Улар аълороқ маконни — самовий ватанни кутганлар.
- 18 – Биз Исога имон келтиришимиз ва Унга ишонишимиз керак!
- 19 – Худо уларга нон, сув ва бошқа барча керакли нарсаларни берган.
- 20 – Унга тошни нонга айлантиришни айтди.
- 21 – Ёзилганки: «Инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди.»
- 22 – Ҳаёт Нони.
- 23 – У бизнинг Худога бўлган (Худо билан муносабатга бўлган) очлигимизни қондиради. Бизга абадий ҳаёт учун ҳамда ер юзидағи кундалик ҳаётимиз учун керак бўладиган барча нарсани беришга қодир.
- 24 – Исо ҳаётбахш сув беради.
- 25 – У бизнинг Худога бўлган (Худо билан муносабатга бўлган) ташналигимизни қондиради. Бизга абадий ҳаёт учун ва ердаги кундалик ҳаётимиз учун керак бўладиган барча нарсани беришга қодир.
- 26 – Муқаддас Китобни ўқиб, ибодат қилишимиз ва ҳар куни Исо билан бирга вақт ўтказишимиз керак.

14-дарс:

8 та расмда Муқаддас Китобдаги тарихий ҳикоялар

Ушбу расмлардан фойдаланган ҳолда, Муқаддас Китобда бугунгача қўриб, ўрганиб чиққан воқеаларни яна бир бор такрорлаймиз.



Аввало, биринчи расм ҳақида ўқиймиз. Кейин гурухдан бир киши ўқимасдан, ушбу маълумотни тақрорлаб айтиб бериши керак. Кейин эса, иккинчи расм ҳақида ўқиймиз ва яна кимдир уни тақрор айтиб беради. Шу тарзда охирги расмгача давом этамиз. Охиригача боргандан кейин, яна кетма-кет, лекин бу сафар ўқимасдан, 8 та расм ҳақида тақрорлаб айтиб берамиз.



1. Яратилиш

Худованд ҳамма нарсани яхши қилиб яратди. У дастлабки одамлар билан, яъни Одам Ато ва Момо Ҳаво билан Адан боғи деб аталган гўзал боғда вақт ўтказар эди.



2. Гуноҳнинг пайдо бўлиши

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоат қилмай, шайтоннинг гапига кирдилар. Шундай қилиб улар Худонинг марҳаматидан ва абадий ҳаётдан маҳрум бўлдилар. Расмдаги кўрсаткич (стрелка) Худо уларни Ўз хузуридан ва Адан боғидан ҳайдаб юборганини кўрсатади.



3. Ваъдалар

Худо Иброҳимга ваъда бериб, уни Ўзи учун танлайдиган **халқ**нинг отаси қилишини айтди. Худо Иброҳимга ўша халқ учун (Ўзи уларнинг орасида улар билан бирга бўлиш учун) бир **юрт** ваъда қилди. Худо яна Иброҳимга барча халқларни у орқали **баракалашини** ваъда берди.

Расмдаги тож Худонинг Ўзи уларнинг яхши Шоҳи бўлишини ифодалайди. Камалак эса Худо Ўз ваъдаларига содик эканини билдиради (Ибтидо 9:13–16). Унга ҳар доим ишониш мумкин!



4. Чиқиш

Худонинг халқи бегона юртга — Мисрга кетдилар ва у ерда қул бўлдилар. (Пирамидалар Мисрни ифодалайди).

Кўрсаткич белгиси (стрелка) Худо Ўз халқини Миср қуллигидан ҳалос қилганини англатади.



5. Ўлка

Худо Ўз халқини ваъда қилинган юртга олиб келди. Агар улар Худога итоат қилсалар, Худо улар билан бирга бўлишни ва уларни баракалашни ваъда қилди.

Дарахтлар ва сув унумдор тупроқни англатади.

Бироқ исроилликлар Худога итоат қилишни хоҳламадилар ва бу орқали У билан ораларидағи ўзига хос муносабатни буздилар.



6. Исо Масих

Худо Нажоткор юбориш ҳақидаги ваъдасининг устидан чиқди! **Масих** Исо хочда гуноҳларимиз учун бир марта ва абадий қурбон бўлиш учун келди. Кейин У ўлиқдан тирилди. Бу эса Исо ўлимни енгганини кўрсатади! Шундай экан, биз яна Худо билан яраша оламиз.



7. Исонинг қайтиши

Хозир Исо самода.

Кўрсаткич белгиси Исо дунёга якун келтириш ва барчани қилмишига яраша ҳукм қилиш учун қайтиб келишини англатади.



8. Самовий Ватан

Шундан кейин биз ваъда қилинган, янги ва боқий юртда — Самовий Ватанда Худо билан бирга яшаймиз!

Бу ҳафта мана шу расмлар ҳақида айтиб беришингиз мумкин бўлган бирон кишини Худо юборсин, деб бир-бирингиз учун ибодат қилинг.

15-дарс: Ёшуа



Кирк йил давомида саҳрода саргардон бўлганларидан кейин, Мусо халқни ваъда қилинган ернинг чегарасига олиб келди. Мусонинг ўзи бу ўлкага кирмади.

Мусо вафот этгач, унинг ўрнига Ёшуа йўлбошчи бўлди. Ёшуванинг вазифаси Худонинг халқини ваъда қилинган ерга олиб кириш ва жангларда уларга бошчилик қилиш эди.

Мусодан кейин Худонинг халқига ким раҳбарлик қилган? [1]

Унинг вазифаси нимадан иборат эди? [2]

Ваъда

Ёшуа китоби 1:1–9 ни ўқинг.

Худо Ўз халқига нимани ваъда қилди? (Чиқиш китоби 3:8) [3]

Бироқ Канъон юртининг одамлари жуда бақувват эдилар. Истроилликлар ўзлари уларни енга олмасди. Уларга Худонинг ёрдами керак эди.

Келинг, Худо Ёшуага нима ваъда қилганини кўрайлик.

5-оятнинг иккинчи ярмидан 9-оятгacha бўлган қисми шеърга ўхшайди. Эски Аҳд иброний тилида ёзилган. Ибронийча шеърларда кўпинча асосий ғоя унинг ўртасида баён этилади. Агар эътибор берсангиз, биринчи ва охирги сатрда айтилган нарсалар бир хил; ҳамда иккинчи ва охиридан иккинчи сатрда айтилган нарсалар бир хил ва ҳаказо.

- A.** Сени тарк этмайман, ҳеч қачон ташлаб кетмайман
B. Дадил ва ботир бўл ...
B. Дадил ва ботир бўлишинг керак.
G. Борган жойингда ишларинг ўнгидан келиши учун Мен буюрган қонунларнинг ҳаммасини битта қолдирмай бажар.
D. Таврот китобида ёзилганлар тилингдан тушмасин.
D. Кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритгин.
G. Уларни битта қолдирмай бажаргин, шунда ишларинг юришиб, ўнгидан келади.
B. ... дадил ва ботир бўл.
B. Ваҳимага тушма, қўрқма.
A. ... Каерга борсанг ҳам, Мен, Эганг Худо, сен билан бирга бўламан.

Бу шеърда энг муҳим ғоя нима? [4]

Агар Ёшуа буларга амал қилса, натижаси қандай бўлади? (7-оят) [5]

Нима учун у қўрқмаслиги ва руҳан тушмаслиги керак? (9-оят) [6]

Амал қилиш

Ёшуа китоби 21:43–45 ни ўқинг.

Худо Иброҳимга ваъда қилган ернинг қанча қисмини Ёшуа бошчилигида исроилликлар эгаллаб олдилар? (43-оят) [7]

Худо уларга яна нима берди? (44-оят) [8]

Муқаддас битикнинг ушбу қисмига кўра, Худонинг ваъдаларидан қанчаси амалга ошди? (45-оят) [9]

Бу мўъжиза эди! Аммо исроилликлар учун бу осон бўлмаган. Улар ҳар бир шахар учун курашишларига тўғри келди. Лекин охири Худо исроилликларга қувонч ва тинчлик маскани бўлиши керак бўлган юртни берди. Бу уларнинг Худо хузуридаги уйи бўлиши керак эди!

Нега улар бу одамлардан қутулишлари керак эди?

Худонинг халқи дунёning нури бўла олиши учун душманларини ваъда қилинган ердан хайдаб чиқаришлари керак эди.

Ўша душманлар сохта худоларга сажда қилар, ва ўз болаларини қурбон қилиш каби жирканч ишларни амалга оширадилар. Эгамиз Худо уларнинг қилмишларидан нафратланарди ва исроилликлар ҳам уларнинг ёвуз ишларидан ўrnak олишларини хоҳламади.

Нега улар бу одамлардан қутулишлари керак эди? [10]

Янги Аҳд

Исо яшаган даврда юон тили дунёning ўша қисмида яшайдиган барча одамлар гапира оладиган тил эди. Шунга кўра, Янги Аҳд ҳам юон тилида ёзилган.

Янги Аҳд қайси тилда ёзилган? [11]

Эска Аҳд қайси тилда ёзилган? [12]

Иброний тилидаги Ёшua исми юончада «Jesus», арабчада Иса (ўзбекчада эса Исо) деб айтилади.

Исо исмининг маъноси нима? (Матто 1:21) [13]

Ёшua рамзий маънода Исога ўхшатилади. Исо бизни қутқариб, ваъда қилинган абадий маконга, яъни Самовий Ватанга муваффақиятли олиб борадиган содик Йўлбошчимиздир! Бу Эски Аҳдда ваъда қилинган макондан анча яхши бўлади! Бу дунё бизнинг уйимиз эмас. Биз ҳақиқий уйимизга томон йўлдамиш!

Исо гуноҳсиз эди. У Худонинг конунларига тўлиқ итоат этди. У «ўнгга ҳам, чапга ҳам оғмади» (Ёшua 1:7). Иблис Уни сахрова васваса қилганида, У иблисга қарши Худонинг Сўзи билан «курашди» (Матто 4:1–11).

Исо қай жихатдан Ёшуага ўхшайди? [14]

Исо Ёшуадан нимаси билан фарқ қиласди? [15]

Бугун Худо биздан қандай жанг қилишимизни истайди?

Бугунги кунда ваъда қилинган ер йўқ. Худо бизни бирон бир парча ер учун жанг қилишга ва у ердаги худосизларнинг барини ҳайдаб чиқаришга даъват қилмаяпти. Аксинча, бизнинг вазифамиз — муқаддас Худонинг борлигини сўзда ва севгида одамларга намоён қилиш. Худо уларни шунчалик севдикӣ, улар абадий ҳаётга эга бўлишлари учун, гуноҳлари ўтилиши учун Ўз Ўғлини ўлимга юборди. Улар бутун борлиқнинг Эгаси — Худога қарши қилган исёни учун тавба қилишлари керак!

Бугун бизнинг вазифамиз нима? [16]

Биз руҳий жангдамиш. Иблис бизни доимо Худога итоат қилмасликка ундаиди. Абадий Самовий Ватанга етиб боргунимизча кўп жанглардан ўтишимиз керак.

Ёшua китоби 1:16–17 да истроилликлар Ёшуага қандай ваъда беришди? [17]

Исроилликлар ғалаба қозонишлари учун ўзларининг йўлбошчиси бўлмиш Ёшуага ҳамма нарсада қулок солишилари керак эди. Худди шундай, биз ҳам ғалабага эришиш учун Ўзимизнинг Йўлбошчимиз — Исога ҳамма нарсада итоат қилишимиз керак.

Ёшуа Худонинг халқини ваъда қилинган ерга олиб киролиши учун Худо у билан бирга эди. Исо эса инсон қиёфасида келган Худонинг Ўзи эди. Шундай қилиб, Исо — ҳам биз билан бирга бўладиган Худо, ҳамда бизни абадий Самовий Ватанга олиб борадиган Йўлбошчимиздир!

Матто 28:20 да Исо Ўзининг жангчиларига (издошларига) нима ваъда қилган? [18]

Шундай экан, Ёшуа китоби 1:5б–9 ни бизга айтилган Исонинг сўзлари сифатида ўқишимиз мумкин.

Исонинг ҳар доим биз билан эканини, ҳамда У бизни дадил ва ботир қила олишини билиш учун нима қилишимиз керак? [19]

Худонинг Каломини ўқиганимизда, Худо бизга жасорат беради ва биздан қўрқувни олиб ташлайди!

Исроилликлар ҳар бир шаҳар учун жанг қилишлари керак бўлганидек, биз ҳам барча гуноҳкор ҳатти-харакатларимиз ва фикрларимизга қарши курашишимиз керак:

- Ким(лар)ни севолмаяпмиз?
- Ким(лар)ни кечирмаганмиз?
- Қачон ўзимизни эримиздан ёки хотинимиздан кўра кўпроқ севамиз?
- Қачон газабланиб яқинларимизга бақирамиз?
- Телефонда ёмон нарсаларни кўрамизми?

Нуҳ хақидаги дарсни эслайсизми? Ички дунёмизда чириган мевага ўхшасак ҳам, ташқаридан ўзимизни яхши одам қилиб кўрсатишимиз осон. Худодан сизни қандай ўзгартиришни хоҳлаётганини сўраб ибодат қилинг. Шунда кўплаб бошқа одамларга ҳам Исога эргашиб, абадий Самовий Ватанга киришларига ёрдам қила оласиз!

Кундалик вазифа

Иблиснинг ўқларига қарши мустаҳкам турга олишингиз учун, ҳар куни руҳий қурол-аслаҳалар билан қуролланинг (Эфесликларга 6:10–18). Унутманг-ки, Худо биз томонда курашмоқди ва бизни халос қиласди. Бизнинг вазифамиз — таслим бўлмаслик ва орқага чекинмаслик!

Жавоблар

- 1 – Ёшua.
- 2 – Худонинг халқини ваъда қилинган ерга олиб бориш.
- 3 – Худо уларни сут ва асал оқиб ётган (кўплаб чорва моллари бўлган унумдор тупроқли) яхши, кенг юртга олиб боришни ваъда қилди.
- 4 – Таврот китобида ёзилганлар тилингдан тушмасин, уларни битта қолдирмай бажаришинг учун кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритгин.
- 5 – Шунда ишлари юришиб, ўнгидан келади.
- 6 – Чунки қаерга бормасин, Эгаси Худо у билан бирга бўлади.
- 7 – Ҳамма ерни.
- 8 – Худо уларга барча ғанимларидан осойишталик берди.
- 9 – Ҳаммаси амалга ошди.
- 10 – Чунки Худо бу одамларнинг қилмишларидан нафратланарди ва исроилликлар ҳам уларнинг ёвуз ишларидан нусха олишларини хоҳламади.
- 11 – Юон тилида.
- 12 – Қадимги иброний тилида.
- 13 – Худо қутқаради.
- 14 – Иккаласининг ҳам исмлари «Худо қутқаради» деган маънони билдиради. Иккиси ҳам Худонинг халқини қутқариб, ваъда қилинган маконга олиб боради.
- 15 – Ёшua инсон эди ва шунинг учун комил эмасди. Лекин Исо гуноҳсиз эди. У Худонинг қонунига тўлиқ итоат қилди. Ёшua Худонинг халқини олиб кирган жой абадий давом этмайди. Аммо Исо бизни абадий давом этадиган Самовий Маконга олиб боради.
- 16 – Биз одамларга уларни севувчи Муқаддас Худонинг борлигини сўзимиз ва севгимиз билан кўрсатишимиш керак. Улар тавба қилишлари керак!
- 17 – Улар Ёшуага итоат қилишни ваъда беришди.
- 18 – Мен сизлар билан дунёнинг охиригача бирга бўламан.
- 19 – Биз Худонинг Каломини ўқишимиз, мулоҳаза юритишимиз ва итоат қилишимиз керак.

16-дарс: Ҳакамлар



Ҳакамлар китобида кўплаб қўрқинчли воқеалар баён этилган. Булар бизга Қутқарувчига қанчалик мухтоҷ эканимизни кўрсатиб туради. Яъни, бу қоронғу дунёга нур бўладиган Қутқарувчига мухтоҷмиз!

Муқаддас Китобда қўрқинчли воқеаларни ўқиганимизда, булар бизга нимани эслатиб туради? [1]

Дунёнинг нури ким? (Юҳанно 8:12) [2]

Ҳакамлар Худо халқининг йўлбошчилари ва қутқарувчилари бўлганлар. Бу Ёшуа замонидан бошлаб то биринчи шоҳ — Шоулгача бўлган вақтларни ўз ичига олади. Ҳакамлар даври 300 йилдан кўпроқ вақт давом этган. Бу тахминан эрамиздан олдинги 1300–1000 йилларга тўғри келади.

Ҳакамлар кимлар эди? [3]

Чархпалак

Ҳакамлар китоби 2:6–19 ни ўқинг.

Худо Ўз халқига бир юрт ваъда қилган эди, токи улар дунёнинг нури бўлсинлар ва ўзга халқлар уларга қараб, қандай яшашни ва тирик Худога қандай сажда қилиш кераклигини кўрсинар.

Бироқ Ҳакамлар китобида исроилликларнинг Худога қандай итоатсизликлар қилишганини кўрамиз.

Бу худди ўз-ўзини тақрорлаб турувчи беш қисмли айланага ўхшайди:

1. Истроилликлар бегона худоларга сажда қиласылар.
2. Худо уларни душманлари қўлига бериб, жазолайди.
3. Улар Худога илтижо қиласылар.
4. Худо уларни кутқарадиган ҳакам юборади.
5. Ҳакам оламдан ўтади.

Кейин буларнинг бари яна бошдан тақрорланаверади.

Ҳакамлар китобидаги айлана қандай бешта қисмдан иборат? [4]

Ҳакамларнинг тўртта муаммоси

1. Ҳакамлар ибрат олишимиз учун яхши ўrnak бўла олмадилар.

Бу китобдаги ҳакамлар биз учун яхши ўrnak эмаслар.

Масалан:

1. **Гидўн** кўркди (6:27). Биз жун устига шудринг тушиши ёки тушмаслиги билан Худони синамаслигимиз керак (6:36–40).
2. **Йифтоҳ** аҳмоқона қасами туфайли ўз қизини қурбонликка келтирди (11:29–40).
3. Ҳакамлар орасида энг машҳури — **Шимшўн**. У жуда кучли бўлган. Шимшўн бегона худоларга ишонадиган бир Филист қизга уйланган (14:1–2). Шимшўн фоҳиша аёлларнинг ёнига борган. У сочини кесмаслик ҳақидаги қасамини бузиб (16-боб), буюк кучини йўқотган. Шимшўн ҳар доим қасос олиш пайида бўлган.

Демак, улар бизга яхши ўrnak бўла олмайдилар!

Янги Аҳдда

Қутқарувчимиз биз учун яхши намунадир. Биз Унга тақлид қилишимиз мумкин. У қўрқмаган, бегуноҳ одамларни ўлдирмаган, қасос олмаган ва покиза ҳаёт кечирган.

Бу одам ким? 1-Бутрус 2:21–23 га қаранг. [5]

2. Ҳакамлар халқни муаммолардан вақтинча қутқара олишган холос.

Ҳакам вафот этгач, халқнинг аҳволи қандай бўлар эди? (2:19) [6]

Янги Аҳдда

Бизни абадий қутқара оладиган Кутқарувчимиз бор!

Ибронийларга 7:25: Шунинг учун У Ўзи орқали Худога яқинлашувларга абадий нажот беради. Ахир, Исо барҳаёт бўлиб, улар учун Худога илтижо қиласади.

Нега Исо бизни абадий кутқаришга қодир? [7]

3. Ҳакамлар гуноҳ муаммосини ҳал қила олмаганлар.

Ҳакамлар китоби давомида биз истроилликларнинг тобора бузилиб борганини кўрамиз.

Худонинг эса Ўз халқига бўлган севгисини доимо намоён қилиши жудаям ҳайратланарли!

Улар Худога илтижо қилганларида, У нима қилди? (масалан: 3:9-оятда) [8]

Ҳакам оламдан ўтгач, нима бўлди? (2:19) [9]

Янги Аҳдда

Бизнинг гуноҳ муаммолизни ҳал қилган Қутқарувчимиз бор!

Худо нима қилди? (1-Юҳанно 4:9–10) [10]

Худо бизга нима берди? (Ҳаворийлар 2:38) [11]

Муқаддас Рух бизни тобора кўпроқ Исога ўхшаш қилиб боради. У ҳаётларимизда ишлагани сари, камроқ гуноҳ қиласидан бўлиб борамиз. Ва бир кун келиб, бизлар Самовий Ватанда Исо билан бирга гуноҳсиз яшаймиз!

4. Ҳакамлар халқни ўз Шоҳи — Худога бўйсунишга ундаи олмаганлар.

Забур 43:5 Худони қандай таърифлайди? [12]

Қонунлар китоби 33:5 да Мусо халқни дуо қилаётib, «Эгамиз азиз Истроилга (бошқа номи Ёшурун) шоҳ бўлди» деб айтган.

Бироқ, **Ҳакамлар китоби 21:25** да нима дейилган? [13]

Истроилликлар гўё подшоҳи йўқ халқдай яшардилар. Гўёки уларни ҳеч ким бошқармасди. Улар Эгамиз Яхвенинг хукми остида яшашдан воз кечишган эди. Қандай хоҳласалар, шундай яшардилар ва оқибатда борган сари бузилиб боравердилар. Бу жудаям даҳшатли эди!

Тўғри йўлга қайтиш учун истроилликлар нима қилишлари керак эди? [14]

Истроилликлар ҳам бошқа халқларда бўлгани каби ўзларига бир шоҳ хоҳлашини Худо биларди. Худо уларга шоҳ хусусида нима деди? Шоҳ қандай бўлиши ёки бўлмаслиги керак эди? (Қонунлар китоби 17:14–20 га қаранг) [15]

Яхши подшоҳ қўли остидаги бутун халқни Худонинг қонунларига итоаткор равишда бошқариши керак.

Эски Аҳдни ўқиганимизда, Исроил шоҳларидан ҳеч бири ҳамма нарсани тўғри қилганини кўрмаймиз. Бироқ Худованд Ўз халқига ваъда бериб, бир кун келиб, Унинг амларига итоат қилган ҳолда халқини бошқарадиган бенуқсон Шоҳни юборишини айтган.

Янги Аҳдда

Қуийидаги оятларда Исога қандай ном берилган?

Матто 2:2 [16]

Матто 27:37 [17]

Ваҳий 19:16 [18]

Бизга керак бўлган Шоҳ Исодир! У комил хаёт кечирди ва Илохий Қонунни тўлиқ амалга оширди. (Матто 5:17)

Ҳакамларнинг қандай тўртта муаммоси бор эди? [19]

Ким биз учун яхши ўрнак бўла олади? [20]

Ким бизни абадий қутқара олади? [21]

Ким бизнинг гуноҳ муаммолизни ҳал қила олади? [22]

Баркамол Шоҳ ким? [23]

Сиз бу Шоҳга қандай сажда қиласиз?

Ҳакамлар китобидан қандай хулоса чиқарамиз?

1. Имонсизларнинг қилганини қилиб, уларга эргашиб кетиш жуда осон.

Улар нималарга сажда қилишади? [24]

Қонунлар китоби 6:5: Эгангиз Худони бутун қалбинги билан, жону дилинги билан, бутун вужудингиз билан севинглар.

Худо биздан нима кутади? [25]

2. Гунох жудаям қучли бўлгани учун уни ўз кучимиз билан инкор қилолмаймиз. Биз ёрдамга муҳтоҗмиз.

Юҳанно 8:36: Шундай экан, агар Ўгил сизларни озод қилса, ҳақиқатан озод бўласизлар.

Қандай қилиб гунох қилишдан озод бўла оламиз? [26]

Фақат Исо бизни гуноҳларимиздан қутқара олади ва факат Исо юракларимизни ўзгартира олади!

3. Худо севгани учун бизни тарбиялайди.

Ибронийларга 12:5–6: Худонинг сизларга Ўз фарзандлари сифатида айтган мана бу далда сўзларини унумтисизлар:

«Ўглим, Эгамизнинг тарбиясига эътиборсиз бўлмагин,
Ундан танбеҳ олганингда кўнглинг чўкмасин.
Зеро, Эгамиз яхши кўрган бандасини тарбиялайди,
Фарзанд қилиб олган ҳар бир одамни жазолайди.»

Худо кимни тарбиялайди? [27]

Агар ҳаётингизда бирон ёмон нарса юз берса, бу орқали Худо сизга нимани ўргатмоқчи эканлигини Ундан сўранг.

Бу — ҳамма ёмон нарсалар Худодан келган жазо, дегани эмас. Кимнингдир ҳаётида бирон ёмон нарса юз берса, бу унга Худодан келган жазо, деб айтиш яхши эмас. Бошқалар бу инсонга ҳамдардлик билан муносабатда бўлиши лозим!

Римликларга 8:28–29: Биз биламизки, Худони яхши кўрганларга ҳамма нарса яхшиликка хизмат қиласди, чунки Худо уларни Ўзининг мақсадига кўра, даъват этган. Худо уларни азалдан танлаб олган эди ва «**Менинг Ўглимга ўхшаган бўлсинлар**», деб олдиндан белгилаб қўйған эди, токи Ўгил кўп биродарлар орасида тўнгич бўлсин.

Худо ҳаётимиздаги қийинчиликларни қандай ишлатади? [28]

4. Худо содиқ, меҳрибон ва раҳмдилдир.

Биз Худодан қанчалик юз ўғирмайлик, Уни чақирганимизда, У ҳар доим бизни эшигади ва қутқаради. Баъзи одамлар кўп нотўғри иш қилганликларини ҳис қилиб, Худодан узоқлашадилар ёки Исола ишонишдан ва имонлилар йигинларига боришдан воз кечадилар. Лекин Худо ҳар доим кечиради, ҳар доим қайта тиклайди ва ҳар доим севади!

Забур 144:8: Эгамиз иноятели, раҳмдилдир,
Жаҳли тез чиқмайди, содиқ севгиси мўлдир.

Яна гунох қилиб қўйганимизда, нимани эсда тутишимиз керак? [29]

Ҳакамлар китобидан қандай хулоса чиқарамиз? [30]

Барча ёмон нарсалар Худодан келган жазоми? [31]

Биз бошқаларга қандай муносабатда бўлишимиз лозим? [32]

Қийинчиликлар ҳақида нимани ўргандик? [33]

Ҳакамлар китоби орқали бугун Ҳудо сизга нимани ўргатди?

Жавоблар

- 1 – Бизга Қутқарувчи керак.
- 2 – Исо!
- 3 – Ҳакамлар Худо халқининг йўлбошчилари ва қутқарувчилари бўлганлар. Ҳакамлар даври Ёшуа замонидан то биринчи шоҳ Шоул давригача давом этган.
- 4 – 1. Истроилликлар бошқа худоларга сажда қилишади.
2. Худо уларни жазолаб, душманларининг қўлига беради.
3. Улар Худога илтижо қиласидилар.
4. Худо уларни кутқарадиган ҳакам беради.
5. Ҳакам оламдан ўтади.
- 5 – Исо!
- 6 – Истроилликлар яна бегона худоларга сажда қилиб, тобора ёмонлашиб кетганлар.
- 7 – Чунки У абадий яшайди!
- 8 – У уларга кутқарувчи юборган.
- 9 – Истроилликлар яна бегона худоларга сажда қилганлар ва аҳвол янада ёмонлашиб борган.
- 10 – Худо бизни гуноҳларимиздан поклаш учун Ўз Ўғлини қурбон қилди.
- 11 – У бизга Муқаддас Рухини берди.
- 12 – Сен Шоҳимсан!
- 13 – Ўша даврларда Истроилда шоҳ йўқ эди. Ҳар бир одам билганини қиласи ҳам бўлганларни қилишади.
- 14 – Улар ўзларини қулликдан халос қилган Шоҳ — Яхвега итоат қилишлари керак эди.
- 15 – Танланган шоҳ истроиллик бўлиши керак. У кўп хотинли бўлмаслиги керак; кўп отлар, олтин ва кумуш ҳам йиғмасин. У Худонинг қонунини яхши билиши ва амал қилиши керак.
- 16 – Яхудийларнинг шоҳи.
- 17 – Яхудийларнинг шоҳи.
- 18 – Исо — шоҳларнинг Шоҳи, ҳукмдорларнинг Ҳукмдоридир!
- 19 – Ҳакамлар ибрат олишимиз учун яхши ўрнак бўла олмаганлар.
Ҳакамлар халқни муаммолардан вактинча қутқара олишган холос.
Ҳакамлар гуноҳ муаммосини ҳал қила олмаганлар.
Ҳакамлар халқни ўз Шоҳи — Худога бўйсунишга ундаи олмаганлар.
- 20 – Исо!
- 21 – Исо!
- 22 – Исо!
- 23 – Исо!
- 24 – Улар диний урф-одатларига, пир ва авлиёларга, телефонларга, машина ва данғиллама уйларга сажда қилишади.
- 25 – Худо биздан Эгамиз Худони бутун қалбимиз билан, жону дилимиз билан, бутун вужудимиз билан севишинизни кутади.
- 26 – Исо бизни озод қилганида.
- 27 – Яхши кўрган бандаларини.
- 28 – Тобора Исога ўхшаб боришимиз учун ишлатади.
- 29 – Худога илтижо қилганимизда, У бизни ҳар доим эшитишини ва бизга нажот беришини эсда тутишимиз керак.
- 30 – Имонсизларнинг қилганини қилиб, уларга эргашиб кетиш жуда осон.
Гуноҳ жуда кучли бўлгани учун уни ўз кучимиз билан инкор этишимиз қийин.
Худо бизни севгани учун тарбиялайди.
Худо — содик, меҳрибон ва раҳмдил.
- 31 – Йўқ.
- 32 – Ҳамдард бўлишимиз керак!
- 33 – Худо барча қийинчиликларни биз Исога ўхшаш бўлишимиз учун ишлатади.

17-дарс:

Шоҳлар



1- ва 2-Шоҳлар китоблари

Биринчи Шоҳлар китобида биз Шомуил, Шоул ва Довуд ҳақида ўрганамиз.

Шомуил пайғамбар эди. У, шунингдек, Исройил халқининг сўнгги ҳаками бўлган. Шомуил исройилликларга Худо ҳақида таълим берарди ва уларга қилган гуноҳларини қўрсатарди.

Исройилликлар бошқа халқларга ўхшашни хоҳладилар: улар энди Худо уларнинг Шоҳи бўлишини эмас, балки жисмоний шоҳлари бўлишини хоҳладилар. Шундай қилиб, Худо уларга Шоулни шоҳ қилиб берди.

Шоул: Шоул (исройилликлар тарихида) биринчи шоҳ бўлди. Бироқ Худога итоат қилишдан бош тортди ва Худо унга энди шоҳ бўлолмаслигини айтди.

Шундан кейин Худо Ўз халқига бошқа шоҳ тайинлади. У ким эди? [1]

У қандай одам бўлган? (**Ҳаворийлар 13:22**) [2]

Довуд Исройлнинг энг буюк шоҳи бўлган. Унинг хукмронлиги ҳақида **2-Шоҳлар** китобида ўқиймиз. Кейинги дарсимиизда Довуд ҳақида яна кўпроқ ўрганамиз.

Шомуил ким эди? [3]

Шоул ким эди? [4]

Довуд ким эди? [5]

3- ва 4-Шоҳлар китоблари

Довуддан кейин ким шоҳ бўлди? [6]

У нима қурди? (**3-Шоҳлар 6:1–2**) [7]

У қандай одам эди? (**3-Шоҳлар 10:23**) [8]

Шоҳ Сулаймон ҳукмронлиги даврида исроилликларнинг ҳаёти қандай бўлган? (**3-Шоҳлар 4:25**) [9]

Бу гўё Самовий Ватаннинг тасвири бўлган!


Аммо кейин Сулаймон гуноҳ қилди. Булар қанақа гуноҳлар эди? (**3-Шоҳлар 11:1–13**) [10]

Шундай қилиб, шоҳ Сулаймон салтанатини қандай вайрон қилганини кўрамиз.

Худо ундан ғазабланди. Сўнgra, ўғлининг ҳукмронлиги даврида, Худо шоҳликни икки қисмга бўлди:

Шимолий шоҳлик — **Исройл шоҳлиги** деб аталиб, 10 та қабиладан иборат бўлган.

Жанубий шоҳлик — **Яхудо шоҳлиги** деб аталиб, 2 та қабиладан, яъни Бенямин ва Яхудо қабилаларидан иборат бўлган.



Шимолий қисм қандай аталган? [11]


Жанубий қисм қандай аталган? [12]

Исроил

200 йил давомида, Исроилда 20 та ёмон подшоҳ ҳукмронлик қилган. Улар халқни бошқа худоларга сажда қилишга рағбатлантиришган. Исроил шоҳлари тобора ёмонлашиб борган. Бу сабабли Худонинг халқи Худодан борган сари кўпроқ узоклашиб кетган.

Охир-оқибатда, Худо Оссурия империясини Исроилни забт этиш учун юборди. Улар кўпларни ўлдириб, яна кўпларни Оссурияга олиб кетишиди. Бу воқеа Исо Масихнинг туғилишидан олдинги (эрамиздан олдин) 722 йилда содир бўлди (4-Шоҳлар 17:5–23).

Харитага қаранг. Кесилган чизиклар исроилликларнинг қаерга олиб кетилганини кўрсатади.



Исроил шоҳларидан нечтаси яхши шоҳ бўлган? [13]

Эрамиздан аввалги 722 йилда Исроилни ким босиб олди? [14]

Яҳудо

Яҳудо юртида 350 йил давомида 20 та шоҳ ҳукмронлик қилган. Баъзи шоҳлар яхши, баъзилари эса ёмон бўлган. Бу давр мобайнинда Яҳудо халқи ҳам Исроил халқи сингари Худодан тобора узоклашиб кетган.

Охир-оқибатда, Худо Яхудо халқини забт этиш учун Бобил империясини юборган. Улар кўп одамларни ўлдириб, кўпларни Бобилга олиб кетишган. Бу Исо Масихнинг туғилишидан олдинги (эрамиздан аввалги) 586 йилда содир бўлган (4-Шоҳлар 25-боб). Улар қаерга олиб кетилганини кўриш учун харитага қаранг.



Яхудо шоҳларидан қанчаси яхши шоҳ бўлган? [15]

Эрамиздан аввалги 586 йилда Яхудо шоҳлигини ким босиб олди? [16]

Худонинг ҳукмидан қочиб бўлмайди:

Мусо даврида халқ қулликдан халос бўлганди, энди эса улар яна қул бўлдилар.

Ёшуа даврида халққа бир юрт берилганди, энди эса улар ўша юртни бой бердилар.

Шомуил даврида халққа шоҳ берилганди, энди эса тахтдан ағдарилди.

Довуд даврида халқ ғанимларидан қутулиб, халоват топганди, энди эса мағлуб бўлдилар.

Суляймон даврида Худонинг ҳузури рамзи сифатида маъбад қурилганди. Энди эса бу маъбад вайрон қилинди.

Худо Ўзига итоат қилувчиларни марҳаматлаши, доимий равишда Унга итоатсизлик қилувчиларни эса жазолаши хақида берган ваъдасини ҳеч қачон бузмайди. (Конунлар 28:1–2 ва 15)

Эски Аҳдда Худо Ўз ваъдасида турганини қандай кўрамиз? [17]

Худо гуноҳни жазолаши керак, аммо ҳайратланарлиси шундаки, Худо нафақат адолатли, балки шафқатли ҳамdir.

Яхудо халқи сургун қилинганидан етмиш йил ўтгач, нима юз берди? (2-Солномалар 36:20–23) [18]

Худо, шунингдек, Довуднинг наслларини ҳимоя қилди. Худо Довудга ваъда қилиб, унинг наслидан Масих келиб чиқишини ва Уабадий хукмронлик қиладиган комил Шоҳ бўлишини айтганди. Халқ асирикдан Яхудо юртига қайтиб келганида Довуд авлодидан Зарубабел ҳам улар билан бирга эди.

Аммо ундан кейин ҳам Худонинг халқи ҳеч қачон бегона халқларнинг назоратидан озод бўла олмаган (Исо Масих дунёга келишидан тахминан юз йил олдинги қисқа бир даврдан ташқари). Улар озодликни, ўз юртига ва яхши подшоҳга эга бўладиган, душманларидан кутулиб осойишта ҳаёт кечирадиган кунлар келишини ва чинакамига Худога сажда қиладиган маъбадлари бўлишини орзу қилиб яшаганлар.

Янги Аҳд

Исо нимани ўрнатиш учун келди? (**Марк 1:14–15**) [19]

Бу шоҳликнинг Шоҳи ким? (**Матто 2:2**) [20]

Матто 12:42-оятда Исо қандай тасвирланган? [21]

Исо даврида яшаган яхудийлар Масихни, яъни Худо юборишни ваъда қилган Шоҳни ва Унинг шоҳлиги Сулаймон шоҳлигидек улуғвор бўлишини кутардилар. Бироқ Исонинг шоҳлиги Сулаймон шоҳлигидан ҳам аълороқдир. Исонинг Шоҳлигига чексиз тинчлик, туганмас бойлик ва қувонч бўлади!

Исонинг ажойиб шоҳлигига қандай кира оламиз? [22]


Ҳаётингизнинг қайси соҳаларида Шоҳ Исога бўйсунмаяпсиз?

Жавоблар

- 1 – Довуд.
- 2 – У Худони севарди.
- 3 – Пайғамбар ва ҳакам.
- 4 – Биринчи шоҳ.
- 5 – Истроилнинг иккинчи шоҳи ва энг буюк шоҳи.
- 6 – Унинг Ўғли Сулаймон.
- 7 – Маъбад қурди.
- 8 – Худо уни дунёдаги энг доно ва энг бадавлат одам қилди.
- 9 – Худо унинг шоҳлигини жуда бадавлат ва осойишта қилди.
- 10 – У бегона халқлардан кўпгина аёлларга уйланган ва кейин уларнинг худоларига сажда қилган.
- 11 – Истроил.
- 12 – Яхудо.
- 13 – 20 та шоҳнинг бари ёмон эди.
- 14 – Оссурияликлар.
- 15 – Баъзилари яхши, баъзилари эса ёмон шоҳ бўлишган.
- 16 – Бобилликлар.
- 17 – Худо Ўзига итоат қилувчиларни марҳаматлайди. У истроилликларга озодлик, юрт, шоҳ, душманлардан холи осойишта ҳаёт ва Худога сажда қила олишлари учун маъбад берди. Ўзига доимий равища итоатсизлик қиласиганларни эса Худо бу неъматлардан маҳрум қилиб жазолайди.
- 18 – Янги шоҳ — Форс шоҳи Куруш истроилликларга ватанига қайтиб бориб, Маъбадни қайта қуришлари мумкинлигини айтди.
- 19 – Худонинг Шоҳлигини.
- 20 – Исо.
- 21 – Сулаймондан ҳам буюкроқ бир Зот.
- 22 – Шоҳ Исога итоат қилиш орқали.

18-дарс:

Довуд — энг буюк шоҳ



Довуд қачон туғилган? [1]

Шоҳ Довуд хукмронлигидан кейин Худо Ўз халқига гапириш учун қўплаб пайғамбарларни юборди.

Муқаддас Калом таркибидаги китобларни ёзган пайғамбарлар Исодан олдинги 800–400 йиллар орасида яшаганлар. Милоддан олдинги 400 йилдан кейин Худо бошқа пайғамбар юбормай қўйган.

Муқаддас Китобимиздаги битикларни ёзган пайғамбарларни Худо қайси йилларда юборган эди? [2]

Худо Ўз халқини Масихга, яъни вақти келганда Ўзи юборадиган Шоҳга тайёрлаш учун Довудни ишлатган. Довуднинг хаёти Масихнинг тасвири бўлган ва Худо унга Масихга ишора қилувчи гайриоддий ваъдалар берган.

Довуд Масихнинг тасвири эди

1. У Байтлаҳмда туғилди.

Довуд қаерда туғилган? (1-Шоҳлар 17:12) [3]

Исонинг туғилишидан 700 йил олдин яшаган Михо пайгамбарнинг сўзига қўра, бир кун Худонинг Масиҳи қаердан келиши керак эди? (**Михо 5:2**) [4]

Янги Аҳдда, Исо қаерда туғилган? (**Луқо 2:4–7**) [5]

2. У Худонинг халқини қутқарди

1-Шоҳлар китоби 17:48–53-оятларда, Довуд баҳайбат Филист жангчиси Гўлиётни ўлдириши орқали Исройл халқи учун нима қилди? [6]

Янги Аҳдда, Исо хочдаги ўлими орқали Ўзига имон келтирадиганлар учун нима қилди? (**Юханно 3:16–17; Колосаликларга 1:22; Ибронийларга 2:14**) [7]

Демак, Довуд, Ибтидо 3:15 да Худо ваъда қилган — шайтоннинг бошини эзадиган Масиҳнинг тасвири эди.

3. У кўп азоб-уқубат чеккан Худонинг мой суртиб танлаганидир

Эски Аҳдда кимларнинг бошига мой суртилган? (**Левилар 21:10; 1-Шоҳлар 10:1**) [8]

Шоҳ Шоул кўп йиллар давомида Довудни қувғин қилган (бу ҳақда 1-Шоҳлар 18–31-бобларда ўқишингиз мумкин). Ўша давр мобайнида Довуд жуда кўп Забур саноларини ёзган ва бу санолар Масиҳ ҳақидаги башоратларга айланган.

Масиҳ сўзи «мойланган» деган маънени англатади. Янги Аҳдда Исо Масиҳ Худо ваъда қилган Шоҳ ёки мойланган Зотдир. У хочда бизнинг ўрнимизга азоб чекиб, ўлим кўрган Масиҳдир.

Довуд қандай азоб чеккан? [9]

Азоб-уқубатлар ичida Довуд нима ёзган? [10]

Исо қандай азоб чеккан? [11]

4. У буюк шоҳ бўлди

Охир-оқибат Довуд Исройлнинг энг буюк шоҳи бўлди. Ҳукмронлигининг сўнгги йилларига келиб, Исройл ерлари шарқда Фурот дарёсидан ғарбда Мисргача чўзилиб борди.

Янги Аҳдда, Исо — бутун дунёга ҳукмронлик қиласиган шоҳларнинг Шоҳи! (**Филиппиликларга 2:9–11**)

Довуд ва Исо қандай шоҳ эдилар? [12]

Довуд қайси тўрт жихатдан Масихнинг тасвири эди? [13]

1.

2.

3.

4.

Масиҳга ишора қилувчи ваъдалар

2-Шоҳлар 7:1–16 ни ўқинг.

Шу пайтгача ҳеч қандай маъбад йўқ эди ва исроилликлар Худога Муқаддас чодирда сажда килишарди.

Лекин бу бўлимда Довуд нима қилмоқчи? [14]

Нима учун? [15]

Эгамиз Довуддан мамнун бўлса-да, Унинг режаси бошқача эди. Худо бу маъбадни Довуднинг ўғли — Сулаймон қуришини хоҳлади.

Бироқ, Худо Довудга учта ажойиб ваъда берган:

10-оятда Худо нимани ваъда қилди? [16]

Худо уларга абадий ҳузур-ҳаловатда яшайдиган ва бу ҳаловатни ҳеч ким бузолмайдиган бир макон беришни хоҳларди. Аммо биламизки, Исроил ҳалқи Худога қарши исён қилишда давом этаверди.

Ахир Худованд қандай қилиб бу ҳалқа абадий ҳузур-ҳаловат ерини берсин? Ахир улар Худони ўзларининг Эгаси сифатида хоҳламайдилар-ку!

Ўшанда пайғамбарлар шуни англаб ета бошладиларки, абадий ҳузур-ҳаловат макони ҳақидаги ваъдалар ажойиб келажакка — Масиҳ келадиган кунларга ишора қилаётган эди (Масалан: Ишаё 60:11).

15-оятда Худо нимани ваъда қилди? [17]

Довуднинг ўғли Худога маъбад қуради. Маъбад — Худо Ўз ҳалқи билан бирга яшайдиган жой.

Бироқ Худо Үнга қарши ҳар доим исён кўтарадиган одамлар билан қандай яшай олсин?! Ўшанда пайғамбарлар яна шуни англай бошладиларки, бу ваъдалар ҳам Масихнинг ҳузури тоабад одамлар орасида бўладиган кунларга ишора қилмоқда эди (Масалан: Ҳиззиёл 48:35).

Худо 12, 13 ва 16-оятларда нимани ваъда қилди? [18]

Юртни бошқараётган шоҳлар тобора ёмонлашиб бораётган бир пайтда, бу ваъдалар қандай амалга ошиши мумкин?

Ўшанда пайғамбарлар шуни англаб ета бошладиларки, бу ваъдалар Довуд наслидан келиб чиқадиган бенуқсон Шоҳ — Масихнинг Шоҳлигига ишора қилмоқда эди. (Масалан: Ишаё 9:6–7)

Худо Довудга қандай учта нарсани ваъда қилди? [19]

1.

2.

3.

Исо Довуднинг наслидан келиб чиқди. У Худо ваъда қилган абадий Шоҳдир! У бизни Ўзининг ҳузур-ҳаловатли маконига олиб боради ва у ерда биз Исо билан абадий яшаймиз!

Юханно 14:1–3: Исо шогирдларига деди:

— Юрагингиз сиқилмасин. Худога ишонинг, Менга ҳам ишонинг! Отам Худонинг уйида маскан кўп. Шундай бўлмаганданда эди, сизларга буларни айтиб ўтиргаган бўлардим. Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман. Мен бориб сизларга жой тайёрлайман-у, сизларни Ўзим билан олиб кетгани келаман. Токи Мен бўлган жойда сизлар ҳам бўлинглар. Мен борадиган жойга олиб борадиган йўлни сизлар биласизлар.

Исо бу оятларда нима ваъда қилади? [20]

Шунингдай, Вахий китобида ҳам ўша макон ҳақида ўқиймиз:

Вахий 21:3–4: «Худонинг маскани инсонлар орасидадир!

У энди одамлар орасида яшайди,
Улар Худонинг халқи бўладилар.
Худонинг Ўзи улар билан бирга бўлади.»

Абадий ҳузур-ҳаловат масканида ким биз билан бирга яшайди? [21]

Шундай экан, Худога қарши исён қилган Истроил халқи каби бўлмайлик! Худо уларни ана шу сабабдан жазолашга мажбур бўлди.

Қўлимиздан келганича Худони мамнун қилишга ҳаракат қилайлик. Ҳамда Исо Масихнинг қайта келишига тайёр турайлик. Шунда У бизни абадий ҳузур-ҳаловат масканига олиб боради!

Қанақа йўллар билан Худога қарши исён қиляпсиз? Қайсиdir ўй-ҳаёлларингиз ёки айтган сўзларингиз ва ҳатти-ҳаракатларингиз билан Худони ранжитяпсизми?

Ундан бўлса нима қилишимиз керак? Тавба қилишимиз керак!

Қўшимча маълумот: Маъбад худди Адан боғига ўхшарди

Муқаддас чодир, кейинроқ эса Маъбад, Худонинг халқига Адан боғини эслатарди.

- Адан боғи **чиroyли дараҳтлар ва гулларга** тўла бўлган. Маъбад ҳам ўша бокқа ўхшатиб безатилган. Маъбад ичидагуллар ва анор тасвирлари чизилган ва нақш қилиб ўйиб чиқилган (З-Шоҳлар 7:16–20).
- Адан боғида **олтин ва қимматбаҳо тошлар** бўлганидай, Маъбад ҳам олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган (З-Шоҳлар 7:48–50; 2-Солнномалар 3:6).
- **Худо** Адан боғида **маскан қилганидай**, Муқаддас чодир/Маъбад халқнинг орасида бўлганида, Худо ҳам Ўз халқи орасида «маскан қилган» (Левилар 26:11–12).
- **Чиқиш Адан боғининг шарқий томонида** бўлганидай, Маъбаддан чиқиш ҳам шарқ томонда бўлган (Хизқиёл 47:1).
- Худди **карублар Адан боғининг киришини қўриқлагандай** (Ибитдо 3:24), Маъбад пардалари устига ҳам карублар сурати солинган (2-Солнномалар 3:14). Бу карублар одамлар Энг Муқаддас Xонага кирмасликлари учун, Худо у ерни ҳимоя қилишининг рамзи бўлган. Аҳд Сандиги устида ҳам иккита олтин карублар қўйилган эди. Бу ҳам бўлса Худо одамлар яқинлаша олмайдиган даражада жуда муқаддас эканининг рамзи бўлган.
- Адан боғидан бир **дарё** оқиб ўтган. Бу дарё бутун дунёга ҳаёт баҳш этувчи тўртта ирмоқка бўлинган. Хизқиёл китобининг 47-бобида, Эгамиз Худо келажак ҳақида вахий юбориб, янги Маъбаддан оқиб ўтадиган дарё барчага ҳаёт багиашланни айтган.

Маъбад қайси жиҳатлари билан Худонинг халқига Адан боғини эслатган? [22]

1.

2.

3.

4.

5.

6.

Жавоблар

- 1 – Милоддан (Исонинг тугилишидан) тахминан 1000 йил олдин.
- 2 – Эрамиздан 800–400 йил олдин.
- 3 – Байтлаҳм деган шаҳарчада.
- 4 – Байтлаҳмдан.
- 5 – Байтлаҳмда.
- 6 – Уларни филистликлардан қутқарди.
- 7 – Исо уларни ўлимдан, гуноҳдан ва шайтондан халос қилди!
- 8 – Шоҳлар ва олий руҳонийларнинг.
- 9 – Шоҳ Шоул уни йиллар давомида таъқиб қилган.
- 10 – Довуд жуда кўп Забур саноларини ёзган. Бу саноларда Масих ҳақида башорат қилинган.
- 11 – У бизнинг ўрнимизга хочда ўлим кўрди.
- 12 – Довуд Исроилнинг энг буюк шоҳи эди. Исо эса шоҳларнинг Шоҳидир! У вақт-соати келиб, бутун дунё устидан ҳукмронлик қилади!
- 13 – 1) Довуд Байтлаҳмда тугилди;
2) Худонинг халқини қутқарди;
3) мойланган шоҳ бўлишига қарамай, кўп азоб чекди;
4) Исроилнинг энг буюк шоҳи бўлди;
- 14 – Худо учун улкан ва чиройли маъбад қуришни истар эди.
- 15 – Буни қилиш орқали Худони улуғламоқчи эди.
- 16 – Абадий ҳузур-ҳаловат маскани ваъда қилди.
- 17 – Худо ҳеч қачон уларни севишдан тўхтамайди; Худо улар билан абадий бирга бўлади.
- 18 – Довуднинг наслидан келиб чиқадиган ва Исроилнинг абадий шоҳи бўладиган бир Шоҳ ваъда қилди.
- 19 – 1) Абадий ҳузур-ҳаловат маскани;
2) улар билан абадий бирга бўлишини;
3) Довуднинг наслидан келиб чиқадиган ва
4) Исроилнинг абадий шоҳи бўладиган Шоҳ ваъда қилди.
- 20 – Исо келиб, бизни Отасининг уйига (абадий ҳузур-ҳаловат масканимизга) олиб боради.
- 21 – Худонинг Ўзи!
- 22 – 1) У ерда чиройли дарахтлару гуллар,
2) олтин ва қимматбаҳо тошлар бўлган;
3) у ер Худонинг маскани бўлган;
4) чиқиш шарқий томонда бўлган;
5) Карублар Адан боғининг киришини қўриқлаганлар;
6) дарё (келажак ҳақидаги ваҳийда) дунёга ҳаёт баҳш этади.

19-дарс:

Ҳикмат китоблари: Аюб



Муқаддас Китобда 5 та ҳикмат китоби мавжуд бўлиб, улар: *Аюб, Забур, Сулаймоннинг ҳикматлари, Воиз, ва Қўшиқ.*

Бу бешта китоб Худони мамнун қилишимиз ва бошқаларга барака бўлишимиз учун донолик билан яшашимизга ёрдам беради.

Бу китобларда кўплаб шеър ва қўшиқлар ўрин олган. Қўшиқ ва шеърлар қалбимизга чукур таъсир қиласди. Одатда улар энг самимий хис-туйғуларимизни ифода қилишга ёрдам беради. Худо юрагимизга хис-туйғулар берган, лекин кўпинча улар яширин қолиб кетади. Забур санолари бизга юрагимиз тубидаги хис-туйғуларни кўришга ва уларни тилга келтириб, Худога тўкишга ёрдам беради. Бундай қилсак, Худо бизга тасалли ва шифо беришга ҳамда қайта тиклашга кодир бўлади.

Ушбу бешта ҳикмат китобида азоб-уқубат, севги ва доноликка қандай эга бўлиш каби одамлар бошдан ўтказадиган кўплаб нарсалар ҳақида ёзилган. Бу китоблар бизни ҳамиша Худога ва Унинг содик севгисига йўналтиради.

Худо бу китоблар орқали биз билан гаплашишни яхши кўради!

Бешта ҳикмат китоби қайсилар? [1]

Аюб

Аюб китоби азоб-уқубат чеккан Аюб ҳақидадир. Бу китобни тушуниш учун уни тўлиқ ўқиб чиқиш керак.

1-ва 2-бобларни ўқинг.

Аюбнинг кўп нарсасини йўқотгани айтилади. У нималарни йўқотган? [2]

Биз учун ўрнак

1. **1:21** да у нима дейди? [3]

Буни ўз сўзларингиз билан айтиб беринг.

Шубҳасиз, у бизлар учун ажойиб ўрнак бўла олади, яъни ҳар қандай вазиятда — ҳатто ҳар турли қийинчиликларни бошдан ўтказаётганимизда ҳам — Худони улуғлашни ўрганишимиз лозим.

2. 2-боб, 10-оятда у нима дейди? [4]

Буни ўз сўзларингиз билан айтиб бера оласизми?

Худо бизга берган ҳамма нарсани — хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин — камтарлик билан қабул қилишимиз керак.

3. Лекин Аюб мукаммал инсон бўлмаган. У Худодан газабланган.

Аюб Худодан нима сўрайди? (3:11) [5]

Бу ҳам биз учун яхши ўрнак, яъни ўз ҳис-туйғуларимиз ҳақида Худога очиқ айтишимиз керак. Худо бизни тушунади ва биздан юрагимизда борини очиқчасига Унга айтишимизни истайди. Азоб тортаётганимиз боис, Худодан юз ўгиришимизни У хоҳламайди. Аюб дард ва изтиробларида Худога ишонишни ўрганган.

Қайси уч ҳолатда Аюб биз учун ўрнак бўлади? [6]

1.

2.

3.

Худога саволлар

Аюб нима сабабдан азоб чекаётганини билишни хоҳлайди. Худо унинг саволларига жавоб бермайди. Бироқ кейинрок, 38–41-бобларда, Худо Аюбга қуюн орасидан зоҳир бўлиб гапиради ва бу Аюб учун етарли эди.

Худо гапирганида, бизнинг саволларимизга жавоб бериши шарт эмаслигини англаимиз. Ҳамма нарса Худонинг назорати остида. Худо ҳамманинг устидан хукмронлик қилади. Шундай экан, ҳамма нарсани тушуниб етишимиз шарт эмас, бироқ, ҳамма нарсада Худога ишонишумиз шарт. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам Унга ишонсак, Худо биздан мамнун бўлади.

Биз Худодан нима кутишимиз керак? [7]

Худо биздан нима кутади? [8]

Бахтли якун

Аюб 42:7–17-оятларни ўқинг.

Эски Аҳд китобларида бу дунёдан ўтгандан кейин нималар бўлиши хақида унчалик аниқ ёритилмаган. Бу ояллар Аюбнинг чеккан азоб-уқубатларидан кейин Худо уни қандай баракатлаганини кўрсатади. Янги Аҳдда, Худо ердаги ҳаётимиизда бу каби бахтли якунларни ваъда қилмаганини кўрамиз. Биз учун бу бобда айтилган нарсалар тасаввур қила олишимиздан ҳам кўркамроқ бўлган Самовий Ватаннинг тасвиридир! (Ваҳий 21:1–4 ва 22:1–5)

Аюбнинг сўнгги кунлари ниманинг тасвири? [9]

Қўшимча

Фақат бир жойда Аюб вақти келиб, эҳтимол қайта тирилганидан кейин, Худони кўришга умиди борлинини айтади.

Аюб 19:25–27 ни ўқинг.

Гуноҳ ва азоб

Аюбнинг дўстларининг айтишича, одам азоб чекса, бу унинг гуноҳ қилганидан далолат беради. Бироқ Аюб ўзининг солиҳ одам эканини ва чекаётган азобларининг сабаби гуноҳ эмаслигини биларди. Китобнинг кўп қисмида Аюб дўстлари билан бу хусусда баҳслашади.

Ушбу китоб бизга азоб-уқубатлар ҳар доим ҳам гуноҳ қилганимиз боис келмаслигини ўргатади. Исо ҳеч қачон гуноҳ қилмаган, бироқ У рад этилди, ҳақсизликларга учради ва энг шафқатсиз ўлимни бошдан кечирди. Исо бизнинг барча азобларимизга чек қўйиш учун Ўзи азоб чекди!

Бу қачон содир бўлади? [10]

Шу билан бирга, биламизки, Худо азоб-уқубатларни биз учун яхшиликка ишлатади. Масалан:

Ёқуб 1:2–4: Худо ҳаётимиизда бўладиган синовларни қандай қилиб яхшиликка ишлатади? [11]

Азоб чекканимизда биз танлов олдида турамиз: ё хафа бўлиб юрагимизни тош қилиш, ёки бу азобни Исога янаям кўпроқ ўхшашимиз учун берилган имконият сифатида кўриш.

Ибронийларга мактуб 13:5 да Худо бизга нима ваъда қилган? [12]

Агар бирон киши азоб чекаётган бўлса, бу унинг гуноҳ қилганини англашадими? [13]

Ҳеч қачон ва ҳеч бир нотўғри иш қилмаганига қарамай, азоб чеккан кишини мисол келтиринг. [14]

Қачон бошқа ҳеч ҳам азоб-уқубат бўлмайди? [15]

Худо қандай қилиб бизнинг барча қийинчиликларимизни яхшиликка ишлатади? [16]

Қийналганимизда қандай танлов олдида қоламиз? [17]

Ибронийларга мактуб 13:5 да Худо бизга нимани ваъда қилган? [18]

Ҳаётимиздаги барча қийинчиликларда Эгамиз бизга иноят кўрсатсин!

Аюб китоби орқали Худо сизга нимани ўргатди?

Жавоблар

- 1 – Аюб, Забур, Сулаймоннинг ҳикматлари, Воиз, Қўшиқ.
- 2 – Бор бисотини, фарзандларини ва кейинроқ соғлигини.
- 3 – У шундай деди: «Онамнинг қорнидан ялангоч тушгандим, дунёдан ҳам ялангоч кетаман. Ҳамма нарсамни Худо берган эди, Худонинг Ўзи олиб қўйди. Эгамнинг номига ҳамду санолар бўлсин!»
- 4 – Худонинг кўлидан яхши нарсаларни қабул қиласизу, ёмонларини олмаймизми?
- 5 – Нима учун мени бу дунёга келтирдинг?
- 6 – 1) Ҳар турли қийинчиликларни бошдан ўтказаётганимизда ҳам Худони улуғлашни ўрганишимиз керак;
 - 2) Худо бизга берган ҳамма нарсани — яхши ва ёмонни — камтарлик билан қабул қилишимиз керак;
 - 3) Ўз ҳис-туйғуларимизни Худога очик айтишимиз керак.
- 7 – Худо бизнинг барча саволларимизга жавоб бермаслиги мумкин, лекин Уни қидирган пайтимиз, Ўзини бизга намоён қиласи.
- 8 – Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам биз Худога ишонишимиз керак.
- 9 – Самовий Ватани.
- 10 – Исо бизни Самовий Ватанимизга олиб кетиш учун қайтиб келганида.
- 11 – Имонимиз синалишидан сабр-тоқат келиб чиқади.
- 12 – Сизларни ташлаб кетмайман, сизларни тарк этмайман.
- 13 – Йўқ.
- 14 – Исо.
- 15 – Исо бизни Самовий Ватанимизга олиб кетиш учун қайтиб келганида.
- 16 – Имонимиз синови матонатни хосил қиласи. Матонатимиз ўсиб бориб, биз ҳеч қандай нуқсонсиз, етук ва баркамол бўлишимиз керак.
- 17 – Ё хафа бўлиб юрагимизни тош қилиш, ёки буларни Исога янада кўпроқ ўхшашимиз учун берилган имконият деб билиш.
- 18 – Сизларни ташлаб кетмайман, сизларни тарк этмайман.

20-дарс:

Ҳикмат китоблари: Забур



Биласизми...?

- Забур Муқаддас Каломдаги энг катта китобdir.
- Унда 150 та сано бор.
- Забурдаги санолар 700 йил давомида ёзилган.
- Забур саноларининг аксариятини шоҳ Довуд ёзган. Қолганларини эса Мусо, Сулаймон ва бошқа кўплаб кишилар ёзиб қолдирғанлар.
- Янги Аҳд муаллифлари Эски Аҳд китоблари орасида энг кўп Забур оятларидан иқтибос (цитата) келтиришган. Янги Аҳднинг фақат 4 тасидан ташқари қолган барча китобларида Забур оятларидан иқтибослар бор.
- Масих хақидаги пайғамбар башоратлари Эски Аҳддаги бошқа китобларга кўра кўпроқ Забур китобида ёзилган.
- Янги Аҳдда ёзилишича, Забур санолари яхудийларнинг, шу жумладан Исонинг ҳам, қўшиқ китоби бўлган. Агар бу қўшикларни Исо куйлаган бўлса, биз ҳам куйлашимиз лозим.
- Санолардаги асосий мавзуни тушуниш учун эса уларни бир неча марта ўқишимиз керак.

Забур китобида нечта сано бор? [1]

Забур китобидаги саноларнинг кўп қисмини ким ёзган? [2]

Янги Аҳдда ким Забурни қўшиқ китоби сифатида ишлатган? [3]

Санолардаги асосий мавзуни қандай англаб оламиз? [4]

Саноларнинг учта асосий тури:

1. Худони улуғлаш учун фойдаланишимиз мумкин бўлган кўпгина санолар бор. **99-Забурни ўқинг.**

2. Худога қилган ишлари учун **миннатдорчилик билдиришда** ишлатишимиз мумкин бўлган кўп санолар бор. **114-Забурни** ўқиб чиқинг. Бу сано ўлим хавфидан халос қилган Худога шукронга қўшиғидир.
3. Ҳаётнинг қўрқинчли эканини ҳис қилганимизда, Худога **илтижо қилиш** учун фойдаланишимиз мумкин бўлган кўплаб санолар мавжуд. Масалан, муаллиф ушбу сатрларни ёзганида, нималарни ҳис қилган?

87:19: «Яқин дўстларимдан мени айирдинг,
Уларга мени жирканч қилдинг,
Қамалиб қолганман, халос бўла олмайман.» [5]

Забур саноларини ўқиганимизда, муаллиф бу санони ёзаётганда нималарни ҳис қилгани ҳақида ўйлаб кўрайлик. Баъзан биз ҳам ўзимизни шундай ҳис қиласизми?

Худони улуғлашда, Унга миннатдорчилик билдирганимизда ва Унга илтижо қилишда Забурдаги сўзлардан фойдаланишимиз мумкин!

Худо бизга ҳар қандай вазият ва кечинмаларни изҳор қилишимизга етадиган сўзларни Забур санолари орқали беради.

Забурдан қандай учта асосий мақсадда фойдаланишимиз мумкин? [6]

1.

2.

3.

Забур бизга Исони билиб олишга ёрдам беради

1. Шоҳ Довуд ўз саноларида Масихга ишора қилганини ёдда тутишимиз лозим. Кўп ҳолларда Довуд бошдан кечирган вазиятлар Исога ишора қиласи.

Масалан:

- Унинг азоблари. Довуднинг ўз азобларини тасвирлаш усулига қарасак, улар унинг бардоши этишидан кўра оғирроқ азоблар эканини кўрамиз. **Забур 21:13–19** ни ўқинг — хочга михланишнинг нақадар ҳайратланарли таърифи; бу ҳам бўлса, хали одамлар хочга михлаш жазо усулини ихтиро қилмасларидан юзлаб йиллар олдин ёзилган!
- Тўғри, Довуд буюк шоҳ бўлган. Бироқ баъзида санолардаги таърифлар Довудга ишора қилишдан жуда узоқда эканини кўриш мумкин. **Забур 2:6–9** ни ўқинг — бу сано бутун дунёning Шоҳи бўладиган Масихни тасвирлайди!

2. Забурда Худо ҳақида ўқиганларимиз Исонинг кимлигини кўрсатади.

Масалан: **Забур 102:2–3** ни ўқинг. З-оятда Худо нима қиласи? [7]

Марк 2:1–12 билан қиёсланг: Исо ҳақида нима ёзилган? [8]

Яна битта мисол: **Забур 22:1** ни ўқинг. Худо ким? [9]

Юханно 10:11 ни ўқинг: Исо ҳақида нима ёзилган? [10]

Қандай қилиб Довуднинг ҳаёти Масиҳга ишора қилганига иккита мисол келтириング. [11]

1.

2.

Забурда Ота-Худо ҳақида айтилган сўзлар Ўғил-Худога ҳам тегишли эканлигига иккита мисол келтириңг. [12]

1.

2.

Забур санолари бизни Исога етакласин!

Забурдаги энг севимли санонгиз қайси? Нима учун у сизга ёқади? [13]

Қўшимча

Забурдаги баъзи оятларда муаллиф Худодан ўзининг душманларини хукм қилишини, яъни душманларининг бошига ёмон нарсалар келишини истайди. Масалан, **Забур 108**.

Янги Аҳдда қасос ҳақида нимани ўрганамиз? **Римликлар 12:17–19** га қаранг. [14]




Одамлар Худонинг халқини кувгин қилганларида, бизнинг вазифамиз қасос олиш эмас, аксинча, ибодат қилиш ва шу тобда ичимиизда нималарни ҳис қилаётганимиз ҳақида Худога очиқ айтишдир. Одамлар Худонинг фарзандларини кувгин қилганида, У биздан кўра кўпроқ ғазабланади. Исо тез орада қайтиб келади ва барча ёвуз одамларни адолат билан хукм қиласи!

Жавоблар

- 1 – 150 та.
- 2 – Шоҳ Довуд.
- 3 – Исо.
- 4 – Бир неча марта ўқиши керак.
- 5 – Унинг фикрича, ҳаёт бундан ҳам ёмонрок бўлиши мумкин эмас. Энди унинг дўстлари йўқ, фақат зулмат бор!
- 6 – 1) Худони улуғлаш учун,
2) Унга миннатдорчилик билдириш учун ва
3) Унга илтижо қилиш учун ишлатишимиш мумкин!
- 7 – Ҳамма гуноҳларимни У кечиради, Барча хасталикларимга У шифо беради.
- 8 – Исо унинг гуноҳларини кечирди ва уни шифолади.
- 9 – Менинг чўпоним.
- 10 – Исо — яхши чўпон.
- 11 – 1) У азоб чеккан, ва
2) буюк шоҳ бўлган.
- 12 – 1) Бизнинг Қутқарувчимиз ва
2) яхши чўпон.
- 13 – Масалан, 22-Забур: Содиқ Худо бизни етаклайди, бизга ғамхўрлик қиласи ва бизга керак бўлган кучни беради. Бизнинг вазифамиз Унга эргашибидир!
- 14 – Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик қайтармаслигимиз керак. Қасос ҳам олмайлик, балки, Худонинг ғазабига йўл қўйиб берайлик.

21-дарс: 90-Забур



Ушбу санони ўқиб чиқинг.

Бу Забур саноси Шоҳ учун, яъни Масих учун, шу билан биргаликда, бизлар учун берилган ваъдаларни ўз ичига олади!

Худованд бизнинг қалъамиздир

Одамлар нималар ҳақида қайғуришади? [1]

Забур 90:2 да муаллиф Худо ҳақида нима дейди? [2]

Қалъа — уруш пайтларида хавфсиз бўлган жой. Биз унда яширинамиз ва бехатар бўламиз.

4-оятда Худо нимага қиёсланади? Худонинг ҳалқи нимага қиёсланади? [3]

Худди товук ўз жўжаларини қанотлари остида ҳимоя қилганидай, Худо ҳам бизни хавф-хатардан ҳимоя қиласди.

5–6-оятларни ўқинг. Худонинг табиати ҳақида мулоҳаза юритиб, Унинг ким экани ҳақида ўзимизга эслатиб турсак, бунинг қандай таъсири бўлади? [4]

7–8-оятларни ўқинг. Ушбу оятлар Худо фосиқларни ҳукм қилишини, Ўз ҳалқини эса ҳимоя қилишини тасвирлайди. Бу Исо дунёни ҳукм қилиш учун қайтиб келадиган қиёмат кунини англатади. Ўша куни Худонинг ҳокимиятига бўйсунмаганлар абадий жазога маҳкум бўладилар.

Худога ва Худо танлаган Шоҳ — Масихнинг ҳокимиятига итоат қилганларга нима бўлади? (8-оят) [5]

Шундай қилиб, Ҳудонинг табиати ҳақида мuloҳаза юритиб, Унинг ким экани ҳақида ўзимизга эслатиб турсак, бунинг қандай таъсири бўлади? [6]

Масиҳ билан иблис орасидаги кураш

Иблис Масиҳни мағлуб этишга ҳаракат қилади

Иблис Адан боғи давридан бери Масиҳнинг келишидан қўрқарди (Ибтидо 3:15). Исо дунёга келганида, иблис бор кучи билан Уни ўлдиришга ҳаракат қилди (Матто 2:13–16). Буни уддалай олмагач, Исони муваффақиятсизликка ўлиқтириш учун жон-жаҳди билан курашди.

Матто 4:5–7 га кўра, иблис 90-Забур саносидаги оятларни қандай ишлатган? [7]

Нима учун Исо иблисга агар маъбад тепасидан Ўзини пастга отса, Худо Уни сақлаб қолишини исботлашни хоҳламади? (Матто 4:7) [8]

Бундан ташқари, шайтон бизга нимаики демасин, ҳеч қачон унинг айтганини қилмаслигимиз керак!

Матто 4:11 ни ўқинг. Забур 90:11 да Худо ваъда қилган фаришталарнинг келиб, Исога хизмат қилганини кўрамиз.

Масиҳ иблисни енгади

Забур 90:13: илон ёки аждарҳо иблисни тасвирлайди. Шерлар эса, зарар етказмоқчи бўлганларни англатади (Забур 21:14).

Ибтидо китоби 3:15 да Худо илон шаклида кўринган шайтонга нима деди? [9]

Момо Ҳавонинг авлоди шайтонни енгади, лекин бу аснода Ўзи ҳам азоб чекади.

Забур 90:13 да *Масиҳ* нима қилади? [10]

У иблисни ва унинг малайларини енгади!

Хўш, *Масиҳнинг* вазифаси нимадан иборат эди? [11]

Муаммолар келганда

15–16-оятларда Худо унга нимани ваъда қилади? [12]

Худонинг унга ваъдалари:

- у билан бирга бўлиш;
- уни кутқариш;
- уни хурматга сазовор қилиш;
- унга узок умр бериш;
- ва унга нажот бериш;

Филиппииклар 2:8–11 ни ўқинг. Худо Масихга берган ваъдаларини бажардими? [13]

Худо Исони **аазоблари ва ўлими орқали** кутқарди. Исонинг ўлими Худо Унга ғамхўрлик қилмаганини билдирамайди. Аксинча, Худо бу қайгулар **ичида** У билан бирга эди. Худо Уни кутқарди (ўликдан тирилтириди). Уни хурматга сазовор қилди. Исо энди абадий тирик. Исонинг Худога бўлган итоати орқали Худо кўп одамларга нажот олиб келди!

13-оят бизга Масихнинг нима қилишини айтади? [14]

Исога умид боғлаган эканмиз, энди шайтондан ва унинг жинларидан қўрқмаслигимиз керак.

15-оят бизга Худо ҳақида нима дейди? [15]

Худо Ўз фаришталари билан бизни куннинг ҳар дақиқасида ҳимоя қиласи! Аммо, Муқаддас Китобда айтилишича, баъзида Худо ёмон нарсалар содир бўлишига йўл қўйиб беради.

«Исога эргашаётганингиз учун энди ҳеч қандай муаммонгиз бўлмайди», деб айтадиганларга қулоқ солманг.

Юханно 16:33 да Исо Ўз шогирдларига нима деди? [16]

Муаммоларимиз бўлади, бироқ Исо бизга Ўзининг тинчлигини беради.

Римликларга мактуб 8:38–39 да Худо бизга қандай ажойиб ваъдани берган? [17]

Исога эргашсак, ҳеч нарса бизни Худонинг севгисидан маҳрум қила олмайди!

Шундай экан, Исонинг издошлари муаммоларга дуч келишадими? [18]

Римликларга мактуб 8:38–39 да Худо бизга қандай ваъда берган? [19]

Худонинг режалари

Исо 90-Забурни яхши биларди. **Луқо 22:42** га кўра, ўлимидан олдинги кеча, Зайтун тоғида Исо нима деб ибодат қиласи? [20]

Худо бизни ёвузликдан асрай олишини, бироқ баъзан биз учун режалари буюкроқ бўлиши мумкинлигини Исо тушунарди.

Луко 22:43 ни ўқинг. Худо Исога куч ато этиш учун бир фариштасини юборди.

Худди шу сингари, Худо бизни ҳам ёвузликдан асрай олишини, бироқ баъзида биз учун режалари буюкроқ бўлишини биламиз. Агар Худо биздан муаммоларга бардош қилишни кутаётган бўлса, шуни билишимиз керакки, ҳар доим бизни қўллаб қувватлаш учун Ўзининг фаришталарини юборади!

Римликларга мактуб 8:28–29-оятларда Худо бизнинг муаммоларимизни қандай ишлатиши ҳақида нимани билиб оламиз? [21]

Шундай қилиб, Худо нега ҳаётимиизда қийинчиликларга йўл қўйиб беради? [22]

Абадий Ҳаёт

Забур 90:16 да Худо нималарни ваъда қилади? [23]

Эски Аҳд ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида жуда оз маълумот беради. Эски Аҳдда узоқ умр Худонинг марҳаматига ишора бўлган.

Янги Аҳдда Худо бизга бу дунё учун узоқ умр ваъда қилмайди, бироқ афзалрогини, яъни тасаввуримизга ҳам сигмайдиган даражада ажойиб, абадий ҳаётда У билан бирга яшашни ваъда қилади!

Исо бизни гуноҳдан, ўлимдан ва шайтондан халос қилди! У бизга абадий ҳаёт совға қилди! Энди бирон бир нарсадан қўрқишимиз керак эмас!

Тўғри, ҳар доим ҳам Худонинг режаларини кўра олмаймиз, лекин бизнинг вазифамиз, Исо Худога ишонганидек, Худога ишонишдир.

Худо бизга ғамхўрлик қилишни, ҳаётимииз бўйича биз билан бирга бўлишни ва абадий ҳаёт беришни ваъда қилган. Шундай экан, ҳеч нарсадан қўрқмайлик!

Худо бизга нималарни ваъда қилган? [24]

Бизнинг вазифамиз нимадан иборат? [25]

90-Забурнинг қайси оятини кўпроқ эслаб қолишим керак деб ўйлайсиз?

Жавоблар

- 1 – Одамлар соглиги ҳақида, келажаклари ҳақида, имтихонлар ҳақида, фарзандлари ва энг кўп пул ҳақида қайгуришади.
- 2 – Худованд паноҳим ва қалъамдир.
- 3 – Худо кучли она қушга қиёсланган, биз эса ожиз жўжаларга.
- 4 – Биз ҳеч нарсадан кўркмаймиз.
- 5 – Худо уларни бехатар сақлайди.
- 6 – Ҳеч нарсадан кўркмайдиган бўламиз.
- 7 – Иблис 11–12-оятларни Исони васвасага солиш мақсадида ишлатган, яъни Исога маъбад тепасидан Ўзини пастга отиб, шу тарзда Худонинг Ўғли эканини барчага исботлашини айтган.
- 8 – Худони синаш нотўғри.
- 9 – *Душманлик пайдо қиласман сен билан хотин ўртасида,
Сенинг зотинг билан унинг зоти орасида.
Унинг зоти эзиб ташлайди сенинг бошингни,
Сен чақиб оласан унинг товонини.*
- 10 – Масихнинг вазифаси шер ва заҳарли илон устидан босиб ўтиш, йиртқич шер ва илонни оёғи билан эзиш эди.
- 11 – Иблисни енгишдан иборат.
- 12 – *«У илтижо қилганда Мен жавоб бераман,
Оғир кунларида у билан бирга бўламан,
Уни қутқариб, унга иззат кўрсатаман.
Узоқ умр бериб, уни мамнун қиласман,
Унга најомт бераман.»*
- 13 – Ҳа!
- 14 – Худонинг Масихи шайтон устидан ғалаба қилди! Шундай экан, Худонинг халқи ҳар қандай ёвузликдан бехатар бўла олади!
- 15 – Худо бизнинг илтижоларимизни эшитади ва оғир кунда биз билан бирга бўлишни ваъда қилади.
- 16 – *Мен туфайли хотиржам бўлишингиз учун буларни сизларга айтдим. Дунёда қайгу-алам чекасизлар. Лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим.*
- 17 – *Ўлим ҳам, ҳаёт ҳам, фаришталару жинлар ҳам, ҳеч қандай гайритабиий кучлар ҳам, ҳозиргию келгуси ҳодисалар ҳам, баландликлару чуқурликлар ҳам, яратилган биронта мавжудот ҳам бизни Раббимиз Исо Масих шахсидаги Худонинг меҳр-муҳаббатидан жудо қилишга қодир эмас.*
- 18 – Ҳа!
- 19 – Ҳеч қандай нарса бизни Худонинг севгисидан жудо қила олмайди!
- 20 – Эй Ота! Қанийди, бу азоб косасини Мендан узоклаштиранг! Аммо Менинг хоҳишим эмас, Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин.
- 21 – Худо муаммоларимиздан бизни янада кўпроқ Исога ўхшатиш мақсадида фойдаланади.
- 22 – Худо муаммоларимиздан бизни янада кўпроқ Исога ўхшатиш мақсадида фойдаланади.
- 23 – *Узоқ умр бериб, уни мамнун қиласман, Унга најомт бераман.*
- 24 – Худо бизга ғамхўрлик қилишни, бутун ҳаётимиз давомида биз билан бирга бўлишни ва абадий ҳаёт беришни ваъда қилган.
- 25 – Худога ишониш ва қўрқмаслик!

22-дарс:

Ҳикмат китоблари: Сулаймоннинг ҳикматлари, Воиз ва Сулаймоннинг гўзал қўшиғи



Сулаймоннинг ҳикматлари китоби

1:2 ни ўқинг. Бу китобнинг мақсади нима? (Ўз сўзларингиз билан айтинг) [1]

Кимга донолик керак? [2]

1–9-боблар ҳақида қисқача маълумот

Дастлабки 9 та боб бизни ҳикматли сўзларга қулоқ тутишга чақиради.

1:7 ни ўқинг. Доноликнинг боши нима? [3]

Ким донолик ва насиҳатдан нафратланади? [4]

Аксарият оятларда икки тоифадаги одамлар ҳақида сўз боради: донолар ва аҳмоқлар. Биз қайси бирига тегишли бўламиш: доноларгами ёки аҳмоқларгами?!

1:8–9 ни ўқинг. Ўғил нима қилиши керак? [5]

4:14 ни ўқинг. Ўғил нима қилмаслиги керак? [6]

Бизни Худодан узоқлаштирадиган бегона овозларни эмас, балки доноликнинг овозини тинглашимиз керак.

3:5–6 ни ўқинг. Нима қилишни билмаганимизда, қандай йўл тутишимиз керак? [7]

Худога итоат қилиб, Ундан донолик сўраганимизда, У бизни тўғри ва яхши йўлдан етаклайди. Бу ҳақда 22-Забурда ҳам ёзилган. Худованд — менинг Чўпоним, У мени тўғри йўлга бошлайди.

Бу китобда қандай иккита тоифадаги одамлар ҳақида сўз юритилади? [8]

10–31-боблар ҳақида қисқача маълумот

Тўққизта оятдан кейин турли мавзуларда оятлар бор. Одатда бу оятлар барчамиз билишимиз керак бўлган нарсалар ҳақида гапиради. Масалан: пул, иш, оғзимиздан чиқадиган сўзлар, уй, дўстлик, оила, ҳокимиият ва ҳаёт.

Келинг, бирини мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

14:1 ни ўқинг. Доно хотин нима қиласди? [9]

Бу нима дегани? [10]

Нодон хотин нима қиласди? [11]

Бу нима дегани? [12]

Бу эркакларга ҳам тегишли!

10–31-бобларда қандай мавзулар ҳақида гап боради? [13]

Ваъдалар эмас

Бу китобдаги оятлар бизга берилган ваъдалар эмас, балки муаллиф ўз хаётида гувоҳ бўлган нарсалардир. Улар ҳар доим ҳам содир бўлмаса-да, лекин одатда содир бўлиб турадиган нарсаларни тасвирлайди.

Масалан, мана бу оятга қарайлик:

Сулаймоннинг ҳикматлари китоби 13:25: *Солиҳ қорни тўйиб овқат ейди, фосиқ эса оч қолади.*

Солиҳларнинг ҳар доим ҳам ейишга овқати бўладими? [14]

Фосиқлар ҳар доим ҳам нонга зор бўладими? [15]

Биламизки, солиҳлар баъзан оч қоладилар. Бунга деярли ҳар доим одамларнинг гуноҳлари сабаб бўлади. Масалан, урушлар ёки хукуматларнинг очкўзлиги ёки бўлмаса, оиласда кимдир бутун оиласнинг тирикчилиги учун керак бўлган пулларни ичкиликка сарфлаб юборди ва ҳаказо. Биз ҳали ҳам Худога қарши исён кўтарган дунёда яшаймиз!

Одатда бу оятлар тўғридан: Эски Аҳдда, оддий вазиятларда солиҳлик барака олиб келади. Конунсизлик эса баҳтсизлик келтиради. Эски Аҳдда шуни кўрамизки, бу ерда айтилган барака ва жазо абадиятдаги, яъни Исо Маҳиҳ қайтиб келганида бизни кутаётган абадий марҳамат ва абадий жазо ҳақида айтилган. Бизнинг умидимиз бу дунёning моддий нарсаларига асосланган эмас.

Ҳаётнинг бу ерда тасвирланганларга ўхшамаслиги бизга шуни эслатадики, **биз бу оятлар рўёбга чиқадиган ўша кунни интиқлик билан кутиб яшамоқдамиз**. Ўшандан барча солиҳлар тўқ бўладилар!

Бу қачон содир бўлади? [16]

Айни дамда ҳаётимизга тўғри келмайдигандай кўринган бу оятлар ушбу китобнинг буюк ҳикматларидан сабоқ олишимизга халал бермасин!

Ҳаётда бу китобнинг бирон бир оятига мос келмайдиган вазиятга дуч келсак, нимани эсада тутишимиз керак? [17]

Бу китобда сизга энг кўп ёқкан оят қайси?

Воиз китоби

Воиз китоби 1:1–14 ни ўқинг.

Воиз китобида ҳаётнинг маъноси муҳокама қилинади.

Китобнинг нима ҳақда эканини англаш учун уни тўлиқ ўқиб чиқиш керак.



Асосий мавзу: **Худосиз ҳаётимизнинг маъноси йўқ**: Ишлашнинг нима кераги бор? Яхши инсон бўлишдан нима фойда? Одамларга яхшилик қилишдан нима фойда?

Муаллиф ҳаётда ҳамма нарса беҳуда ва шамолнинг орқасидан қувишдай эканини тақрор-тақрор айтади (масалан 1:14). Сизнингча, бу нима дегани? [18]

Китобнинг охирроғига келиб, муаллиф шундай хулоса қилади:

Воиз китоби 8:15: *Шунинг учун мен бу ҳаётдан роҳат олишини маслаҳат бераман. Бу дунёда одамларга ейши, ичиши ва хурсанд бўлишдан бошиқа яхшироқ нарса йўқдир. Худо инсонга берган бу дунёдаги ҳаёти давомида қиласидиган меҳнатида шодлик у билан бўлади.*

Эгамиз биздан У берган ҳаётдан роҳатланиб яшашимизни хоҳлайди!

Бироқ баъзида ҳаётимиз беҳудадай бўлиб кўринади: ҳар куни ишга бориб келамиз, ҳар куни бир хил нарсани қилаверамиз.

Аммо ҳаётдаги бўшлиқлар бизни Исо Масих қайта келадиган кунга қўз тикишга ундаши керак. Самовий Ватанимизда ҳаёт маънога тўла, ажойиб ва ҳайратланарли бўлади! Бу дунё ҳақиқий ватанимиз эмас!

Хаётнинг беҳудалиги бизни нимага қўз тикиб яшашга ундаши керак? [19]



Сулаймоннинг гўзал қўшиғи китоби

Севги қўшиқлари эркак ва аёл орасидаги севгини ифодалайди.

Эркак ва унинг хотини орасидаги яхши муносабатлар Худодан берилган қимматбаҳо совғадир. Бу бизга Худонинг бизга бўлган севгисини ҳам эслатади!

Эфесликларга мактуб 5:22–33 ни ўқинг. Эр-хотин орасидаги никоҳ бизга нимани кўрсатади? [20]

Ваҳий китоби 19:6–8 ни ўқинг. Куёв ким? Келин-чи? [21]

Қўшиқ 2:16: *Севгилим меникидир, мен эса уникиман.*

Бу ҳақиқат Исо билан бизнинг орамиздаги муносабатга ҳам тегишли!

Бизни севадиган бирон кимса йўқлигини хис қилганимизда, Исо бизни севишини унутмайлик. Ҳеч ким ҳеч қачон бизни Исо каби сева олмайди! Исо билан вақт ўтказганимизда, У бизни севгисига тўлдиради. Ана ўшанда биз ҳам Унинг севгисини атрофимиздаги инсонларга кўрсата оламиз.

Қўшиқ 4:1: *Қандай гўзалсан, эй севгилим,
Қанчалик гўзалсан!*

Ташқи кўринишдан жозибадор эмасман деб ҳис қилганимизда, шуни унутмайликки, Исо учун ҳар доим чиройлимиз! Қанчалик чиройли эканимизни англаб етганимизда, бошқаларга ҳам уларнинг нақадар чиройли эканликларини уларни севиш, ғамхўрлик ва хурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали намоён қила оламиз.

Исо сизга нима демоқда? [22]

Эрнинг аёлига бўлган муҳаббати бизга нимани эслатиши керак? [23]

Никоҳ нимани тасвирлайди? [24]

Ким бизни энг яхши турмуш ўртоғидан ҳам кўпроқ севади? [25]

Ушбу дарсда Ҳудо ҳақида нимани билиб олдик?

Жавоблар

- 1 – Бизга доно ва фаҳм-идрокли бўлишга ёрдам беради.
- 2 – Барчамизга ҳикмат керак!
- 3 – Эгамииздан қўрқиш.
- 4 – Аҳмоқлар.
- 5 – Отасининг насиҳатларига қулоқ солиш, онасининг ўгитларини рад этмаслик.
- 6 – Гуноҳкорлар билан юрмаслик, уларнинг қилганини қиласлик керак.
- 7 – Эгамиизга бутун қалбингиз билан ишониб, сизга йўл кўрсатишини сўранг.
- 8 – Доно ва аҳмоқ.
- 9 – Ўз уйини куради.
- 10 – Унинг барча фикрлари, сўзлари ва ишлари бутун оиласига қувонч ва бирлик келтиради.
- 11 – Ўз қўллари билан бузади.
- 12 – Унинг барча фикрлари, сўзлари ва ишлари бутун оиласига баҳтсизлик ва бўлиниш келтиради.
- 13 – Пул, иш, оғзимиздан чиқадиган сўзлар, уй, дўстлик, оила, хокимият, хаёт ва бошқалар.
- 14 – Йўқ.
- 15 – Йўқ.
- 16 – Исо бизни осмондаги ўйимизга олиб кетгани келганида.
- 17 – Ушбу ояtlар рўёбга чиқадиган кунни кутиб яшаётганимизни унутмаслигимиз керак. Ўша кунда Худованд Ўз халқи бўлган бизларни тасаввур қилганимиздан ҳам ортиқроқ баракалайди!
- 18 – Ҳаётимиз Худосиз ҳеч қандай маънога эга эмас, бехуда ва мазмунсиздир.
- 19 – Исонинг қайтиб келишига.
- 20 – Одамлар орасидаги никоҳ Исо ва Унинг жамоати ўртасидаги яқин муносабатга ишора қилади.
- 21 – Исо ва жамоат.
- 22 – Қандай гўзалсан, эй севгилим,
Қанчалик гўзалсан!
- 23 – Худонинг бизга бўлган севгисини!
- 24 – Исо ва Унинг келини бўлган имонлилар жамоатининг никохи.
- 25 – Исо!

23-дарс:

Исроилнинг ва Яхудонинг пайғамбарлари



Муқаддас Каломда 5 та ҳикмат китобидан кейин пайғамбарлар китоблари келади.

Эски Аҳдда пайғамбар ким бўлган?

Пайғамбар Худонинг хабарини айтиш учун Худо томонидан танланган кишидир. Эски Аҳдда пайғамбарларнинг кўпчилиги асосан Худонинг халқига хитоб қилишган. Фақат баъзиларигина (масалан, Юнус пайғамбар) Худонинг хабарини бошқа халқларга етказганлар.

Сохта пайғамбар Худонинг эмас, балки ўзи ўйлаб чиқарган хабарни халқقا гапиради. Ҳақиқий пайғамбар эса Худодан нимани эшитса, ўшани гапиради ва унинг айтганлари амалга ошади.

Эски Аҳдда пайғамбар ким бўлган? [1]

Худо нима учун пайғамбарларни юборган?

Худо пайғамбарларни қуйидаги мақсадларда юборган:

1. Ўз халқини **огохлантириш** учун. Чунки улар Худонинг амрларига итоат қилмасдилар.
2. Худо нафақат Ўз халқини, балки бошқа халқларни ҳам **хукм қилишини ва жазолашини** айтиш учун.
3. Худо Ўз халқини, шунингдек, бошқа халқларни ҳам **баракалашини** айтиш учун.

Қайси учта сабабга кўра Худо Ўз халқига пайғамбарларни юборган? [2]

Шунингдай, пайғамбарлар орқали Худо Ўз халқига ажойиб ваъдаларни берган:

- Сургундан кейин Худо Ўз халқини яна **Қуддусга** қайтариб олиб келади.
- **Халқни гуноҳларидан қутқариш учун** Худо уларга Қутқарувчи юборади.
- Худо Ўз халқини **жаннатдаги уйига** олиб боради.

Бу ваъдалар кўпинча учта алоҳида воқеа эмас, балки битта воқеа каби ифодаланади.

Худо Ўз халқига қандай ажойиб ваъдаларни берган? [3]

Пайғамбарлар кимга гапирганлар?

Хўшяя, Амос ва **Юнус** Истроил халқига гапирганлар.

Илёс ва **Элишай** ҳам Истроилнинг пайғамбарлари эдилар, аммо улар китоб ёзмаганлар.

Бошқа кўплаб пайғамбарлар Яхудо халқига гапирганлар.

Истроил халқига хитоб қилган бир пайғамбарни мисол келтиринг. [4]

Қайси иккита муҳим пайғамбар китоб ёзмаган? [5]

Худонинг бошқа пайғамбарлари қайси халққа гапиришган? [6]

Улар қачон гапирганлар?

Уларнинг олиб келган хабарларини тушуниш учун, улар қачон гапирганларини билишимиз керак.


1. Баъзи пайғамбарлар **Худо Ўз халқини сургун қилишидан олдин** гапирганлар. Масалан, Ишаё ва Еремиё.
2. Баъзи пайғамбарлар сургун даврида, Худонинг халқи **Бобилда яшаётган пайтда** гапирганлар. Масалан, Дониёр ва Хизқиёл.
3. Яна бошқалари **Худонинг халқи сургундан Қуддусга қайтиб келганидан кейин** гапирганлар. Масалан, Хаггей, Закариё ва Малаки — Эски Аҳднинг охирги учта китоби.

Уларнинг айтганлари ҳақиқатан амалга ошди!

Сургундан олдин башорат қилган пайғамлардан бирини мисол келтиринг. [7]

Сургунда пайтида халққа хитоб қилган пайғамбарлардан бирини мисол келтиринг. [8]

Сургундан кейинги даврда халққа хитоб қилган пайғамбардан бирини мисол келтириңг. [9]



4 та сана

Юқоридаги хронологик жадвалга қаранг.

- Исо туғилишидан олдинги **722 йилда** оссурияликлар Истроил халқини Оссурияга олиб кетишли. Шундан кейин Истроил халқи ҳақида бирон маълумот бўлмади.
- 150 йил ўтгач**, (**Исо туғилишидан олдинги 586-йилда**), бобилликлар Яхудо халқини мағлуб этишли, маъбадни вайрон қилиб, Худонинг халқини Бобилга олиб кетишли.
- 70 йил кейин** (**Исадан олдинги тахминан 500-йилларда**) Форс империяси Бобил империясини мағлуб қилди. Форс шоҳи Куруш Худонинг халқига агар хоҳласалар, Қуддусга қайтиб боришлари мумкинлигини айтди.

Аммо кўп ўтмай Худонинг халқи Унга яна садоқатсизлик қила бошлади. Ундан кейинги 400 йил мобайнида Худо хеч қандай пайғамбар юбормади.

Худога содиқ бўлганларнинг бари Муқаддас Битикларни ўқиб ўрганишарди. Ўқиб ўрганганлари орқали эса бир кун келиб Худо уларни қутқарадиган Масихни юборишини билиб олишган эди.

- Тахминан эрамизнинг бошланиш йилларида** Исо туғилди.

Худонинг Эски Аҳддаги барча ваъдаларини амалга оширадиган Зот У эди!

Бизни абадий уйимизга олиб борадиган ҳам У эди!

Қачон оссурияликлар Худонинг халқини Оссурияга олиб кетишли? [10]

Қачон бобилликлар Яхудо халқини мағлуб қилиб, Худонинг маъбадини ҳам бузиб, халқни Бобилга олиб кетишли? [11]

Қачон Худонинг халқига ватанига қайтишга рухсат берилди? [12]

Исо қачон туғилған? [13]

Худонинг Эски Аҳдаги барча ваъдаларини ким амалга оширади? [14]

Сургун

Буни Адан боғида содир бўлганларнинг такрори дейиш мумкин.

Адан боғида нима бўлган эди? [15]

Худди шундай, Худонинг халқи гуноҳ қилганида, Худо уларни юртидан ва Ўзининг ҳузуридан қувиб чиқарди.

Улар сургундан нафакат жисмоний юртларига, балки Худонинг ҳузурига қайтишлари керак эди.

Муқаддас Каломнинг асосий мавзуси биз — инсонлар қандай қилиб Худонинг ҳузуридаги ҳаётга, яъни Адан боғига қайта олишимиз ҳақидадир.

Бу хусусда Ваҳий китобида ўқиймиз.

Ваҳий китоби 21:3: *Мен таҳтдан баланд бир овоз келганини эшиштдим. Ўша овоз деди:*

«Худонинг маскани инсонлар орасидаадир!

У энди одамлар орасида яшайди,

Улар Худонинг халқи бўладилар.

Худонинг йзи улар билан бирга бўлади.»

Нихоят, биз қачон Худонинг ҳузуридаги ҳаётга қайтамиз? [16]

Муқаддас Китобнинг асосий мавзуси нима? [17]

Биз қандай қилиб Худо билан ҳозирги ва абадиятдаги муносабатларимизни тиклашимиз мумкин? (Юханно китоби 6:40) [18]

Янги Аҳд

Исо ўлиқдан қайта тирилгандан кейин, Уни таний олмаган баъзи шогирдлари билан гаплашди.

Исо уларга деди: «Бунчалик бефаҳм бўлмасангизлар?! Пайғамбарларнинг гапларига ишониш нега сизлар учун шунчалик қийин?! Ахир, Масиҳ улуғланишидан олдин бу азобларни бошдан кечириши керак эди-ку!» Кейин Мусодан тортиб, барча Пайғамбарлар битикларида Ўзи ҳақида ёзилган сўзларнинг ҳаммасини Исо уларга тушунтирди. (Луқо китоби 24:25–27)

Исо пайғамбарлар ҳақида нима деди? [19]

Унинг ўлими ва тирилиши Худонинг Ўзига қарши исён қилган дунёни қутқариш учун тузган режасининг бир қисми эди.

Ишаё китоби 55:12 ни ўқинг. Худога келганларга Ишаё пайғамбар нима дейди? [20]

Ўз ҳаётингизни Яратган Эганинг Масиҳига ишониб топширишдан каттароқ баҳт йўқ!

Худо бугун хам пайғамбарлар китоблари орқали бизларга гапирмоқда!

Шундай экан, пайғамбарлар китобларини ўқишига вақт ажратинг!

Уйга вазифа

Ишаё китоби 40–55-бобларни ўқинг.

У Масиҳ ҳақида нималар деганига эътибор беринг.

Ушбу дарсда Худо ҳақида нимани билиб олдик?

Жавоблар

- 1 – Пайғамбар Худонинг хабарини етказиш учун Худо томонидан танланган кишидир.
- 2 – Ўз халқини огоҳлантириш учун;
Худо нафақат Ўз халқини, балки бошқа халқларни ҳам ҳукм қилишини ва жазолашини айтиш учун.
Худо Ўз халқини, шунингдай, бошқа халқларни ҳам баракалашини айтиш учун.
- 3 – Сургундан кейин Худо Ўз халқини Қуддусга қайтариб олиб келади.
Худо халқни гуноҳларидан қутқарадиган Қутқарувчи юборади.
Худо Ўз халқини самодаги уйига — жаннатга олиб боради.
- 4 – Хўшея, Амос ва Юнус.
- 5 – Илёс ва Элишай.
- 6 – Яхудо халқига.
- 7 – Ишаё ва Еремиё.
- 8 – Дониёр ва Ҳизқиёл.
- 9 – Ҳаггей, Закариё ва Малаки.
- 10 – Эрамиздан олдинги 722 йилда.
- 11 – Эрамиздан олдинги 586 йилда.
- 12 – Исонинг туғилишидан тахминан 500 йил олдин.
- 13 – Тахминан эрамизнинг бошланиш йилларида.
- 14 – Исо!
- 15 – Одам Ота ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганида, Худо уларни Адан боғидан ва Ўз ҳузуридан ҳайдаб юборган эди.
- 16 – Исо Масих қайтиб келганида, Ўзи билан абадий бирга яшшимиз учун бизни Самовий Ватанга олиб боради.
- 17 – Қандай қилиб Худонинг ҳузуридаги ҳаётга, яъни Адан боғига қайта олишимиз ҳақида.
- 18 – Биз Исо Масихга ва Унинг биз учун қилган ишларига ишонишимиз керак.
- 19 – Пайғамбарлар Масих ҳақида, жумладан, Унинг ўлими ва қайта тирилиши ҳақида кўп нарсаларни айтишган.
- 20 – *Ҳа, сиз хурсанд бўлиб борасиз,
Сог-омон қайтиб келасиз.
Олдингизда тоғлар, тепаликлар
Севинч ила ҳайқиради.,
Даладаги ҳамма дараҳтлар қарсак чалади.*

24-дарс: Ишаё пайғамбар



Ишаё Довуддан 300 йил кейин (Исо келишидан 700 йил олдин) яшаган бўлиб, у пайтда Худонинг халқи икки юртга бўлинниб кетган эди?

Бу икки юртнинг номлари нима эди? [1]

Ишаё пайғамбар Яхудо халқига хитоб қилган.

Оссурия империяси тез орада Исройлни босиб олади ва Яхудони ҳам қўлга олишга ҳаракат қиласди. У аллақачон Яхудо ютидаги баъзи шаҳарларни эгаллаб олган эди. Бу жудаям даҳшатли кунлар эди.

Худо Ўз халқига таъна қилади

Ишаё 1:1–2:5 ни ўқинг.

Нега Худо Ўз халқидан ғазабланди? (1:1–4) [2]

1:5–9 да, Ишаё айтади: «Нега Худонинг жазосини кўрмайсиз? Биз Худога қарши исён қилганимиз боис юртимиз вайрон бўлган.»

Улар қандай азоб чекаётгандилар? (7-оят) [3]

Худо уларнинг диндорлиги ҳақида нима дейди? (1:10–15) [4]

Худо нима учун Ўз халқининг ибодатларини эшитмаган? (1:15) [5]

Худо Ўз халқини хотини сифатида тасвирлайди (Ишаё 54:5). 21-оятда Худо Қуддусни қандай тасвирлайди? (1:21–23) [6]

24-оятда Худо Ўз халқини қандай тасвирлайди? [7]

Худо Ўз халқига қарши курашмоқчи!

Худо буларнинг барини нима учун айтяпти? [8]

Муқаддас Китобнинг бошидан охиригача Худо муқаддас эканини ва гуноҳни жазолаши кераклигини кўрамиз. Лекин У Ўз халқини севади ва ҳар доим уларни кечиришни хоҳлайди.

Худо уларга нима қилишлари кераклигини айтмоқда? (**1:16–20**) [9]

Худо раҳмдил Худодир!

Худо уларни кечиришни ва поклашни хоҳлайди. Худо уларни баракалашни хоҳлайди.

Бироқ биламизки, Худонинг халқи тавба қилмаган. Шундай экан, охир-оқибат Худо нима қилди? [10]

Лекин Худо улардан бутунлай юз ўгирмади.

Ишаё пайғамбар китобида Худо Ўз халқини сургундан кейин Қуддусга қайтариб олиб келишини ваъда қиласди. (40-бобни ва 43:1–7-оятларни ўқидингизми?)

Халқини Қуддусга қайтариб олиб келиш ваъдаси уларнинг Қуддусга қайтишидан кўра янада аълорок бўлган бошқа нарсани ҳам тасвирлашини кўрамиз. Яъни, бу ваъда Адан боғида бўлганидек, Худо Ўз халқи билан муносабатини қайта тиклайдиган вақтни — Янги Қуддусни тасвирлайди.

Қуддус қандай кўринишга эга? (**2:1–4**) [11]

Бу **Вахий китоби 21:22–27** да ёзилганларга ўхшайди.

Ишаё китобида Масих



Ишаё Масих ҳақида бошқа пайғамбарларга қараганда кўпроқ гапиради.

Ишаё 52:13–53:12 ни ўқинг. Бу азоб чеккан Худонинг қули ҳақида.

Ушбу шеърий парча бешта қисмдан иборат бўлиб, унинг энг муҳим маъноси ўрта қисмидадир.

A.52:13–15: Халқларга кечирим бериш учун Қулим азоб чекади. Шунда У юксалади.

Б. 53:1–3: Қулим рад этилади, топталади, охир-оқибат ўлимга топширилади.

В. 53:4–6: **Ўлимнинг сабаби бизга Худо билан тинчлик олиб келиш эди.**

Б.53:7–9: Қулим рад этилади, топталади, охир-оқибат ўлимга топширилади.

A.53:10–12: Халқларга кечирим бериш учун Қулим азоб чекади. Шунда У юксалади.

Шеърнинг қайси қисми энг муҳим? [12]

Худо Ўз халқига уларнинг гуноҳлари учун ўладиган ва кейин юксаладиган Масихни юборишини аниқ айтган эди. У азоб-уқубат чекканидан кейин шон-шуҳратга эга бўлади.

Ишаё 53:5: Унинг яралари бизга шифо берди

Кўпчилик бу оятни нотўғри ишлатишади. Эски Аҳд оятларини тўғри тушуниш учун биз иккита нарсага қарашимиз керак:

1. Бу оятларни улар ёзилган контекстда (бобда) ўқишимиз керак. Яъни, оятни тўғри тушуниш учун ундан олдинги ва кейинги оятларни ўқишимиз керак бўлади.

Биз нимадан шифо олганимиз? [13]

2. Бу оят ҳақида Янги Аҳда ҳам айтиладими? Исо Масих бу мавзуда бирон нарса ўргатганми? Шуларни ҳам билиб олишимиз керак.

1-Бутрус 2:24–25: *У гуноҳларимизни Ўзига олди, аъзои бадани ёғочда азоб чекди. Шу туфайли биз гуноҳ учун ўлганмиз ва солиҳ ҳаёт кечира оламиз. Унинг яраларидан биз шифо топдик. Илгари сизлар адашиб юрган чўпонсиз қўйларга ўхшар эдингизлар, энди эса жонларингизнинг пособони бўлган Чўпонга қайтиб келдингизлар.*

«Унинг яраларидан биз шифо топдик», дейиш билан Бутрус нимани назарда тутган эди? [14]

Исо гуноҳни касаллик сифатида ҳам таърифлаган.

Луқо 5:31–32: *Исо уларга шундай жавоб берди:*

- Соглар эмас, ҳасталар табибга муҳтождир. Мен солиҳларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман.

Исо «ҳасталар» деганда кимларни назарда тутган эди? [15]

Шундай қилиб, бу оятга қараган ҳолда, қўйидаги хulosага келамиз: Исо бизнинг танавий касалликларимизга шифо беришга ваъда бермайди. Бу оят ундан ҳам муҳимроқ нарса ҳақида гапиради. У бизга гуноҳларимиз кечирилишини ваъда беради. Ўша Кул бизнинг Худо билан муносабатларимизни абадий тиклайди!

Худо бизнинг ибодатларимизга жавоб беришни яхши кўради. Унинг ҳар нарсага қодир эканини биламиз. У шифо берганида, биз буюк тасалли топамиз.

Бугун У бизга нажотни (кечирим ва У билан янги муносабатни) ваъда қиласди. Бутунлай соғлом танани эса Янги Куддусда беришни ваъда қилган. (**1-Коринфликлар 15:42–44**)

Худо ердаги ҳаётимизда ҳар доим ҳам шифо бермаслиги мумкин. (**2-Коринфликлар 12:7–10**
Худо Павлусни шифоламади!)

Шундай қилиб, бу оятни Худо бизни шифолаши шарт дейиш учун ишлата олмаймиз.

«Унинг яраларидан биз шифо топдик» нимани англатади? [16]

Ушбу китобдан қайси оятни эслаб қолишни хоҳлайсиз? Бугун ким билан бу ҳақда бўлишмоқчисиз?

Жавоблар

- 1 – Яхудо ва Исройил.
- 2 – Улар Худога қарши исён қилдилар.
- 3 – Уларнинг шаҳарлари вайрон бўлган, ҳосили ўғирлаб кетилган эди.
- 4 – Худо уларнинг диндорлигидан нафратланади. Қубонликларини ҳам қабул қилмайди, чунки улар Худонинг қонунларига итоат қилмайдилар.
- 5 – *Қўйларингиз қонга ботгандир.* — Улар бир-бирларини ўлдирардилар! Худо бундай ёвуз одамларнинг ибодатларини эшитмайди.
- 6 – Фоҳиша каби!
- 7 – Душманлари каби!
- 8 – Чунки Унинг халқи тавба қилмади.
- 9 – Улар тавба қилишлари ва Худога қайтишлари керак.
- 10 – Худо уларни сургун қилди.
- 11 – Бу тоғларнинг энг юксаги (энг муҳими) бўлиб, барча халқлар унга келиб, Худо йўлида яшашни ўрганадилар ва ҳамма тинчликда яшайди.
- 12 – Ўлимининг сабаби бизга Худо билан тинчлик олиб келиш эди.
- 13 – Гуноҳларимиздан шифо топганмиз.
- 14 – Биз кечирилдик, чунки Исо биз учун ўлди.
- 15 – Гуноҳкорларни.
- 16 – Бизнинг гуноҳларимиз кечирилади ва бу Кул бизнинг Худо билан муносабатимизни абадий тиклайди.

25-дарс:

Нахимиё



Вазият

Исонинг туғилишидан олдинги **586** йилда Бобил Яхудия халқини мағлуб этди, маъбадни вайрон қилиб, Худонинг халқини Бобилга олиб кетди.

70 йил ўтгач, Форс империяси Бобил империяси устидан ғалаба қозонди. Бу тахминан эрамиздан аввалги **500** йил бўлган.

Форс шохи Куруш Худонинг халқига агар хоҳласалар, Қуддусга қайтиб боришлари ва маъбадни қайта тиклашлари мумкинлигини айтди.



Сургун!

2-Солномалар китоби 36:15–23 ни ўқинг.

Худонинг халқи Унинг юборган пайғамбарларига қандай жавоб берганлар? [1]

Яхудо халқига нима бўлди? [2]

Маъбаддаги ашёларга нима бўлди? [3]

Маъбадга нима бўлди? [4]

Куддус деворларига нима бўлди? [5]

Худонинг шаҳрини қайта қуриш

Эзра китобида ёзилганидек, сургундан кейин Худонинг халқидан баъзилари Куддусга қайтиб келиб, иккинчи Маъбадни қурганлар.

Нахимиё китобида эса бундан кейин содир бўлган воқеаларни ўқиймиз. Бу Исонинг туғилишидан олдинги **445-йилларга** тўғри келади.

Нахимиё китобининг биринчи бобини ўқинг.

Нахимиё нимани эшитди? (**3-оят**) [6]

Нахимиё нима учун қаттиқ хафа бўлди деб ўйлайсиз? (**4-оят**) [7]

Бу вазиятда гўёки Яхудонинг Худоси кучсиз ва шунинг учун Ўз халқини ҳимоя қила олмаётгандек кўринади.

Нахимиё Худо ҳақида нималарни биларди? (**5-оят**) [8]

Нахимиёнинг ибодатида ҳайратланарли нарса нима эди? (**6–7-оятлар**) [9]

Нахимиёнинг Масихга ўхашаш тарафи бор эди. У ўзи айбдор бўлмаса ҳам, халқнинг айб-гуноҳлари учун уяларди. У бу гуноҳларга худди ўзининг гуноҳларидек муносабат кўрсатди. Ишаё китоби 53:5–6 да Эгамизнинг Кули ҳақида ҳам шу нарсаларни ўқиймиз.

Нахимиё Тавротдан нимани билар эди? (**8–9-оятлар**) [10]

Бу ишларнинг барини Худо қилганини Нахимиё кўриб турарди, бироқ булар етарли эмасди. Худога ҳали ҳам эҳтиром кўрсатилмаётганди.

Нахимиё яхши ва обрўли ишга эга бўлиб, унинг ҳаёти қулай ва сокин эди. У Куддусда бўлиб ўтаётган нарсалар ҳақида қайғурмаса ҳам бўларди. Лекин, бошқа томондан, Худо уни Қуддус шаҳрини, айниқса деворларини қуриш учун ишлатишни хоҳлаётганини биларди. Куддус — Худонинг шаҳри, Худо Ўз халқи орасида — Маъбадда улар билан бирга яшашни ваъда қилган шаҳар эди (1:9).

Худди шунга ўхшаб, ҳаётингизнинг яхши эканини ва ҳозир қаерда бўлсангиз ўша ерда доимий колишингизни ўйлаш осон. Аммо, агар бошқа шаҳарга ишлагани кетган бўлсангиз, шуни эсда тутингки, Худо сизни ўз юрtingизда имонлилар жамоатини очиш учун ишлатишни хоҳлайди!

Нахимиё нафақат вайрон бўлган шаҳарни қайта курди, балки Худонинг вайрон бўлган халқини қайта тиклашга ҳам хисса қўшди.

Улар қай тарзда вайрон бўлишганди? [11]

Улар тушкунликка тушгандилар.

Шундай қилиб, Нахимиё шаҳар деворларини ва халқнинг Худога бўлган имонини қайта тиклаш учун Худонинг халқига раҳбарлик қилиб, Куддусга томон йўл олди.

Яхши раҳбар

Нахимиё китобининг тўртинчи бобини ўқинг.

Нахимиё халқни қандай етаклаб боргани ҳақида нималарни биламиз? Унинг ўз халқига қандай раҳбарлик қилганига оид 7 та далил келтириング. [12]

1.

2.

3.

4.

5.

6.

7.

Яхши раҳбар бўлиш осон иш эмас. Қуддус деворларини қайта қуриш даври мобайнида Нахимиё ҳар турли муаммоларга, пўписа ва ҳақоратларга дуч келди. Аммо Худо унга халқни бошқаришга ёрдам берди, шунда иш давом этди ва якунланди!

Девор ҳақида нимани ўқиймиз? (**6:15**) [13]

Нахимиё нафақат шаҳар ҳақида, балки одамларнинг Худо билан муносабати ҳақида ҳам қайғуради.

Эзра нима қилди? (**8:1–3**) [14]

Одамлар нима қилишди? (**10:28–29**) [15]

Бу Худонинг халқи учун янги бир бошланғич эди! Улар Худонинг сўзини тингладилар ва Унга итоат қилишга ваъда бердилар.

Нахимиё бугун ҳам жамоат йўлбошчилари учун ажойиб намунадир!

Эски Аҳднинг охири

Бу давр Эски Аҳднинг деярли охири эди.

Ибтидо китоби 12:1–7 да Худо Иброҳимга нималарни ваъда қилган эди? [16]

Эски Аҳднинг охирига келиб, Худо Иброҳимга берган ваъдаларини қай даражада амалга оширганди? [17]

Муаммо нимада? [18]

Илгари Худонинг халқи кучли эди, сон жиҳатдан ҳам кўп ва ўз юртига эга эдилар. Энди эса улар ожиз, сони ҳам анча камайиб кетган ва бегона шоҳнинг қўли остидалар.

Худонинг халқи умидни қаердан топа олади? [19]

Муқаддас Битикларни ўқиганлар умид борлигини билардилар. Улар бир кун келиб, Худо Масихни юборишини тушунардилар. Масих келганида эса:

- уларнинг юракларини ўзгартиради (Ҳизқиёл 36:26)
- гуноҳларидан куткаради (Ишаё 53:5 ва 6)
- ва барча халқлар устидан абадий ҳукмронлик қиласи (Дониёр 7:13–14)

Масих олиб келадиган умид қанақа? [20]

Масих Худонинг Иброҳимга берган ваъдаларини амалга оширади!

Эски Аҳд бизни Янги Аҳдга қандай хозирлашини тушунтириб бера оласизми?

Жавоблар

- 1 – Улар пайғамбарларга қулоқ солмадилар.
- 2 – Ўлдирилди ёки сургунга олиб кетилди.
- 3 – Бобилга олиб кетилди.
- 4 – Ёниб кул бўлди.
- 5 – Бузиб ташланди.
- 6 – Асирикни бошдан ўтказиб, Яхудо вилоятига қайтиб келган яхудийлар оғир қайғу ва шармандалик ичидаги эдилар: Қуддуснинг девори вайрон бўлиб кетган, дарвозалари эса ёқилганди.
- 7 – Худонинг шахри вайрон қилинган, одамлар эса Худони хурмат қилмайдилар.
- 8 – «Эй Самовий Худо — Эгам! Сен буюк ва ҳайбатли Худосан. Сени севиб, амрларингга риоя қилган бандаларингга аҳдингни содик сақлайсан.»
- 9 – Унинг ўзи Худога садоқатсизлик қилмаган бўлса ҳам, «улар» деб айтмай, «биз» деб Худога ибодат қиласди.
- 10 – Худо йўз халқини агар содик қолмасалар, жазолаши ҳақида огоҳлантирганини Нахимиё биларди. Худо йўз халқини сургундан қайтариб олиб келишни ваъда қилганини ҳам биларди.
- 11 – Улар гуноҳлари боис сургун қилингандилар. Қайтиб келган бўлсалар-да, Худонинг шахрини қайта қурмадилар ва Худони улуғламадилар.
- 12 – 1) Нахимиё ўзига қарши чиққанларга қулоқ солмади.
2) Худога ибодат қиласди.
3) Оқилюна амалий қарорлар қабул қиласди (эркакларнинг ярми ишлар, қолган ярми эса ишлаётганларни қўриқларди).
4) Одамларга ёрдам керак бўлиб қолса, нима қилиш кераклигини режалаштири (кимгадир ёрдам керак бўлса, карнай чалинарди).
5) Одамларга Худонинг кимлигини эслатиб, далда берарди.
6) Ўзига мақтов изламади, Худонинг номи улуғланишини истади (1:11 га ҳам каранг).
7) Йўз қўллари билан меҳнат қилиб, яхши ўрнак бўлди.
- 13 – Девор 52 кун ичидаги битказилди!
- 14 – Таврот китобини халққа ўқиб берди.
- 15 – Худога итоат қилишга сўз беришди.
- 16 – Халқ, ер ва у орқали барча одамлар баракаланишини.
- 17 – Худо Иброҳимнинг авлодларидан катта халқ вужудга келтирди, уларга ер берди ва бошқа халқларга нур бўлишлари учун мукаммал қонунлар берди.
- 18 – Худонинг халқи бегона худоларга сажда қилиб, Худонинг амрларига бўйсунмаганлари учун ҳамма нарсани барбод қилдилар.
- 19 – Худонинг Каломига!
- 20 – Уларнинг юракларини ўзгартирали (Хизқиёл 36:26).
Уларни гуноҳларидан кутқаради (Ишаё 53:5–6).
Ва барча халқлар устидан абадий хукмронлик қиласди (Дониёр 7:13–14).

26-дарс:

8 та расмда Муқаддас Китобдаги тарихий ҳикоялар

Муқаддас Китоб тарихини кўриб чиқиш учун ушбу расмлардан фойдаланамиз. Бу расмлар ёрдамида Муқаддас Китобни тўлиқ тушунтириб бера оламиз.



Аввало, биринчи расм хақида ўқиймиз. Кейин гурухдан бир киши ўқимасдан ушбу маълумотни такрорлаб айтиб бериши керак. Кейин эса иккинчи расм хақида ўқиймиз ва яна кимdir уни такрор айтиб беради. Шу тарзда охирги расмгача давом этамиз. Охиригача боргандан кейин, яна кетма-кет, лекин бу сафар ўқимасдан, 8 та расм хақида такрорлаб айтиб берамиз.



1. Яратилиш

Худованд ҳамма нарсани яхши қилиб яратди. У дастлабки одамлар — Одам Ато ва Момо Ҳаво билан Адан боғи деб аталган гўзал боғда вақт ўтказар эди.



2. Гуноҳнинг пайдо бўлиши

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоат қилмай, шайтоннинг гапига кирдилар. Шундай қилиб, улар Худонинг марҳаматидан ва абадий ҳаётдан маҳрум бўлдилар. Расмдаги кўрсаткич (стрелка) Худо уларни Ўз ҳузуридан ва Адан боғидан ҳайдаб юборганини кўрсатади.

Үшандан бери одамлар Худо билан яна алоқа ўрнатишни орзу қиладилар.



3. Ваъда

Худо Иброҳимга ваъда бериб, уни Ўзи учун танлайдиган **халқ**нинг отаси қилишини айтди. Худо Иброҳимга ўша халқ учун (Ўзи уларнинг орасида улар билан бирга бўлиш учун) бир **юрт** ваъда қилди. Худо яна Иброҳимга барча халқларни у орқали **баракалашини** ваъда берди.

Расмдаги тож Худонинг Ўзи уларнинг яхши Шоҳи бўлишини ифодалайди. Камалак эса Худо Ўз ваъдаларига содик эканини билдиради (Ибитдо 9:13–16). Унга ҳар доим ишониш мумкин!



4. Чиқиш

Худонинг халқи бегона юртга — Мисрға кетдилар ва у ерда қул бўлдилар. (Пирамидалар Мисрни ифодалайди).

Кўрсаткич белгиси (стрелка) Худо Ўз халқини Миср қуллигидан халос қилганини англатади.



5. Ўлка

Худо Ўз халқини ваъда қилинган юртга олиб келди. Улар ўша юртда яшайдиган ўта ёвуз канъонликларни мағлуб этдилар.

Худо Ўз халқини баракалади. Лекин улар бегона худоларга сигиниб кетдилар. Худо уларни кўп маротаба огохлантирди ва охири бошқа юртга сургун қилди. Кейин Худо уларни ваъда қилинган юртга қайтариб олиб келди, лекин улар ҳалиям Худонинг қонунларига бўйсунмай, гуноҳ қилишда давом этавердилар.

Уларни гуноҳларидан халос қиладиган Кутқарувчи керак эди. Уларни тўғри бошқарадиган Шоҳ керак эди. Худо вакт-соати келганда ўша зотни, яъни **Масихни** юборишни ваъда қилди.

Уларнинг ҳаммаси ҳам Худони унутиб юбормаган эди. Исо дунёга келганида, Яхудия Рим империясининг бир қисми эди. Худога содик одамлар Худо юборишни ваъда қилган Кутқарувчини ва Шоҳни ҳалиям кутиб яшаётгандилар. **Масалан, Шимўн ва Ҳанна** (Луқо 2:25–38).



6. Исо Масих

Худо Нажоткор юбориш ҳақидаги ваъдасининг устидан чиқди! **Масих** Исо хочда гуноҳларимиз учун бир марта ва абадий қурбон бўлиш учун келди. Кейин У ўлимдан тирилди. Бу эса Исо ўлимни енгганини кўрсатади! Шундай экан, биз яна Худо билан яраша оламиз.



7. Исонинг қайта келиши

Хозир Исо самода.

Кўрсаткич белгиси Исо дунёга якун келтириш ва барчани қилмишига яраша хукм қилиш учун қайтиб келишини билдиради.



8. Самовий Ватан

Шундан кейин биз ваъда қилинган, янги ва боқий юртда — Самовий Ватанда Худо билан бирга яшаймиз!

Эски Аҳд бизга нима учун Қутқарувчига муҳтоҷ эканимизни кўрсатади. Эски Аҳд барчамизнинг гуноҳкор эканимизни очиб беради. Бизнинг юракларимиз ёвуз ва бузилган!

Худони яхшироқ таниб билишимиз учун Эски Аҳдни ҳам, Янги Аҳдни ҳам, яъни бутун Муқаддас Китобни тўлиқ ўқишимиз жуда муҳим.

Бу ҳафта мана шу расмлар ҳақида айтиб беришингиз мумкин бўлган бирон кишини Худо юборсин, деб бир-бирингиз учун ибодат қилинг.

27-дарс:

Худо бу дунёга Инсон қиёфасида келди



Матто билан Луқо Хушхабар китобларининг бошида Исонинг туғилиши ҳақида ёзганлар.

УНИНГ ОТА-ОНАСИ

Матто 1:18–25 ни ўқинг.

18-оятда сиз учун ҳайратланарли бўлган нимани кўрдингиз? [1]

Бу тарихда фақат бир бор содир бўлган нарса!

Унинг онаси инсон эди, лекин жисмоний отаси йўқ эди. Бу — Худонинг мўъжизаси. Исо 100 фоиз инсон ва 100 фоиз Худо эди. Исо ер юзига келган Худонинг Ўзидир!

Хушхабар китобларида Исонинг ҳақиқатан инсон бўлганига доир қандай далиллар кўрамиз?
Куйидаги оятларга қаранг:

Матто 21:18, Юҳанно 19:28, Юҳанно 4:6, Марк 4:38, 11:35, Юҳанно 19:34, Юҳанно 19:33 [2]

Хушхабар китобларида Исонинг ҳақиқатан Худо бўлганига доир қандай далиллар кўрамиз?
Куйидаги оятларга қаранг:

Марк 1:33–34, Марк 5:41–42, Марк 6:48, Марк 4:39 [3]

Исонинг бокира қиздан туғилгани ҳақидаги факт бизга Исо ҳақида нимани айтади? [4]

Ишаё 7:14 да, Ишаё пайғамбар нимани башорат қиласынан көрсөткөн болады? [5]

Худо Исонинг туғилишидан юзлаб йил олдин Масихнинг бокира қиздан туғилишини ваъда қиласынан көрсөткөн болады!

УНИНГ ТУҒИЛГАН ЖОЙИ

Луқо 2:1–20 ни ўқинг.

Исонинг ота-онаси қаерда яшарди? [6]

Исо қаерда туғилди? (4–6-оятлар) [7]

Агар ота-онаси Носирада яшаган бўлса, Исо нима учун Байтлаҳмда туғилди? [8]

Муқаддас Китобда яна ким Байтлаҳмда туғилган? (**1-Шоҳлар 17:12**) [9]

2-Шоҳлар 7:12–13,16 да Худо Довудга нимани ваъда қиласынан көрсөткөн болады? [10]

Матто 1:1–16 да Исонинг насабномаси ёзилган. 6-оятда қайси аждодларининг исмлари берилган? [11]

Кўп йиллар давомида Довуд наслидан шоҳ чиқмаган.

Луқо 2:10–11 да фаришталар чўпонларга нима дейишиди? [12]

Мико китоби 5:2 да Мико пайғамбар қандай башорат қиласынан көрсөткөн болады? [13]

Исонинг қаерда туғилгани нима учун аҳамиятли? [14]

Хатто туғилган жойи ҳам Исонинг Масих эканининг исботидир!

Исо бизга ўрнак!

Ибронийларга мактуб 4:15 ни ўқинг.

Исонинг инсон бўлгани сизни қандай рухлантиради? [15]

Исо дунёда яшаган барча одамлардан нимаси билан фарқ қилади? [16]

У инсон бўлиш қанчалик қийинлигини тушунишда давом этмоқда. Аммо Унинг ҳаёти биз учун мукаммал ўрнакдир.

Исонинг хислатларини **Галатияликларга мактуб 5:22–23-оятлардаги** Муқаддас Рухнинг самаралари рўйхатида кўриш мумкин. Исонинг табиати қанақа бўлган? [17]

Исога эргашганимизда, тобора Унга ўхшаш бўлиб борамиз. Одамлар сизнинг ҳаётингизда Исонинг борлигини кўра олишадими? Ҳаётингизнинг қайси соҳаларида ўзгаришингиз учун Исодан ёрдам сўрашингиз керак?

Жавоблар

- 1 – Марям бокира қиз бўлишига қарамай, Муқаддас Рух орқали ҳомиладор бўлди.
- 2 – Қорни очди, чанқади, чарчади, ухлади, йиглади, кони оқди ва охири ўлди.
- 3 – Жинларни қувиб чиқарди, хасталарга шифо берди, ўликларни тирилтириди, сув устида юрди, бўронни тинчтиди.
- 4 – У тўлиқ одам эди ва тўлиқ Худо эди!
- 5 – Бокира қиз ҳомиладор бўлиб, ўғил тугади ва Унинг исмини Иммануил қўяди. Иммануил «Худо биз билан» деган маънони билдиради.
- 6 – Носирайлик.
- 7 – Байтлаҳмда.
- 8 – Чунки Унинг ота-онаси ахоли рўйхатидан ўтиш учун Байтлаҳмга боришлари керак эди.
- 9 – Шоҳ Довуд.
- 10 – Худо Ўз Ўғлининг тахтини абадий мустаҳкам қилади. Довуд наслидан бўлган Шоҳ тахтда абадий ўтиради.
- 11 – Эссай, шоҳ Довуд ва шоҳ Сулаймон.
- 12 – *Бугун Довуд шаҳрида сизлар учун Нажоткор тугилди. У Масихдир!*
- 13 – Улуғ Ҳукмдор Байтлаҳмда туғилиши керак эди.
- 14 – Чунки бу жой Худо *Масихнинг туғилишини айтган жой* эди.
- 15 – У бизнинг ожизликларимизни ва васвасаларимизни тушунади.
- 16 – Исо бирон марта ҳам гуноҳ қилмаган!
- 17 – У муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тута билиш каби хислатларга тўла бўлган.

28-дарс: Масих



Масих Ўз хизматини бошлайди

Марк баён этган Хушхабар китоби Исонинг ҳаёти ҳақида ёзилган тўртта Хушхабарнинг биринчиси эди.

Биринчи бобда нималар содир бўлганини кўриб чиқайлик.

Марк 1:1: Марк Исони ким деб айтади? [1]

Марк 1:11: Исо сувга чўмдирилганида, Худо Уни нима деб атаган? [2]

Марк 1:16–20: Исо бу одамларга «Ортимдан юринглар», деб айтганида, улар нима қилишди? [3]

Марк 1:22: Одамлар Исонинг таълимоти ҳақида қандай фикрда бўлганлар? [4]

Марк 1:24: Ёвуз рух Исони ким деб атаган? [5]

Марк 1:25–26: Исо ёвуз рухга одамдан чиқиб кетишни буюрганида нима бўлди? [6]

Марк 1:32–34: Исо нима қилди? [7]

Биринчи бобдаёқ Исонинг қилган ишлари Унинг ҳақиқатан Худонинг йўғли — Масих эканини ислотлаганини кўрамиз!

Исо Ўзи катта бўлган шахарга келганида, у ерда нималар содир бўлганини Луко Хушхабарининг тўртинчи бобида ўқиймиз.

Эски Аҳдда тасвиrlанган Одам

Луқо 4:14–21 ни ўқинг.

Эски Аҳд даврида Худонинг халқи кимни кутаётган эди? [8]

У нима қилади? (**Ибтидо 3:15**) [9]

У яна нима қилади? (**Ибтидо 12:3**) [10]

Ушбу парчада, ўша ердаги одамлар Исонинг Ўз шаҳрига қайтиб келганидан ҳаяжонланишади. Нима учун? [11]

Кейин улар шанба куни яхудийларнинг синагогасида тўпланишди. Улар Исодан уларга таълим беришини сўрадилар.

Исо қайси пайғамбарнинг китобидан ўқиди? [12]

Бу парча Муқаддас Рухга эга бўлган ва ажойиб ишларни қилиш учун Худо томонидан мойланган қиши ҳақида гапиради.

Эски Аҳдда қандай ҳолатларда одамларнинг бошига мой суртилган? [13]

Худонинг мойлангани бўлиш Худо уни алоҳида вазифага тайин этганини билдиради. Ишаё башорат қилиб, бир кун Худонинг Мойлангани келишини ва Ў келганда, бошқа ҳеч ким бажара олмайдиган маҳсус вазифани бажаришини айтган эди.

Луқо 4:18–19 да, Бу ерда Худонинг мойлангани тўрт хил йўл билан тасвиrlанган инсонлар учун келиши айтилади. Улар кимлар? [14]

1.

2.

3.

4.

Исо бу сўзлар билан нимани назарда тутгани ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Йўқсиллар

Исо Хушхабар китобларининг яна иккита жойида йўқсиллар/камбагаллар ҳақида гапиради.

Луко 6:20–21: «Эй камбагаллар, сизлар баҳтлисиз!
Худонинг Шоҳлиги сизларни кидир.
Эй ҳозир оч бўлганлар, баҳтлисиз!
Сизлар тўйк бўласизлар.
Эй йиғлаётганлар, баҳтлисиз!
Сизлар қувониб куласизлар.»

Матто 5:3: Руҳан камбагал бўлганлар баҳтлидир,
Чунки Осмон Шоҳлиги уларни кидир.

Унда, Хушхабар китобларида, камбагаллар/йўқсиллар кимлар? [15]

Кўпинча айнан камбагаллар Худога муҳтоҷ эканликларини бойлардан кўра кўпроқ англаб етадилар!

Зиндондагилар

Эски Аҳдда кўрамизки, Худонинг халқи гуноҳ қилишдан ва Худога қарши исён кўтаришдан тўхтамаган. Улар озод эмасдилар, хар доим гуноҳга қул бўлганлар.

Хўш, ким уларни «зиндон»га ташлаган? [16]



Аммо Ишаё айтиётган Одам уларни ҳақиқатан озод қиласди! У уларни иблиснинг қўли остидан ва гуноҳдан кутқаради!

Кўрлар

Юханно 9-бобда Исо кўрни шифолайди. 39-оятда У нима дейди? [17]

Унда кўрлар кимлар? [18]

Улар ўзларини яхши одам деб ўйлайдилар. Исо эса уларга гуноҳкор ва Худога қарши исёнкор эканликларини кўрсатди.

Асиrlар

Агар сизга зулм қилишса, бу нимани билдиради? [19]

Кимлар золим подшоҳнинг қўли остида азоб чекади? [20]

Кимдир уларни озод қилмагунча, ҳамма шайтоннинг ҳукмронлиги остида азоб чекади. Шайтон золим подшоҳдир!

Йўқсиллар кимга муҳтоҷ? [21]

Гуноҳга қул бўлганлар кимга муҳтоҷ? [22]

Кўрлар кимга муҳтож? [23]

Асиrlар кимга муҳтож? [24]

Исо уларга 21-оятда нима деди? [25]

Узоқ кутилган Қутқарувчи ва Масих келди!

Худо Ўзининг Иброҳимга берган ваъдаларини амалга оширди!

Исо — Худо ваъда қилган Одам!

Исо Ўзининг ким эканини бизга исботлаш учун кўп мўъжизалар кўрсатди, кўплаб хасталарга шифо берди.

Лекин У бизга мўъжизалардан ҳам аълороқ нарсани бериш учун келди. У бизни гуноҳ, ўлим ва шайтондан озод қилиш учун келди!


Бу энг ажойиб хушхабар эди!

Исо нима учун келди? [26]

Халқ Уни қабул қилдими?

Луқо 4:28–30 ни ўқинг.

Одамлар Исонинг ваъзига қандай муносабат кўрсатиши? [27]



Бу дунё иккига, яъни Худонинг Ўғлини яхши кўрадиганларга ва Ундан нафратланадиганларга бўлинган. Исони севганимиз учун одамлар биздан нафратлансалар, ҳайрон бўлмаслигимиз керак.

Агар Исо Худо ваъда қилган Нажоткор бўлса, У ҳамма нарсага арзийди, ҳатто инсонларнинг биздан нафратланишига ҳам.


Исо ким? Бугун У ҳақида нималарни билиб олдик?

Жавоблар

- 1 – Масих, Худонинг Ўғли.
- 2 – *У севикли Ўглимдир, Ундан мамнунман.*
- 3 – Улар ҳамма нарсани қолдириб, Исонинг ортидан эргашдилар.
- 4 – Улар Исонинг таълимотидан хайратда қолганлар.
- 5 – *Сен Худонинг Азизисан.*
- 6 – Одамни тарк этди.
- 7 – Кўп bemорларни шифолади, жинларни қувиб чиқарди.
- 8 – Улар Нажоткор Масихни кутганлар.
- 9 – Шайтонни енгади.
- 10 – Жамики халқларни баракалайди.
- 11 – Чунки улар Исо ҳақида ва қылган мўъжизалари ҳақида кўп эшитгандилар.
- 12 – Ишаё пайғамбарнинг китобидан ўқиди (61-боб).
- 13 – Кимнидир шоҳ ёки олий руҳоний килиб тайинлашганида.
- 14 – 1) Йўқсиллар,
2) зиндондагилар,
3) кўрлар,
4) асирлар.
- 15 – Бу уларнинг пули йўқ деган маънони билдиrmайди, балки Худога муҳтоj эканликларини тушунган одамлар маъносини билдиради. Улар камтарин одамлар.
- 16 – Иблис.
- 17 – *Кўрлар кўрсинг, кўзи очиқлар эса кўр бўлсин деб, Мен бу дунёни ҳукм қилгани келганман, — деди Исо.*
- 18 – Худонинг кечириимига муҳтоj эканларини билмайдиган одамлар.
- 19 – Демак, сиз золим подшоҳнинг кўли остида азоб тортяпсиз.
- 20 – Барча одамлар!
- 21 – Уларга ҳақиқий бойликни берадиган Зотга.
- 22 – Уларни шайтон қуллигидан озод қиласиган Зотга.
- 23 – Гуноҳкор эканликларини кўриш учун кўзларини очадиган Зотга.
- 24 – Уларга яхши подшоҳ керак.
- 25 – *Сизлар эшитган бу калом шу бугун бажо бўлди.*
- 26 – У бизни гуноҳ, ўлим ва шайтондан қутқариб, озод қилгани келди!
- 27 – Одамлар Унга ишонмадилар. Унинг айтганларини қабул қила олмадилар. Уни ўлдиришга харакат қилдилар!

29-дарс:

Даҳшатли фожиами ёки Худонинг режаси амалга ошдими?



Исонинг ўлими даҳшатли фожиа бўлганми? У шунча кўп яхшиликлар қилаётиб, бевақт ўлим кўрди.

Баъзи одамлар Исо хочда ўлмаган, одамларнинг кўзига шундай кўринган, дейишади. Яна баъзилари эса аслида Унинг ўрнида бошқаси бўлган, Худо ўша одамни Исога ўхшатиб қўйган, дейишади. Бироқ буларнинг хеч бири Худонинг хислатлари ҳакида биз билган нарсаларга тўғри келмайди. Худо одамларни алдамайди! Исо Ўзининг ўрнида бошқа бировнинг ўлишига қараб турармиди?

Яна баъзилар Исони хочдан туширишганида аслида ҳалиям тирик бўлганини, ўлмаганини ва салқин қабрда ўзига келганини айтишади. Бироқ биламизки, римликлар одам ўлдиришда моҳир бўлганлар. Улар бировнинг ўлган ёки ўлмаганлигини аниқ ажратса олишган. Бирор киши хочда қатл этилганида, унинг жон берган ёки бермагани аниқ бўлган. Чунки нафас ола олиш учун инсон гавдасини кўтариши керак. Хочда ўлаётганда эса нафас олиш учун гавдасини қайтиб кўтаролмаган. Хочга михлаш ҳозиргacha ўйлаб топилган энг шафқатсиз ўлим жазоси бўлган.

Юханно 19:34 ни ўқинг. Аскар Исонинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун нима қилди? [1]

Исонинг ўрнига бошқаси ўлган, Худо уни Исога ўхшатиб қўйган, дейдиган одамларга қандай жавоб беришимиз мумкин? [2]

Исо аслида хочда ўлмай қолган, қабрга қўйилгандан кейин ўзига келган, дейдиган одамларга қандай жавоб бера оламиз? [3]

Исо шогирдларига Ўз ўлими ҳақида айтди

Шунингдек, Исо Ўзининг қандай ўлишини аниқ билган.

Луқо 9:18–20 ни ўқинг.

Исо кўпгина мўъжизалар кўрсатиб, ҳеч кимникига ўхшамаган ҳокимият билан халқقا таълим бергандан кейин, шогирдларига савол берди. Улардан нимани сўради? (20-оят) [4]

Бутрус қандай жавоб берди? [5]

Яхудия ўша даврда Рим империясининг бир қисми бўлган. Исонинг шогирдлари Унинг шоҳ бўлишини ва уларни шафқатсиз римликлардан озод қилишини хоҳлардилар.

Луқо 9:21–22 ни ўқинг.

Исо Ўз шогирдларига нима деди? [6]

Бу қандай бўлиши мумкин? Агар Исо ўлдириладиган бўлса, қандай қилиб ғолиб шоҳ бўла олади? Шогирдлар учун бу нарсани қабул қилиш шунчалик қийин эдики, Исо уларга буни уч марта айтишига тўғри келди. (Луқо китоби 9:44–45 ва 18:31–34).

Шогирдлар Исони Худо Ўз халқига юборишга ваъда қилган шоҳ эканини англаб етгандилар. Аммо Унинг қанақа шоҳ бўлишини англамагандилар. Улар ваъда қилинган Шоҳ азоб чекиши кераклигини тушунмасдилар.

Эски Аҳдда Масиҳнинг ўлими ҳақида жуда кам айтилган. Пайғамбар башоратларининг аксарияти Унинг қудрати ва Худонинг халқига нажот келтириши ҳақида айтади.

Масалан, **Забур 2:6–8** ни ўқинг.

Худо Ўзи танлаган шоҳга нима беради? [7]

Луқо 9:21–22 да Исо дунёга нима мақсадда келганини айтди. У нима деди? [8]

Нега шогирдлари учун Исонинг ўлдирилишини тушуниш бунчалик қийин бўлган? [9]

Бу нарса одамни ҳайратга солади!

Эски Аҳдаги қурбонликлар бизни Масиҳнинг ўлимига тайёрлайди

Қурбонликлар ҳақидаги дарс эсингиздами? Нима учун Худонинг халқи қурбонликлар келтириши керак эди? [10]

Ибронийларга мактуб 10:1–4 ни ўқинг.

Одамларнинг Эски Аҳдда қилган қурбонликларида қандай муаммо бор эди? [11]

Қурбонликларнинг қандай фойдаси бор эди? (3-оят) [12]

Бизга гуноҳларимиздан бутунлай ва абадий тозалайдиган қурбонлик керак.

Эски Аҳддаги башоратлар бизни Исонинг ўлимига тайёрлайди

Эски Аҳддаги қайси башоратлар бизга Масихнинг ўлиши кераклиги хақида айтади? [13]

Ишаё 53:5–6 ни ўқинг.

Исо келишидан юзлаб йиллар олдин, Худо Ишаё пайғамбар орқали нима деди? [14]

Забур 21:15–19 ни ўқинг.

Бу сизга нимани эслатади? [15]

Хочга михлаш жазоси ихтиро қилинишидан юзлаб йиллар олдин ёзилган Забур 21 да аслида хочдаги ўлим тасвирланган. Биз энди биламизки, бу сўзлар Масих ҳақидаги башорат бўлган.

Масихнинг ўлими энг бошданоқ Худонинг режаси эди!

Худонинг адолатли режаси

Римликларга мактуб 3:21–26 ни ўқинг.

Исога ишонганиларга Худонинг солиҳлиги берилганига нима гувоҳлик беради? (**21–22-оятлар**) [16]

Биз қандай кутқарилдик? (**23–25-оятлар**) [17]

Исонинг ўлими гуноҳларимизнинг тўловини тўлаш ва кечирилишимиз учун ягона мукаммал қурбонлик эди! Абадий ҳаётга эга бўлишнинг бошқа йўли йўқ!

Римликларга мактуби 6:23 ни ўқинг.

Гунохнинг оқибати нима? [18]

Бироқ, Худо бизга нима беради? [19]

Дунёдаги энг ажойиб хабар будир!

Шундай қилиб, бугун нимани ўргандик?


Исо нима учун келди? Худо нима учун Масиҳни юборди?

Жавоблар

- 1 – Исонинг биқинини найза билан тешди.
- 2 – Бироқ бу Худонинг хислатлари ҳақида биз билган нарсаларга тўғри келмайди. Худо одамларни алдамайди! Исо Ўзининг ўрнида бошқа бировнинг ўлишига қараб туармиди?
- 3 – Риммилклар одам ўлдиришда моҳир бўлганлар. Улар бировнинг ўлган ёки ўлмаганлигини аник ажратса олишган. Бирор киши хочда қатл этилганида, унинг жон берган ёки бермагани аник кўриниб турган. Чунки нафас ола олиш учун инсон гавдасини кўтариши керак. Хочда ўлаётганда эса нафас олиш учун гавдасини қайтиб кўтаролмаган.
- 4 – «Сизлар-чи, Мени ким деб биласиз?»
- 5 – Сиз Худо юборган Масиҳсиз! Эски Аҳдда Худо ваъда қилган Масиҳ!
- 6 – У ўлдирилади, аммо учинчи куни қайта тирилади.
- 7 – Бутун дунёни!
- 8 – Исо ўлиш ва кейин қайта тирилиш учун келганини айтди.
- 9 – Агар Исо ўлдириладиган бўлса, қандай қилиб ғолиб шоҳ бўла олади?
- 10 – Худо муқаддас бўлгани учун, Унга қарши исён қилганларни жазолаши керак. Қонунсиз иш қилганимизда, гуноҳ қилганимизда, Худога қарши исён қилган бўламиз. Ўз шоҳига хиёнат қилган киши ўлимга лойиқ бўлганидай, биз ҳам гуноҳларимиз учун ўлимга лойиқмиз. Бироқ Эски Аҳдда Худо Ўз халқига иноят кўрсатиб, курбонлик келтириш орқали гуноҳларига кечирим олишга имконият берган. Фақатгина қони бизнинг гуноҳларимизни қоплай олади.
- 11 – Ҳайвон курбонликлари бизни Худо олдида оқлаш учун етарли эмас.
- 12 – Улар гуноҳларимизни эсга солиб туради. Улар одамларга гуноҳлари ўлимга лойиқ эканини кўрсатиб турган.
- 13 – Ишаё пайғамбарнинг китоби 53:5–6.
- 14 – Худо Масиҳ бизнинг гуноҳларимиз учун қурбонлик сифатида ўлишини айтди. У барча гуноҳларимизни олади!
- 15 – Исонинг хочга михланишини.
- 16 – Таврот ва Пайғамбар китоблари.
- 17 – Исонинг курбонлиги орқали.
- 18 – Ўлим.
- 19 – Абадий хаёт!

30-дарс:

Исонинг қайта тирилиши ва осмонга кўтарилиши



Исонинг қайта тирилиши

Луқо 24:1–12 ни ўқинг.

Исонинг шогирдлари ва Унга эргашган аёллар Исонинг қайта тирилишига умид қилмаганлар. Улар ҳатто Исонинг тирилишини кутмаган ҳам эди!

Аёллар нега Исонинг қабрига кетдилар? [1]

Уларни нима ҳайратга солди? [2]

Фаришталар аёлларга нима деди? (5–7-оятлар) [3]

Исо шогирдларини олиб Қуддус томонга кетаётганида, Ўзининг хочда ўлдирилишини, лекин учинчи куни қайта тирилишини одиндан айтган эди (Луқо 9:22). Бу улар учун кутилмаган нарса бўлмаслиги керак эди!

Исонинг ўлимдан тирилганига қандай ишонч ҳосил қилишимиз мумкин?

- Агар жасад ўғирлаб кетилган бўлса, у ҳолда кафан ҳам қабрда қолмаслиги керак эди. Жасадни олиб, кафанни ташлаб кетмаган бўлишарди (Луқо 24:12).
- Римлик ва яхудий раҳбарлар Исонинг қайта тирилмаганини исботлаш учун Унинг жасадини кўрсатишлари керак эди. Лекин улар жасадни топа олмаганлар.

- 40 кун мобайнида Исо кўплаб одамларга кўринган. Қанчадан-қанча гувоҳлар бор эди! (1-Коринфликлар 15:3–8)

Исо ўлиқдан тирилганига қандай учта далил орқали ишонч ҳосил қила оламиз? [4]

- 1.
- 2.
- 3.

Луко 24:36–43 ни ўқинг.

Исо ҳали ҳам жисмоний танага эга эканини кўрсатиш учун нима қилди? [5]

Бироқ қайси нарса Исодаги ўзгаришни кўрсатар эди? [6]

Қайси жиҳатдан Исонинг танаси тирилганидан кейин ўзгармаган? Қайси жиҳатдан ўзгарган? [7]

Исонинг тирилиши бизга нимани кўрсатади?

1. Исо ўлимни енгди! У ўлди ва қайта тирилди.

Масиҳ ўлим кучини йўқ қилди! (2-Тимўтий 1:10)

2. Исо шайтонни енгди! О одамларни шайтон қуллигидан озод қила олади!

Ўзининг ғолибона юришида уларнинг тутқун эканлигини намойши этиб, шарманда қилди. (Колосаликларга мактуб 2:15)

3. Исо гуноҳларимизнинг эвазини тўлади ва Худо буни қабул қилди!

Масиҳнинг тўкилган қони орқали Худо бизни кечириб, гуноҳларимиздан озод қилди. (Эфесликларга мактуб 1:7)

4. Исо Масиҳ Унга имон келтирганларга абадий ҳаёт беради!

Зоро, Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин. (Юханно 3:16)

Бу энг ажойиб хабар!

Исонинг қайта тирилиши бизга қандай тўртта нарсани кўрсатади? [8]

1.

2.

3.

4.

Исонинг осмонга кўтарилиши

Ҳаворийлар китоби 1:1–11 ни ўқинг.

Исо ўлимдан қайта тирилганидан кейин 40 кун давомида нима қилди? (3-оят) [9]

Исо Ўз шогирдларига нимани ваъда қилди? (5-оят) [10]

Кейин уларнинг вазифаси нимадан иборат бўлади? (8-оят) [11]

Шундан сўнг Исламга нима бўлди? (9-оят) [12]

11-оятда, фаришта шогирдларга нима деди? [13]

Исо қайтиб келади!

Исонинг осмонга кўтарилиши бизга нимани кўрсатади?

Исонинг осмонга кўтарилиши бизга 4 та нарсани кўрсатади:

1. Худо Исламни энг юқори жойга юксалтириди.

Шунинг учун Худо Уни энг юқорига юксалтириди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори исмни ато этди. Токи Исонинг олдида еру осмондаги ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин! (Филиппиискларга мактуб 2:9–10)

2. Ислам тез орада дунёни ҳукм қилиш учун қайтиб келади.

Биз хаммадан кўра кўпроқ Исламдан кўркишимиз керак!

Худо ҳузурида ҳамда тиригу ўликларни ҳукм қиласиган Исо Масих ҳузурида, Унинг келиши ва ҳукмронлиги ҳақи, сенга қатъий буюраман. (2-Тимўтий 4:1)

3. Ҳозир Исо биз учун шафоат қилмоқда.

Бизни ким маҳкум қиласар экан?! Ахир, ўлиб, тирилган, Худонинг ўнг томонида ўтирган Исо Масихнинг йзи биз учун шафоат қилмоқда-ку! (Римликларга китоби 8:34)

У Ота-Худога шундай дейди: «[Сизнинг исмингиз] — Сенинг қимматли фарзандинг. Унинг бу гунохини кечиргин. Менинг қоним уни қоплаган. У бу гунохни бошқа қиласлиги учун ва ҳаёти орқали Сени улуғлаши учун, Биз уни Муқаддас Рухга тўлдирамиз.»

4. Биз ўлимдан кейин ҳам жисмоний танага эга бўламиз.

1-Коринфликларга 15:35–46 ни ўқинг.

Ўлимдан кейин ҳам бизнинг танамиз бўлади, лекин улар хозирги танамиздан қандай фарқ қиласиди? [14]

Биз мукаммал руҳий таналарда абадий яшаймиз!

Исонинг осмонга кўтарилиши бизга нимани қўрсатади? [15]

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Исо бизга ҳам Худонинг ҳузурига киришга имкон яратди. Ҳозир имон билан, келажакда эса чинакамига Худо ҳузурида бўламиз!

Исо Масихнинг ўликтан тирилиши ва осмонга кўтарилиши — дунёдаги энг ажойиб хабар! Бу ҳақда ким билан бўлиша оласиз?

Бугун нимани ўргандингиз?

Жавоблар

- 1 – Яхудийларнинг одатига кўра, аёллар Исонинг жасадига хушбўй мойлар суртиш учун бордилар.
- 2 – Қабр бўш эди!
- 3 – *Нега сиз тирикни ўликлар орасидан қидиряпсизлар? У бу ерда йўқ, У тирилди! Ҳали Жалилада бўлган пайтида сизларга нима деганини эсланглар. У сизга: «Инсон Ўгли гуноҳкор одамлар қўлига тутуб берилади, хочга михланади, учинчи куни эса тирилади», деган эди-ку.*
- 4 – 1) Агар Исонинг жасади ўғирлаб кетилган бўлса, у холда кафан ҳам қабрда қолмаслиги керак эди. Жасадни олиб, кафани ташлаб кетмаган бўлишарди.
2) Римлик ва яхудий раҳбарлар Исонинг тирилмаганини исботлаш учун Унинг жасадини кўрсатишлари керак эди. Бироқ улар жасадни топа олмадилар.
3) 40 кун мобайнинда Исо кўп одамларга кўринди. Қанчадан қанча одамлар бунинг гувоҳи бўлди!
- 5 – У бироз балиқ еди.
- 6 – У эшик очмасдан пайдо бўлар ва ғойиб бўларди!
- 7 – У жисмоний танаалар учун зарур бўлганидек овқат ея оларди. Лекин бир зумда зоҳир бўлиб, яна ғойиб ҳам бўла оларди.
- 8 – 1) Исо ўлимни енгди! У ўлди ва тирилди!
2) Исо шайтонни енгди!
3) Исо гуноҳларимизнинг эвазини тўлади ва Худо буни қабул қилди!
4) Исо Ўзига имон келтирганларга абадий ҳаёт беради!
- 9 – Исо азоб чекиб ўлгандан кейин, бир қанча ишончли далиллар орқали шогирдларига тирилганини кўрсатди.
- 10 – Улар Муқаддас Рухга чўмдириладилар.
- 11 – Ер юзининг ҳамма бурчакларида Исонинг шоҳидлари бўладилар.
- 12 – У осмонга кўтарилди.
- 13 – *Исо осмонга кўтарилганини ўз кўзингиз билан кўрдингизлар. У осмонга қандай кўтарилган бўлса, худди шундай қайтиб келади.*
- 14 – Улар абадий бўлади, уларда хеч қандай муаммо бўлмайди, чиройли ва абадий бўлади. Худо билан муносабатимиз хеч қачон бузилмайди!
- 15 – 1) Худо Исони энг юқорига юксалтириди.
2) Исо тез орада дунёни хукм қилиш учун қайтиб келади.
3) Ҳозир Исо биз учун шафоат қилмоқда.
4) Биз ўлимдан кейин мукаммал танага эга бўламиз.

31-дарс: Муқаддас Рух



Эски Аҳдда Муқаддас Рух ҳақида нималарни ўрганамиз?

1. Эски Аҳдда Муқаддас Рух ҳақида илк маротаба қачон ўқиймиз? [1]

Муқаддас Рух энг бошиданоқ фаолиятда бўлган!

2. Эски Аҳд даврида Муқаддас Рух алохида сабабларга кўра, алохида танланган одамларга келган.

1-Шоҳлар китоби 16:13 да У кимга келган? [2]

3. Шунингдек, Худо Муқаддас Рухни пайғамбарларга берган ва бу орқали улар Худонинг сўзини Худонинг халқига етказа олишган.

2-Бутрус 1:20–21 ни ўқинг. Пайғамбарлар Худонинг Сўзини одамларга қандай етказишган? [3]

4. Бироқ Эгамиз Унинг бутун халқи бир кун келиб Муқаддас Рухни қабул қилишини ваъда қилди.

Йўэл пайғамбарга кўра (**Йўэл пайғамбарнинг китоби 2:28**) бу қандай содир бўлади? [4]

Эски Аҳдда Муқаддас Рух ҳақида нималарни ўрганишимиз мумкин? [5]

1.

2.

3.

4.

Янги Аҳдда Муқаддас Рух ҳақида нималарни ўрганамиз?

Ҳаворийлар 1:8: Муқаддас Рух шогирдларга нима қилишлари учун куч беради? [6]

Улар хаммага Исо ҳақида айтиб беришлари керак!

Ҳаворийлар 2:1–24: Муқаддас Рух келиб уларни тўлдирганида нима содир бўлди? [7]

Ҳаворийлар 2:41: Ўша куни имонга келганларнинг сони қанча эди? [8]

Бу воқеа Ҳосил байрамида содир бўлган бўлиб, бу кун «эллигинчи кун» деб ҳам аталади. Чунки у Фисих байрамидан 50 кун ўтгач содир бўлган. Баъзи жамоатлар Худонинг ўша кунги қилган ишига алоҳида хурмат кўрсатган холда ўзларини «Элликкунчилар» (пятидесятники ёки Pentecostal) деб атashади.

Ҳаворийлар 2:38: Кимлар Муқаддас Рух инъомини олади? [9]

Муқаддас Рух барча имонлиларнинг ичидаги яшайди. Сиз Муқаддас Рухсиз имонли бўла олмайсиз! (Эфесликларга 1:13)

Муқаддас Рұхнинг фаолияти

Римликларга мактуб 8:16 га кўра Муқаддас Рух нима қиласди? [10]

Римликларга мактуб 8:26 га кўра Муқаддас Рух нима қиласди? [11]

Галатияликларга мактуб 5:22–23 га кўра Муқаддас Рух қандай фаолият кўрсатади? [12]

Ҳаворийлар фаолияти 1:8 га кўра Муқаддас Рух нима қиласди? [13]

Коринфликларга 1-мактуб 12:7–11 да Муқаддас Рух нима қиласди? [14]

Коринфликларга 1-мактуб 12:13 да Муқаддас Рух нима қиласди? [15]

Муқаддас Рух бизни бирлаштиради, асло ажратмайди. Охирги йилларда кўплаб имонлилар Муқаддас Рұхнинг фаолиятини фарқли тушунгандарни боис бўлиниб кетганлари Худони хафа қиласди.

Агар бошқа имонлиларни севмаётган бўлсан, бу Муқаддас Рұхнинг ҳаётимиизда ишлашига йўл қўйиб бермаётганимизни кўсатади.

Қўшимча фикр

Коринфликларга 1-мактуб 14:1–3 ни ўқинг.

Павлус бизга кўпроқ қайси инъомга интилишимизни маслаҳат беради? [16]

Бу қандай инъом (37-оят)? [17]

Барчамиз учун тегишли бўлган энг муҳим вазифа бир-биримизга ўғит-насиҳат қилиш, далда бериш ва юпатишdir.

Шундай қилиб, Муқаддас Рухнинг қайси ишларни қилиши ҳақида ўргандик? [18]

1.

2.

3.

4.

5.

6.

Муқаддас Рухга тўлган инсоннинг ҳаёти қандай бўлади?

Галатияликларга мактуб 5:22–23 ни ўқинг.

Муқаддас Рухга тўла одамнинг ҳаёти қандай бўлади? [19]

Бизнинг ҳаётимизда шундай самаралар борми? Агар бўлмаса, нима қилишимиз керак? (**Луқо 11:13** ни ўқинг.) [20]

Эфесликларга мактуб 4:30 ни ўқинг.

Нима қилганимизда ёки қандай ҳолларда Муқаддас Рухни хафа қиласиз? Мисоллар келтириング. [21]

Ғийбат

Ғийбат — биз учун катта муаммо. Ғийбат кимнингдир обрўсига ва жамоатга путур етказиши мүмкін. Эҳтимол сиз бошқалар уларни ғийбат қылғани учун жамоатга келмай қўйған одамларни биларсиз. Ғийбат қилмаслик учун бир-биримизга қандай ёрдам бера оламиз? Агар кимдир ғийбат қилишни бошласа, унга нима дейишимиз мүмкін? [22]



Биз Мұқаддас Рұхни хафа қилишимиз эмас, балки мамнун қилишимиз керак!

Исонинг нури бўла олишимиз ва атрофимиздаги барча инсонлар биздан барака топиши учун ҳар куни Худодан Мұқаддас Рухига тўлдиришини сўрайлик!



Бугун нималарни ўргандингиз?

Жавоблар

- 1 – Ибтидо китоби 1:2.
- 2 – Довудга.
- 3 – Бу пайғамбарлар Муқаддас Рух томонидан бошқарилиб, Худонинг сўзларини гапирганлар.
- 4 – *Сўнгра Ўз Руҳимни ёғдираман ҳар бир инсон устига.*
Ваҳийлар келади ийгитларингизга.
Башоратлар қилар сизнинг ўғил-қизларингиз.
Кароматли тушлар кўрар қарияларингиз.
- 5 – 1) Муқаддас Рух энг бошиданоқ фаолиятда бўлган!
 2) Эски Аҳд даврида Муқаддас Рух алоҳида сабабларга кўра, алоҳида танланган одамларга келган.
 3) Шунингдек, Худо Муқаддас Руҳини пайғамбарларга берган ва бу орқали улар Худонинг сўзини Худонинг халқига етказа олишган.
 4) Бироқ Эгамиз Унинг бутун халқи бир кун келиб Муқаддас Руҳни қабул қилишини ваъда қилган.
- 6 – Қудусдан бошлаб то дунёning энг олис ерларигача Исонинг шоҳидлари бўлиш.
- 7 – Худо қўрқувда қолган шогирдларни жасоратли шоҳидларга айлантириди. Ўша куни улар Қудусга ташриф буюрганларнинг барчасига Хушхабарни ўз тилларида тушунтириб беришга муваффак бўлдилар.
- 8 – Уч минг киши.
- 9 – Барча имонлилар — гуноҳларига тавба қилиб сувга чўмдирилганларнинг бари.
- 10 – Муқаддас Рух бизларнинг Худога тегишли эканимиз ва Унинг фарзандлари эканимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради.
- 11 – Муқаддас Рух ибодат қилишда бизга ёрдам беради.
- 12 – Исога ўхшашимиз учун Муқаддас Рух бизнинг юракларимизни ва табиатимизни ўзгартиради.
- 13 – Исо ҳақида ҳаммага айтишимиз учун Муқаддас Рух бизга куч беради.
- 14 – Жамоатда бир-биришимизга хизмат қила олишимиз учун Муқаддас Рух ҳар биришимизга инъомлар беради.
- 15 – Муқаддас Рух бизларни бирлаштиради.
- 16 – Башоратгўйлик инъоми.
- 17 – Биз одамларга уларни кучлантириш, далда ва тасалли бериш учун Худонинг сўзларини гапирамиз.
- 18 – 1) Муқаддас Рух бизларнинг Худога тегишли эканимиз ва Унинг фарзандлари эканимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради;
 2) Муқаддас Рух бизга ибодат қилишда ёрдам беради;
 3) Исога ўхшашимиз учун Муқаддас Рух юракларимизни ва табиатимизни ўзгартиради;
 4) Ҳаммага Исо ҳақида айтишимиз учун Муқаддас Рух бизга куч беради;
 5) Жамоатда бир-биришимизга хизмат қила олишимиз учун Муқаддас Рух ҳар биришимизга инъомлар беради;
 6) Муқаддас Рух бизларни бирлаштиради.
- 19 – Бундай одам севгига, қувончга, тинчликка, сабр-тоқатга, эзгуликка, садоқатга, ишончга, мулойимликка тўлган бўлади ва ўзини тута билади.
- 20 – Худодан бизга Ўз Муқаддас Руҳини беришини сўрашимиз керак!
- 21 – Мисоллар қўйидагича бўлиши мумкин: ёмон ишларни қилсак, ёлғон гапирсак, ёмон сўзлар айтиб, ғийбат қилсак ёки интернетда бўлмағур нарсаларни томоша қилсак, Муқаддас Руҳни хафа қилган бўламиз.
- 22 – Хафа бўлманг, лекин мен ғийбат эшитишни хоҳламайман. Агар ўша одам орамизда бўлганида айттолмайдиганларингизни менга ҳам айтманг. Эшитмасам, шунда у гапни бошқаларга ҳам етказмайман!

32-дарс: Жамоат



Жамоат қандай бошланган?

Ҳаворийларнинг фаолияти китоби 2:36–37 ни ўқинг (Бу парча ҳаворийлар Муқаддас Рухни қабул қилганларидан кейин Бутрус айтган ваъзнинг охири).

Улар Худонинг Эски Аҳдда ваъда қилган Масихига нима қилдилар? **(36-оят)** [1]

Буни эшитганларида улар қандай муносабат билдирилар? **(37-оят)** [2]

Бутрус уларга қандай иккита нарсани қилишлари кераклигини айтди? **(38-оят)** [3]

1.

2.

«Тавба қилиш» нима дегани? [4]

Сувга чўмдирилиш ниманинг рамзи? [5]

Бу, шунингдек, барчага бизнинг Исога эргашаётганимизни ва имонлилар оиласига, яъни жамоатга аъзо бўлаётганимизни кўрсатади.

Сувга чўмдирилиш катта жасорат талаб қиласи, айниқса, оиласига ва дўстларимиз қарши бўлсалар.

Ким Муқаддас Рухни қиласи? **(38–39-оятлар)** [6]

Жамоатнинг ўсиши

Ҳаворийларнинг фаолияти Китоби 1:15: Ўша кунгача имонлиларнинг сони нечта эди? [7]

Ҳаворийларнинг фаолияти Китоби 2:40–41: Ўша куни эрталаб улар қўрқиб қолган шогирдларнинг кичик гурухидан иборат бўлган бўлсалар, кечкурунга бориб, қанча киши имонлилар сафига қўшилди? [8]

Бу жамоатнинг бошланиши эди!

Жамоат нима қилади?

Ҳаворийларнинг фаолияти Китоби 2:42–47 ни ўқинг.

Жамоат — бино эмас, балки оила!

Жамоатнинг бошланиши ўзига хос давр бўлган. Ҳар куни бир-биримиз билан кўришиб турга олмасак ҳам, биз барибир бир оиласиз. Исо Ўзига эргашувчиларнинг яширин ва сирли тарзда эргашишларини истамайди. Биз бир-биримизга керакмиз. Шунинг учун ҳам бирга йиғилиб туришимиз керак.

42-оятда имонлилар қайси 4 та нарсани қилдилар? [9]

1.

2.

3.

4.

«Улар ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга ўзларини бағишлидилар» — бунга ўз ҳаётимизда қандай амал қилишимиз мумкин? [10]

Худонинг Сўзини ҳар куни ўқийсизми? Худо ҳақида имкони борича кўпроқ билишни истайсизми?

«Улар биродарликка ўзларини бағишлидилар» — бунга ўз ҳаётимизда қандай амал қилишимиз мумкин? [11]

Сиз бунга амал қиласизми?

Улар нима учун нон синдиришга ўзларини бағишлигаганлар? [12]

Имонлилар учун Қутлуғ Кечликни (нон синдиришни) ўтказиб турис жуда мухимдир.

Одамлар биз ҳақимизда улар хар доим ибодатда бўладилар, деб айта оладими?

Худо бошқаларни ҳам Ўз Шоҳлигига олиб келиши учун қанчалик ибодат қиляпмиз?

Чақириқ

Сиз ҳар кун неча дақиқа ёки неча соат телефонда вақт ўтказасиз (гаплашиш ёки интернет тармоқларини кўриш учун)? Кунига неча дақиқа ёки соатингизни ибодат қилишга ва Муқаддас Китобни ўқишига сарфлайсиз? Қайси мухимроқ?



Исонинг номи билан ибодат қилиш нимани англатади?



Исо номи билан ибодат қилиш дегани — бу гуноҳларимиз бизни Худодан узоқлаштиришини тан олганимизни билдиради. Инсон ўзича Ота Худонинг олдида туришга ҳақли эмас. Лекин биз Худонинг хузурига кела оламиз, чунки Исо Ўзининг хочда тўкилган муқаддас қони орқали бизни кечирди. Шундай экан, энди Худо Унинг олдида солиҳ бўлган фарзандларининг ибодатларини эшитади. Бу жудаям ажойиб имтиёздир!

Шунингдек, Исонинг номи билан ибодат қилишимиз Унинг иродасига бўйсунишимизни ҳам англатади.

44–45-оятларда имонлиларнинг нималар қилгани хақида ёзилган? [13]

(Бу ҳақда озгина вақтдан кейин яна гаплашамиз.)

46–47-оятларда имонлиларнинг яна нима қилгани хақида ёзилган? [14]

Худога ҳамду сано айтганимизда, бу Уни қувонтиради ва бизни ҳам баҳтиёр қиласи!

Жамоатдаги имонлилар сони қанчалик тез ўсаётганди? [15]

Худо бизнинг жамоатимизда ҳам шундай қиласин!

Ўша кунлар ҳақиқатан ажойиб кунлар бўлган!

Жамоатимизда қандай қилиб бир-бири миз учун фидокор бўла оламиз?

Жамоатда бир-бири мизга севги кўрсатишнинг йўллари ҳақида қандай фикрларингиз бор? Камида 7 та мисол келтиринг! [16]

1.

2.

3.

4.

5.

6.

7.

Жамоат раҳбарлари сиз учун ибодат қилишлари учун муаммоларингизни улар билан бўлишишга тортинманг. Бу уларнинг рухини кўтаради, чунки бу нарса сизнинг уларга ишонишингизни кўрсатади ҳамда ибодатларига Худонинг қандай жавоб берадиганини кўриб қувонадилар. Шунингдек, ўз ваъзлари орқали жамоатга яхшироқ таълим бера оладилар.

Худо ҳар куни жамоатимизда имонлиларнинг сонини кўпайтирсин!

Чақириқ

Янги Аҳдни ўқиганимизда, кўп ўтмай жамоатларда муаммолар пайдо бўла бошлаганини кўрамиз. Нуқсонсиз жамоатнинг ўзи йўқ! Янги Қуддусга етиб бормагунимизча бекаму кўст жамоат бўйлмайди!

Шунга қарамай, келинг, янада кўпроқ одамлар ҳаётимизда Худони кўра олишлари учун ва сўзларимиз орқали Исонинг кимлигини билиб олишлари учун қўлимииздан келган ҳамма нарсани қиласлик!

Қўшимча ўрганиш: Пул

Пул жамоат аъзолари орасида кўп муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Келинг, Павлуснинг пул ҳақида нималар деганини кўриб чиқамиз.



- **Тимўтийга 1-мактуб 6:10** да Павлус пул ҳақида нима деган? [17]

Агар Худодан кўра пулни кўпроқ севсак, нима қиласмиш? [18]

- **1-Коринфликларга мактуби 16:2** да Павлус пул ҳақида нима деган? [19]

Павлус уларни нимани одат қилишга ундайди? [20]

- **2-Салоникаликларга мактуби 3:10** да Павлус пул ҳақида нима деган? [21]

Бу нима дегани? [22]

- **Римликларга Китоби 13:8** да Павлус пул ҳақида нима деган? [23]

Бу биз учун нимани англатади? [24]

Вақтида қайтарилимаган қарзлар дўстликка ва жамоатга зарап етказади!

Павлусдан пул масаласида нималарни ўрганамиз? [25]

1.

2.

3.

4.

Келишилган вақт ичидаги қайтаролсангизгина қарз олинг. Агар ҳақиқатан хам моддий ахволингиз бўйича ёрдамга муҳтоҷ бўлсангиз, бу ҳақда чўпонингиз билан гаплашинг. Пул етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, бунинг уяладиган жойи йўқ. Бироқ, пул сабабли жамоатга ва дўстлигимизга путур етказсак, бу уят бўлади.

Биз бошқаларга яхшилик қилишимиз керак. Бошқаларни алдаш гуноҳдир.

Пул ҳақидаги тушунчаларингиз билан боғлиқ ўзгартиришингиз керак бўлган нимадир борми?

Жавоблар

- 1 – Улар Уни хочда ўлдирдилар.
- 2 – Улар жуда хафа, кўнгиллари ғаш эди.
- 3 – 1) Тавба қилинглар!
2) Исо Масихнинг номи билан сувга чўминглар.
- 4 – Худога қулоқ солмаганликлари учун кечирим сўрашлари керак. Худо юборган Масихга эргашибни бошлиашлари керак.
- 5 – Исо бизнинг гуноҳларимизни ювганини, биз ўзимиз учун ўлганимизни ва энди Исо учун яшашимизни кўрсатувчи рамз.
- 6 – Худо томонидан чақирилган барча инсонлар. Гуноҳларига тавба қилиб, сувга чўмдирилган барча имонлилар.
- 7 – 120 та.
- 8 – Уч мингга яқин одам.
- 9 – Улар:
1) ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга ўзларини бағишиладилар;
2) биродарликка ўзларини бағишиладилар;
3) Раббимиз Исони хотирлаб нон синдиришга ўзларини бағишиладилар;
4) ибодатга ўзларини бағишиладилар.
- 10 – Худонинг Сўзини ўқиймиз, ўқиганларимиз устида фикр юритамиз, биргаликда муҳокама қиласиз ва ибодат қиласиз. Бу нарсаларни ҳам мустақил равища, ҳам бошқа имонлилар билан бирга қилишимиз керак.
- 11 – Бир-биrimizни севамиз ва бир-биrimиз учун ғамхўрлик қиласиз. Бирга йигилиб турамиз.
- 12 – Буни Исонинг ўлимини эслаб туриш учун қилганлар, яъни Исо гуноҳларимиз кечирилиши учун ўлди!
- 13 – Улар жуда сахий ва фидойи эдилар.
- 14 – Улар Худони улувлар эдилар.
- 15 – Ҳар куни!
- 16 – Мисоллар:
1) Жамоатдаги бошқа имонлиларга қўнғироқ қилиш.
2) Смс ёзиш.
3) Вақт бўлганида учрашиш.
4) Ҳар хафта жамоатга келиш! Бу бошқаларни сизни жамоатда кўришга ундаиди!
5) Бир-биrimизга ёрдам беришга тайёр бўлиш, масалан, агар кимдир касал бўлса ёки фарзанди дунёга келса, уларни бориб кўриш.
6) Бошқалар учун ибодат қилиш.

- 7) Бошқалар билан Муқаддас Китобдан ўрганганларингизни бўлишиш. Худонинг Сўзини қанча кўп билсак, бошқаларга марҳамат бўлишимиз учун Худо биздан шунча кўп фойдаланади.
- 17 – Пулни севиш — бу барча ёвузликларнинг илдизи.
- 18 – Пулларимизни Худони мамнун қилиш учун эмас, балки ўзимизни хурсанд қилиш учун сарфлаймиз.
- 19 – *Хафтанинг биринчи куни ҳар бир одам ўз даромадига мос равишда бир миқдор пулни олиб қўйисин, токи олдингизга борганимда пул йигишга ҳожат бўлмасин.*
- 20 – Мунтазам равишида бир миқдор пулни ажратиб қўйинг, шунда пул беришга тайёр бўласиз.
- 21 – *Ким ишлаши истамаса, ўша одам емасин ҳам!*
- 22 – Дангаса ва ишлашни истамаганга пул ҳам берманг.
- 23 – *Бир-бирингизга нисбатан севгидан бошқа ҳеч бир нарсада қарздор бўлманглар, чунки яқинини севган киши Худонинг қонунини бажо келтирган бўлади.*
- 24 – Биз қарзимизни иложи борича тезрок қайтаришимиз керак!
- 25 – 1) Худо берадиган пулларни тўғри сарфлашимиз учун бизга Худодан донолик керак;
2) Сахий бўлишга тайёр бўлинг;
3) Биз бошқаларни ялқов ва бекорчи бўлишга ундашни хоҳламаймиз;
4) Дўстликка ва жамоатга путур етказмаслик учун тезда қарзларни тўлаб қутулишимиз керак!

33-дарс:

Хушхабарни бошқаларга айтиш



Барча халқлар

Ибтидо китоби 12:1–7 да Худо Иброҳимга нималарни ваъда қилган? [1]

Икки минг йил ўтиб, хозир ҳам Худо Ўз ваъдаларига содик эканини кўряпмиз!

Худо Эски Аҳдда Ўзи ваъда қилган Масихни қандай юборганини кўриб ўтдик. Энди эса Масих ҳақида эшитадиган вақтдир, токи барча халқлар У орқали нажот топсинлар.

Матто китоби 28:18–20 да Исо шогирдларига нима дейди? [2]

Ҳаворийларнинг фаолияти китоби 1:8 ни ўқинг. Қандай қилиб шогирдлар ҳамма халқлардан шогирд орттира оладилар? [3]

Бу иш ҳали тугамади; Исо ҳақида ҳали ҳам эшитмаган халқлар бор. Ўз она тилида Муқаддас Китобга эга бўлмаган одамлар бор. Ҳатто уларнинг тилида гапирадиган биронта ҳам имонли йўқ. Мисол учун, Догистонда (Каспий денгизи бўйида) бундай одамлар гурухлари жуда кўп.

Барча халқларнинг Исо ҳақида эшитиши — бу бизнинг вазифамиз!

Ҳаворийларнинг фаолияти китобида бу жараён қандай бошланганини кўрамиз.

Қуддусдан

Исо Ўз шогирдларига қаерларда Унинг гувоҳлари бўлишларини айтди? (**Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8**) [4]

Ушбу оядта ёзилган жойлар хақида фикр юритиб кўрайлик.

1. Қуддусда

Ҳаворийларнинг фаолияти китобида 12 та шогирд «ҳаворийлар» (яъни «юборилганлар») деб аталганлар.

Яхудо Исога хоинлик қилгани ва ўзини ўлдиргани сабабли бошқа ҳаворийлар унинг ўрнига кимни танладилар? (**Ҳаворийларнинг фаолияти 1:26**) [5]

Илк жамоатнинг биринчи йўлбошчилари бўлган атиги 12 та ҳаворий бор эди.

Кейинчалик яна ким ҳаворийлар сафига қўшилди? (**1-Коринфликлар 1:1**) [6]

Ҳаворийларнинг фаолияти 6:7 ни ўқинг. Дастрраб улар қаерда ваъз айтдилар? [7]

Лекин Яхудо хукумати ва Яхудия шоҳи ҳаворийларга қарши эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:17–20 да улар нима қилдилар? [8]

7:59–60 да-чи? [9]

5:41–42 да ҳаворийлар нима қилдилар? [10]

Кўплаб одамлар Исога имон келтирдилар!

2. Бутун Яхудия ва Самария бўйлаб

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:2–5: Қаттиқ қувғин даврида нималар юз берди? [11]

Харитага қаранг. Самария — Куддусдан шимолда жойлашган худуд.

3. Бутун дунё

Ҳаворийларнинг фаолияти 10-бобни ўқинг.

Худо Бутруслар нимани ўргатди? [12]



Масих ҳақидаги Хушхабар гайрияҳудийлар учун ҳам юборилганини англаб етган вақтлар илк имонлилар учун жуда муҳим давр бўлган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:19–21: Имонлилар қаерга кетдилар? [13]

Харитага қаранг.

Финикия — ҳозирги Ливан.

Кипр — ҳозирги Туркиядан жанубда жойлашган катта орол.

Антиохия — ҳозирги Туркиянинг жанубий-шарқий қисми бўлиб, бугунги кундаги номи Антакия.

Жуда кўплаб яхудийлар ва ғайрияхудийлар Исога имон келтираётган эди!



Саёҳатлар давом этади

Ҳаворийларнинг фаолияти 13–20-бобларда Павлус ва бошқа имонлиларнинг ҳозирги Туркия ва Юнонистон (Греция) худудларидағи саёҳатлари ва кўплаб жамоатлар очгани ҳақида ўқиймиз. Кейинчалик Павлус бу жамоатларга яна борган.

Ҳаворийларнинг фаолияти китобида, барча ҳалқларга Исо Масих ҳақидаги Хушхабарни етказиш жараёнининг бошланганини кўрамиз.

Бизлар бу жараённи қандай давом эттира оламиз?

Исо Масих ҳақида ҳеч қачон эшитмаган одамларга Хушхабарни қандай айтамиз?

Ҳаворийлар китобида бошланган вазифани давом эттира олишингиз учун қандай фикрларингиз бор? [14]



Бу вазифани давом эттириш имкониятига эга бўлиш учун бир-бирингиз учун ибодат қилинг!

Жавоблар

- 1 – Худо Иброҳимга ундан буюк халқ яратишни, юрт беришни ва у орқали ер юзидағи барча халқлар марҳаматланишини ваъда қилди.
- 2 – Боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар, уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдиринглар.
- 3 – Муқаддас Рух буни қилиш учун уларга куч беради.
- 4 – Куддусда, бутун Яхудия ва Самарияда ва дунёнинг энг олис ерларида.
- 5 – Маттияни.
- 6 – Павлус.
- 7 – Куддусда.
- 8 – Улар ҳаворийлардан баъзиларини қамоқхонага ташладилар.
- 9 – Стефанни ўлдирдилар.
- 10 – Улар Исо ҳақидаги Хушхабарни айтишда давом этдилар!
- 11 – Қўп имонлилар Қуддусдан қочиб чиқдилар ва Қуддуснинг шимолига, шунингдек, Яхудия ва Самарияга бордилар.
- 12 – Аввалига улар Исо ҳақида фақатгина яхудийларга айтишарди, энди эса бошқа халқларга (яхудийлар «мажусийлар» деб атайдиган халқларга) ҳам айтишлари керак эди. Бу халқлар яхудий бўлмагани учун Эски Аҳдни билмасдилар ва Ягона Худога сажда килмасдилар.
- 13 – Финикия, Кипр ва Антиохиягача.
- 14 – Гоялар қўйидагилардан иборат:
 - Исо ҳақида хеч қачон эшитмаган халқлар учун ибодат қилинг (сизнинг юртингиздаги ва бошқа юртлардаги).
 - Оилангиз, дўстларингиз ва қўшниларингизга Исо ҳақидаги Хушхабарни айтар экансиз, бир-бирингизни қўллаб-қувватлаб туриш учун дўстларингиз билан бирга ибодат қилиб туринг.
 - Муқаддас Китобдаги воқеаларни бошқаларга ишонч билан тушунтира олишингиз учун уларни бир-бирингизга тушунтириб машқ қилинг.
 - Атрофингиздагиларга Исонинг севгисини қандай қилиб амалда кўрсатишингиз мумкинлиги ҳақда ўйланг.
 - Худо сиздан одамларнинг Исо ҳақида эшлишиш имконияти бўлмаган жойга кўчиб ўтишингизни сўраяптими?

34-дарс:

Янги Аҳд мактублари



Имонлиларда ҳали Янги Аҳд китоблари йўқ эди. Улар ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дуч келишарди ва Исога тўғри эргашишлари учун уларга донолик керак эди.

Янги Аҳдда 21 мактуб бор. Жамоатлар бепоён ҳудудлар бўйлаб тарқалиб кетгани сабабли, ҳаворийлар узоқлардаги бу жамоатларни қўллаб-куватлаб туриш мақсадида, уларга мактублар ёзишган.

Бу мактубларни олган жамоатлар уларни қўлда кўчириб ёзганлар ва бошқа жамоатлар ҳам ўша мактублардаги ҳикматлардан фойдалана олишлари учун уларга юборганлар.

Янги Аҳднинг таркиби ўзгартирилганми?

Айрим одамлар, Янги Аҳд мактублари ўзгартирилган, деб айтадилар. Лекин бундай бўлиши мумкин эмасди, чунки Хушхабар ва мактублар ўз кўзлари билан кўрган гувоҳлар томонидан ва уларни билган кишилар томонидан ёзилган. Улар илк имонлилар томонидан ҳақиқат деб қабул қилинган ва жуда кенг ҳудудга тарқатилган. Бу нусхаларнинг ҳаммасини йигиштириб олиб, сўнgra бошқа бир янгича фикрни тарқатиш мумкин эмас эди ва илк имонлилар ўзлари ҳақиқат деб ҳисоблаган нарсаларни хеч кимнинг ўзгартиришига йўл қўймаган бўлишарди!



Янги Аҳднинг 24.000 дан ортиқ қўлёзма парчалари топилган. Бу қўлёзмаларнинг 230 таси Мухаммад дунёга келишидан олдинги даврга тегишли. Қўлёзмаларнинг бу қисми муҳим, чунки улар Янги Аҳднинг ўзгармаганидан далолат беради!

Нима учун Янги Аҳд битикларининг ўзгартирилган бўлиши мумкин эмас? [1]

Мактублар:

- имонлиларни имонда содик қолишига ундаш мақсадида, уларга **Исо ҳақида ва У берган најот ҳақида ўргатган**;
- агар имонлилар нотўғри нарсаларга ишониб қолсалар, ҳақиқатни билиб олишлари учун уларнинг **хатоларини тузатган**;
- имонлиларга Худога маъқул бўлиш учун **қандай қилиб тўғри яшаш кераклигини ўргатган**.

Муаллифларнинг бу мактубларни ёзишдан қандай учта мақсади бўлган? [2]

1.

2.

3.

Бу мактубларнинг муаллифлари кимлар?

Ёқуб, Бутрус, Юҳанно, ва **Яхудо** имонлиларни руҳлантириб туриш учун мактублар ёзганлар.

Павлус жамоатларга 9 та ва алоҳида шахсларга 4 та мактуб ёзган. Жамоатларни тўғри бошқаришга ёрдам бериш учун **Тимўтийга** иккита ва **Титусга** битта мактуб, хамда **Филимўнга** битта шахсий мактуб ёзган.

Ибронийларга ёзилган мактубнинг муаллифи ким эканини билмаймиз, лекин кўпчилик бу мактубни Павлус ёки унинг сафдошларидан бири (масалан: Барнабо ёки Аполло) ёзган деб хисоблашади.

Янги Аҳддаги мактубларнинг аксариятини ким ёзган? [3]

Бу мактубларни қандай тушуна оламиз?

Мактублардаги бирон бир парчани тушунишимизга ёрдам бериши учун ўзимизга бу 4 саволни беришимиз мумкин:

- Бу мактуб ёзилганида, жамоатларда қандай **муаммолар** мавжуд бўлган?
- Қайси **ибора ёки сўзлар такрорланяпти**? Кўпчилик такрорланувчи ибораларни белгилаб кўйишни яхши кўради.
- Асосий мавзу** нима ва муаллиф уларга нимани ўргатишни хоҳлайди? Буни оддийроқ шаклда яна қандай айтиш мумкин?
- Бу жамоат нимаси билан **бизнинг жамоатга** ўхшайди? Бизнинг қийинчиликларимиз нимаси билан уларникуига ўхшайди? Бу парчадаги қайси муҳим ғоя бизнинг бугунги жамоатимизга тааллуқли?

Қайси 4 савол бизга Янги Аҳд мактубларини яхшироқ тушунишимизга ёрдам беради? [4]

1.

2.

3.

4.

Энди Колосаликларга мактубдан айрим оятларни ўрганамиз.

Колосаликларга мактуб 1:9–20 ни ўқинг.

1. Тахмин қилиб кўринг: **Уларда қандай муаммолар бўлган?** [5]

Сохта устозлар уларга имонлилар билмаган бошқа таълимотлар ҳам борлигини ва Исо билан муносабат етарли эмаслигини айтганлар.

2. **Қайси ибора ёки сўзлар тақорорланяпти?** [6]

«**ҳамма/бутун**» (ва шу маънодаги сўзлар) қайси ибораларда ишлатилган? [7]

Павлус уларга, Худо билан муносабат ва абадий ҳаёт учун Масихда **ҳамма нарсага** эгамиз, деб айтмоқчи бўлган!

3. **Асосий мавзу нима ва муаллиф уларга нимани ўргатишни хоҳлаган?** [8]

4. **Бу жамоат нимаси билан бизнинг жамоатимизга ўхшайди? Бизнинг қийинчиликларимиз нимаси билан уларникоига ўхшаш? Бу парчадаги қайси муҳим ғоя бизнинг бугунги жамоатимизга тегишли?** [9]

Бизга Исо етарли эмас, бизга Ундан кейин келган яна бир пайғамбар керак, дейдиган одамларга биз нима дея оламиз? [10]

Қўшимча

Мактубларни (ёки Муқаддас Китобдан хоҳлаган парчани) ўрганишнинг яна битта йўли — ўқиган парча юзасидан ўзингизга қўйидаги 5 та саволни бериш. Келинг, буни биргаликда кўрамиз.

1. Бу парча бизга Худо ҳақида (Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух ҳақида) нима дейди? [11]

- 2. Бу парча бизга одамлар ҳақида нима дейди? [12]**

- 3. Бу парчада итоат қилишимиз керак бўлган буйруқ ёки огоҳлантириш, ўрнак оладиган намуна борми? [13]**

- 4. Бу парча орқали Худо бизга нимани ўргатади? [14]**

- 5. Мен буни ким билан бўлиша оламан? [15]**

Худо билан муносабат ва абадий ҳаёт учун Исода ҳамма нарсага эгамиз!

Уйга вазифа

Кейинги дарсда бирга ўргана олишимиз учун Салоникаликларга 1-мактубни ўқиб чиқинг.

Жавоблар

- 1 – Чунки Мактублар ва Хушхабар китоблари ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар томонидан ёки гувоҳлар ҳаётлигига ёзилган. Улар илк имонлилар томонидан ҳақиқат деб қабул қилинган ва жуда кенг худудга тарқатилган. Бу нусхаларнинг ҳаммасини йиғиштириб олиб, сўнгра бошқа бир янгича фикрни тарқатиш мумкин эмас эди ва илк имонлилар ўзлари ҳақиқат деб ҳисоблаган нарсаларни ҳеч кимнинг ўзгартишига йўл қўймаган бўлишарди!
- 2 – 1) имонлиларни имонда содик қолишига ундаш учун уларга Исо ҳақида ва У берган нажот ҳақида ўргатган;
2) имонлилар нотўғри нарсаларга ишонганларида, ҳақиқатни билишлари учун уларнинг хатоларини тузатган;
3) имонлиларга Худога маъқул бўлиш учун қандай қилиб тўғри яшаш кераклигини ўргатган.
- 3 – Павлус.
- 4 – 1) Уларда қандай муаммолар бор эди?
2) Асосий мавзу нима ва муаллиф уларга нимани ўргатмоқчи?
3) Қайси ибора ва сўзлар такрорланган?
4) Бу жамоат нимаси билан бизнинг жамоатга ўхшаш? Бизнинг қийинчиликларимиз қайси жихатдан уларнинг қийинчиликларига ўхшаш?

- 5 – Эхтимол, улар Исо етарли эмас, деб ўйлаганлар.
- 6 – «*ҳамма нарса/бутун*» ва шу маънодаги сўзлар тақорорланган.
- 7 – Қодир Худони янада кўпроқ билиб бориб;
Ҳамма нарсада Уни мамнун қиласидилар;
У барча яратилганлардан устун;
 Осмондаги ва ердаги **ҳамма нарса**, кўринадиган ва кўринмайдиган **ҳамма нарса** У орқали яратилган;
Ҳамма нарса У орқали ва У учун яратилган;
Бутун борлиқ У туфайли мустаҳкам турибди;
У ҳамма нарсанинг бошидир;
Ҳамма нарсадан устун бўлиши учун;
Борлиқ мавжудотни У орқали Ўзи билан яраштириши учун;
 Хочда тўкилган қон орқали Ўзи **яратганлари** билан тинчлик ўрнатди.
- 8 – Исо Худонинг Ўзидан кичик эмас (15-оят), У барча кўринадиган ва кўринмайдиган нарсалар устидан ҳокимликка эга (16-оят) ва Унинг ўлими Ота Худонинг Ўз яратганлари билан ярашувини билдиради (20-оят). Демак, биз учун энг муҳими Исодир!
- 9 – Баъзан одамлар Муқаддас Китоб ёки Исонинг Ўзи етарли эмас, бизга яна нимадир керак, демоқчи бўладилар.
- 10 – Юқоридаги парчадан ишлатишингиз мумкин бўлган ибораларни топинг!
- 11 – Муқаддас Рух бизга донолик ва тушунча беради.
 Отамиз нур Шоҳлигига Ўзининг муқаддас халқи меросидан улуш олишимиз учун бизларни муносиб қилди.
 Отамиз бизни қоронгилик ҳукмронлигидан қутқарди ва Ўз севикли Ўғлининг Шоҳлигига олиб кирди.
 Исо кўринмас Худони Ўзи орқали бизга очиб беради.
 Исо яратилган барча мавжудотдан устундир.
 Кўкдаги ва ердаги ҳамма нарса Исо орқали яратилган.
 Ҳамма нарса Исо орқали ва У учун яратилган.
 Бутун борлиқ яратилмасидан олдин Исо мавжуд эди ва бутун борлиқ У орқали мустаҳкам турибди.
 Исо тананинг, яъни жамоатнинг бошидир.
 Исо ҳамма нарсанинг боши, У ҳаммадан устун бўлиши учун биринчи бўлиб ўликдан тирилтирилган.
 Худо Ўз комиллигини Исода жо қилишни маъқул кўрди.
 Бизнинг гуноҳларимиз авф этилиб озод бўлишимиз учун, Исо биз учун ўлди.
- 12 – Бизни Худо яратган ва Унинг Ўғли Исо орқали қутқарилганмиз.
- 13 – Павлус ҳар доим улар учун ибодат қиласидир. Бу биз учун яхши намуна.
 Бизнинг вазифамиз:
- Худога муносиб яшаш ва ҳамма нарсада Унга маъқул бўлиш;
 - Ҳамиша хайрли ишлар қилиш;
 - Худони янада кўпроқ таниб билиш;
 - Унинг куч-кудрати орқали мустаҳкамланиб, сабр-тоқатли, бардошли бўлиш ва ҳар доим севинч билан яшаш;
 - Самовий Шоҳлигига Ўз муқаддас халқининг меросидан улуш олиш учун бизни муносиб қилган Осмондаги Отамизга миннатдорчилик билдириш.
- 14 – Бу оятлар орқали Худо сизга нимани очиб бергани ҳақида бўлишинг.
- 15 – Бу дарс ҳақида ким билан бўлишмоқчисиз?

35-дарс:

Салоникаликларга 1-мактуб



Бу мактуб ҳақида умумий маълумот

Бу мактуб Юнонистоннинг (Грециянинг) Салоника шаҳридаги имонлиларга ёзилган. Салоника Павлус давридаги энг катта ва муҳим шаҳрлардан бири бўлган. Харитага қаранг ва Салоника шаҳрини топинг.

Бу Павлуснинг биринчи ёзган мактуби бўлиши мумкин.

Ҳаворийларнинг фаолияти китоби 17:1–10 да Салоникадаги жамоат қандай бошланганлиги ҳақида айтилади.

Павлус у ерда қанча вақт бўлган? [1]

Павлус биринчи марта Салоникага борганидан кейин уларни яна бориб кўрмоқчи бўлади, лекин бора олмайди. Шунинг учун у ушбу мактубни ёзади. Бу эса Худо муаммоларни яхшиликка айлантиришга қодир экани ҳақида ажойиб мисолдир. Эгамиз Худо ушбу мактуб орқали 2000 йилдан бери миллионлаб одамларни марҳаматламоқда!



Бу мактубда Павлус тўртта нарса ҳақида ёзади:

1. Павлус ўзининг яхши инсон эканини исботлашига тўғри келган, чунки баъзи имонсиз кишилар Павлус ҳақида ёмон гаплар гапириб юрган эдилар (**2:1–3:10**). Агар имонлилар Павлус ҳақида «у яхши одам эмас» деган қарорга келгандарида, унинг ўргатганларига ишонмай қўйган бўлардилар.
2. Павлус имони туфайли қувфинга дучор бўлаётган имонлиларни руҳлантиришни хоҳлаган (**1:2–10; 2:14; 3:1–5**).
3. Павлус уларга муқаддас ҳаёт кечиришлари кераклигини эслатади (**4:1–12**).

4. Павлус ўлимдан кейин имонлиларга нима бўлишини ва Исо қайтиб келганида, нима юз беришини жамоатнинг билишини хоҳлаган (**4:13; 5:11**).

Павлус қайси тўртта нарса ҳақида Салоникадаги имонлиларга ёзган? [2]

1.

2.

3.

4.

Биринчи боб

Келинг, Муқаддас Китобдан хоҳлаган бирон бир парчани ўқиб ўрганиш учун ишлата олишимиз мумкин бўлган 5 та саволни эслаб кўрамиз.

Улар қандай 5 та савол эди? [3]

1.

2.

3.

4.

5.

1. Бу парча Худо (Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух) ҳақида бизга нималар дейди? [4]

2. Бу парча бизга одамлар ҳақида нима дейди? [5]

3. Бўйсунишимиз керак бўлган бирон амр, огоҳлантириш ёки ўрнак олишимиз учун намуна борми? [6]

4. Худо бу парча орқали бизга нимани ўргатади? [7]**ИМОН, УМИД ВА СЕВГИ**

Имон, умид ва севги — Павлуснинг мактубларидағи муҳим сўзлар.

Имон, севги ва умид — ҳаётимиз учун пойдевор. Агар булардан бири етишмаса, бизнинг имонимиз узоқча бормайди.

Имон: Исонинг Ҳукмдор сифатида тез орада қайтиб келиши хақида билишим, менинг ҳар куни, ҳар дақиқада нима қилаётганимга таъсир қиласидими?

Севги: Менга ёқмайдиган ва севишим қийин бўлган кимdir борми? Агар шундай бўлса, унга севги кўрсатишим учун Ҳудодан менга имкон беришини сўрашим керак. Биз севги кўрсатиш орқали севишни бошлаймиз!

Умид: Одамлар Исога бўлган имонимиз туфайли бизга ёмон муносабатда бўлганларида, шуни биламизки, Исо бизни Ўзи билан абадий яшаш учун тез орада келиб олиб кетади. Мустаҳкам тура олишимиз учун Ўзи куч ато қиласи!

Исо қайтиб келганида, бизнинг муаммоларимиз У берадиган янги ҳаёт олдида ҳеч нарса эмаслигини биламиз.

Ҳатто қайгули пайтларда ҳам севинч ва хотиржамлигимизни ўқотмасак, одамлар ҳаётимизда Муқаддас Рухнинг кучини кўради. Шуниси қизикки, асрлар давомида, жамоатлар қувғинга учраган пайтларда янада шиддатлироқ ўсгани кўп бора кузатилган.

ИМОН, УМИД ВА СЕВГИДА ЎСИШИНГИЗ УЧУН ҲУДОДАН ҚАЙСИ СИФАТЛАРНИ СЎРАШИНГИЗ КЕРАК?**5. Мен бу борада ким билан бўлиша оламан? [8]****Уйга вазифа**

Бу ҳафта давомида Салоникаликларга 1-мактубни бошдан охиригача яна бир марта ўқиб чиқинг ва ҳар бобдан кейин ўзингизга юқоридаги бешта саволни беринг.

Жавоблар

- 1 – Ҳаммаси бўлиб икки ҳафта (Зта шанба)
- 2 – 1) Павлус яхши одам эканлигини исботлаши керак эди, чунки айрим имонсиз одамлар у ҳақда ёмон гапларни айтиб юрган эдилар. Агар имонлилар уни «у яхши одам эмас» деб ўйлаганларида, унинг ўргатганларига ишонмай қўйган бўлардилар;
 - 2) Павлус Исога бўлган имони туфайли қувғинга учраётган имонлиларни рухлантиришни хоҳлади;
 - 3) Павлус уларга муқаддас ҳаёт кечиришлари кераклигини эслатади;
 - 4) Павлус имонлилар ўлганларидан кейин ва Исо қайтиб келганидан кейин, нималар содир бўлишини тушунишларини истайди.
- 3 – 1) Бу парча бизга Худо (Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух) ҳақида нима(лар) дейди?
 - 2) Бу парча бизга одамлар ҳақида нима дейди?
 - 3) Бўйсунишимиз керак бўлган бирон амр, огоҳлантириш ёки ўrnak олишимиз учун намуна борми?
 - 4) Бу парча орқали Худо бизга нимани ўргатади?
 - 5) Мен бу ҳақда ким билан бўлиша оламан?
- 4 – Худо уларни севади (4-оят).

Худо уларни танлаган (4-оят).

Айнан Муқаддас Рух одамларга Худога келиш иқтидорини беради (5-оят).

Муқаддас Рух бизга қийинчиликларда қувонч беради (6-оят).

У ҳақиқий ва тирик Худо (9-оят).

У Исони ўликдан тирилтириди (10-оят).

Исо қайтиб келади (10-оят).

Исо бизни Худонинг ғазабидан қуткаради (10-оят).
- 5 – Биз уларнинг имон ўйлида чеккан заҳматини, севгиси туфайли қилган ишларини ва Раббимиз Исога бўлган умиди ўзгармас эканлигини билиб оламиз (3-оят).

Улар Павлус, Силас ва Тимўтийга қандай эргашган бўлсалар, энди бошқа имонлилар ҳам уларга шундай эргашмоқда эдилар (1,6- ва 7-оятлар).

Ҳар бир одам уларнинг имони ҳақида эшитди, чунки улар кўп азоб чекишларига қарамай, Хушхабарни қувонч билан қабул қилишганди (8-оят).

Бир пайтлар улар бутларга сажда қилар эдилар, энди эса тирик ва ҳақиқий Худога сажда қилиятилар (9-оят).
- 6 – Павлус ҳар доим у ердаги имонлилар учун Худога шукrona айтарди (2-оят).

Ҳар доим улар учун ибодат қиларди (2-оят).

Имонлилар бошқаларга буюк намуна бўлдилар: улар барча ишларини имон билан амалга оширадилар; севги билан меҳнат қилардилар; уларнинг имонда мустаҳкам туришлари бошқаларни ҳам рухлантиради (3 оят).

Улар қайғу ичида ҳам қувончга эга эдилар. Бу нарса бошқа имонлиларга ҳам яхши ўrnak бўлган (6-оят).

Улар учун энг муҳими — Исонинг дунёни ҳукм қилиш учун тез орада қайтиб келиши эди (10-оят).
- 7 – Ҳар ким ўз жавобини айтсин.
- 8 – Бу нарсалар ҳақида ким билан бўлишмоқчи бўлсангиз, ўша кишининг исмини айтинг ва буни бажаришингизда Худонинг ёрдами ва марҳаматини сўраб, бир-бирингиз учун ибодат қилинг.

36-дарс:

Исонинг қайтиб келиши ва Хукм Куни



Исонинг қайтиб келиши

Исонинг қайтиб келиши хақида Янги Аҳднинг бир қанча жойида ёзилган. У бизни уйимизга олиб кетгани келади! Ва ниҳоят, Худо Ўзининг Иброҳимга берган барча ваъдаларини амалга оширади!

Ибтидо китоби 12:1–7 да Худо Иброҳимга қандай ваъдалар берган эди? [1]

Худонинг **халқи** тасаввурларимизга ҳам сигмайдиган **марҳамат тўла**, ажойиб бир янги **дунёда** яшайди!

Келинг, Исонинг қайтиб келишидан олдинги вақт хақида билиш учун **Матто 24:1–44** ни ўқиймиз.

6–8-оятларда Исо нима деди? [2]

14-оятда Исо нима деди? [3]

Қўшимча

Матто 24:15–21: *Дониёр пайғамбар айтганидай «кўп ҳаром-хариш ишларга сабаб бўладиган макруҳ бир нарсанинг» муқаддас жойда турганини кўрганингизда...*

Бу оятлар Дониёр пайғамбарнинг башоратига ишора қиласи, яъни: Худонинг маъбади даҳшатли курбонликлар учун ишлатилади ва унинг кетидан қўрқинчли хукм куни келади (Дониёр 9:27; 11:31; 12:11).

Эрамиздан аввалги 167 йилда, юон ҳукмдори Антиох Эпифан Құддусдаги маъбадда сохта худоларга багишлиб жирканч қурбонликлар келтирди. Ўшанды ибронийлар бунга қарши қўзғолон кўтардилар.

Исо иккита воқеа ҳақида башорат қиласар экан, ушбу иборани ишлатган:

1. Маъбад вайрон бўлади. Бу воқеа эрамизнинг 70 йилида содир бўлди ва бу ибронийлар учун оғир мусибат эди. Бироқ биламизки, Худо Ўз халқини кечириши учун энди маъбад ҳам, ундаги қурбонликлар ҳам керак эмас эди. Нима учун? [4]
2. Исо, шунингдай, Ўзининг қайтиб келиши ҳақида айтади. Исонинг келишидан олдин, Худонинг халқига даҳшатли қаршилик бўлади.

Исо 15–20-оятларда қайси иккита воқеа ҳақида айтади? [5]

Исо қайтиб келишидан олдин дунёнинг аҳволи қанақа бўлади? (**21-оят**) [6]

Исо Ишаё китобидан иқтибос келтиради. У нима дейди? (**29–30-оятлар**) [7]

Исо қайтиб келганида буни ким билади? (**30-оят**) [8]

Дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисалар, масалан, зилзилалар ҳақида кўп одамлар телевизордан ёки телефонларига қараб билиб оладилар. Лекин баъзи одамлар хабарсиз қоладилар. Исо келганида эса дунёдаги ҳамма одамлар буни тезда билиб оладилар. Ухлаётганлар уйғонадилар. Бу ҳақда ҳеч ким бехабар қолмайди.

Исо нима учун Ўз фаришталарини юборади? (**31-оят**) [9]

Нима йўқ бўлиб кетади ва нима абадий қолади? (**35-оят**) [10]

Исонинг қачон қайтиб келишини ким билади? (**36-оят**) [11]

Исо ерда инсон бўлиб яшаганида ҳамма нарсани билмас эди ва иккинчи марта қачон келишини ҳам билмаган эди. Агар одамлар, «Исонинг қайтиб келиш вақтини биламиз» десалар, биз уларга ишонмаслигимиз керак. Асрлар давомида айрим одамлар Исонинг қайтиб келиш санасини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилганлар. Ҳеч ким ҳақ бўлиб чиқмаган! Эгамиз Худо, бизнинг мукаммал Самовий Отамиз бу қачон содир бўлишини билади ва биз Унга ишонишимииз керак!

Нух даврида, у одамларга тўфон ҳақида айтганида, одамлар нима қилган эдилар? (**37–39-оятлар**) [12]

Кейин уларга нима бўлди? [13]

Хозирги даврдаги одамлар Нух давридаги одамларга нимаси билан ўхшаш? [14]

Бу ояллар Исонинг келиши хақида нима дейди? (**42–43-оятлар**) [15]

Биз нима қилишимиз керак? (**44-оят**) [16]

Ҳукм куни

Исо Қиёмат куни хақида гапирав экан, бизга тушунарли бўлиши учун ушбу масални айтиб берган.

Матто 25:31–46 ни ўқинг.

Исо барча одамларни икки гурухга ажратади. Бу икки гурухни Исо қайси ҳайвонларга қиёслайди? [17]

Қайси гурухни Исо Ўз шоҳлигига олиб киради? [18]

Қўйлар кимлар? [19]

Исо бизни қандай ҳукм қилади? [20]

Лекин... Юҳанно 3:16 га кўра: Ким абадий хаётга эга бўлади? [21]

Бу икки гурух бир-бирига зидми? [22]

- Ҳаммамиз гуноҳ қилганмиз. Лекин Худонинг инояти туфайли Масих гуноҳларимиз учун тўлов тўлади ва биз кечирилдик. Мана шу йўл билан Худонинг олдида оқландик! (Римликларга мактуб 3:23–24).
- Исо ишлатган ўхшатмадан фойдаланадиган бўлсак, ҳаммамиз «эчки»лармиз, лекин Худо бизни кечирди ва бизни «қўй»ларга айлантирди! (**Римликларга мактуб 3:23–24**). Худойимиз қандай ажойиб!
- Исо бизга нажот берганида, Унинг халқини севиб, хизмат қилишимиз учун юракларимизни ҳам ўзгариради.
- Бизнинг қилаётган ишларимиз, Исога хақиқатан ишонамизми ёки йўқми, қўй ёки эчкимизми, буларни кўрсатиб туради.

Хатти-ҳаракатларимиз биз ҳақимизда нима дейди? Қўймизми ёки эчкимизми?

Матто ва Юҳанно бизнинг ҳаракатларимиз имонимизнинг далили эканини тушунишган. Иккови ҳам, агар биз Исога ишонсак, унда хайрли ишлар қиласидиган одамлар бўлишимиз керак, деб ёзганлар. **Юҳанно** бу борада нафақат 3:16 да, балки **5:28–29** да ҳам ёзган.

Бу оятларга кўра, яхшилик қилганларга нима бўлади? [23]

Ёмонлик қилганларга-чи? [24]

Жаннат ва Дўзах

Матто 25:31–46 да, бир-биридан фарқли иккита жой борлигини кўрамиз. Булар жаннат ва дўзах.

34-оятда Исо У учун яшаганларга нима дейди? [25]

Бу — эшитишимиз мумкин бўлган энг чиройли сўзлар!

Худо Ўз Шоҳлигини Ундан абадий баҳраманд бўлиб яшашимиз учун тайёрлаган (Ваҳий Китоби 21:3–4).

Агар Исога ишонсак ва Унга бўйсунсак, Худо бизни мўл-кўл марҳаматлайди!

41-оятда Худога қарши бош кўтарган ва факат ўзини ўйлаб яшайдиган одамларга Исо нима дейди? [26]

Бу — биз эшитишимиз мумкин бўлган энг ёмон сўзлар. Худо Унга итоат этишдан бош тортганларни жазолайди.

Улар то абад Худодан айрилиб, шайтон ва ёвуз рухлар билан яшайдилар. Бу абадий ҳалокат жойи бўлади.

Ишонч

1-Юҳанно 4:15–18 ни ўқинг.

Ҳукм кунини ишонч билан кутишимизга ким ёрдам беради? [27]

Худо бизда яшаётганининг энг катта далили нима? (**16–17-оятлар**) [28]

Ҳаётимизда Худо бизда яшаётганининг қандай далиллари бор?

Исони қанчалик севамиз ва Унга итоат қилишни қанчалик хоҳлаймиз?

Ўзимизни текшириш учун саволлар

Уйда:

Оиласизда бир-биримизни севиш ва қўллаб-қувватлаш учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қиласизми?

Бизга хизмат қилаётганларга (овқат тайёrlаётган, йигиштирадиган, кир ювадиган ва шу кабиларни қиласиганларга) миннатдорчилик билдирамизми? Кимгadir ёрдам керак бўлганини кўрганимизда, дархол ёрдам беришга шошиламизми?

Ишда:

Ишимизни қандай қиляпмиз? Хоҳламасдан ва қайфиятсиз ишлаймизми? Иложи борича камроқ ишлаб, тезроқ битказишга ҳаракат қиласизми? Ёки Исони ҳам, хўжайимизни ҳам мамнун қилиш учун қўлимииздан келганини қилиб, севинч билан ишлаймизми?

Жамоатда:

Жамоат йўлбошчиларини рағбатлантирамизми? Улар учун ибодат қиласизми? Уларни ҳурмат қиласизми?

Бошқаларга хизмат қилиб, йигилишдан кейин тозалаш ва йигиштириш ишларига ёрдам берамизми? Кимdir ёрдамга муҳтоҷ бўлса, ёрдам беришдан қочамизми? Ёки «бу менинг муаммом эмас, ўз муаммосини ўзи ҳал қилаверсин» деймизми?

Дўстлик:

Бошқа одамлар тўғрисида қандай гапирамиз? Улар хақида яхши нарсаларни гапирамизми ёки уларни ёмонлаймизми?

Қоида бундай бўлиши керак: Агар айтаётган гапларингизни ўша одам ёнингизда бўлганида айттолмайдиган бўлсангиз, у йўклигида ҳам айтманг.

Бизни хафа қилган ва бизга ёқмайдиган нарсаларни айтган кишилар учун ибодат қиласизми? Агар бирон киши билан хафалашиб қолган бўлсангиз, у билан ярашиш учун қўлингиздан келганини қиласизми?

Исадан қайси соҳаларда ўзгаришингиз учун ёрдам беришини сўрашингиз керак?

Чақириқ

Исонинг қайтиб келишига тайёргарлик деганда нимани тушунасиз?

Исонинг келишига қандай тайёр бўла оламиз? [29]


Бу дарсда Ҳудо сизни нимага даъват қилди?

Жавоблар

- 1 – Халқ, юрт ва қут-барака.
- 2 – Ҳар доим муаммолар бўлаверади, бироқ бу дунёning охири яқинда бўлади дегани эмас.
- 3 – Хушхабар бутун дунё бўйлаб тарғиб қилинади ва кейин Исо қайтиб келади.
- 4 – Исонинг ўлими бизнинг гуноҳларимиз учун ягона қурбонлик бўлди!
- 5 – Маъбад вайрон бўлади. Исонинг келишидан олдин Худонинг халқига қаттиқ қаршиликлар бўлади.
- 6 – Жуда оғир вактлар бўлади.
- 7 – Осмонда ҳеч кўрилмаган кўрқинчли ҳолат пайдо бўлганида, бу Исо қайтиб келаётганинг белгиси бўлади.
- 8 – Ҳамма!
- 9 – Исола тегишли барчани осмондаги уйига олиб кетиш мақсадида тўплаш учун.
- 10 – Моддий нарсалар абадий эмас! Лекин Исонинг сўзлари абадийдир! Исонинг сўзлари ҳақиқат ва ҳеч қачон унутилмайди!
- 11 – Фақат Худо.
- 12 – Улар олдингидек яшашда давом этдилар. Кўнгиллари тусагандай ҳаёт кечиришдан завқ олдилар. Худога итоат қилмадилар. Улар ҳаёт ҳар доим шундай давом этаверади, деб ишонишарди.
- 13 – Худо уларни ҳукм қилди ва улар тўфонда ҳалок бўлдилар.
- 14 – Одамлар олдингидай яшашда давом этмоқдалар. Кўнгиллари тусагандай ҳаёт кечиришдан завқ олмоқдалар. Худога қулоқ солмайдилар. Ҳаёт ҳамиша шундай давом этаверади, деб ишонадилар.
- 15 – Бу тўсатдан ва кутилмаганда содир бўлади.
- 16 – Биз Исонинг қайтиб келишига тайёр бўлишимиз керак.
- 17 – Қўйлар ва эчкилар.
- 18 – Қўйлар.
- 19 – Яхшилик қиласиганлар.
- 20 – Исо бизни қилган ишларимиз бўйича ҳукм қилади.
- 21 – Исола ишонадиган ҳамма.
- 22 – ЙЎҚ!
- 23 – Улар абадий ҳаётга эга бўладилар.
- 24 – Ҳукм қилинадилар.
- 25 – *Отамнинг баракасини олганлар Менинг олдимга келинглар, дунё яратилганидан бери сизлар учун тайёрлаб қўйилган меросни — Шоҳликни эгалланглар!*
- 26 – *Эй лаънатилар, Менинг олдимдан кетинглар, иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинг.*
- 27 – Агар Исони Худонинг Ўғли деб тан олсак ва Үнга ишонсак, Худо бизда яшайди ва бизга Ҳукм кунини кутишга ишонч беради.
- 28 – Бизнинг Худога ва бир-биримизга бўлган севгимиз.
- 29 – Ҳар бир кунни Исонинг келишидан олдинги охирги кундай яшашимиз керак.
Тавба қилишингиз керак бўлган гуноҳларингизни кўрсатишини Худодан сўранг.
Кечиришингиз керак бўлган кимдир бўлса, Худодан буни кўрсатишини сўранг.
Дўстларимиз ва қариндошларимиз ҳам Исо ҳақида эшитсинлар.

37-дарс:

Ваҳий китоби (1-қисм)



Ваҳий китобини икки қисмга бўлиб ўрганамиз. Биринчи қисмда китобдаги айрим ғояларни, иккинчи қисмда эса китобдаги бир парчани кўриб чиқамиз.

Руҳлантириш

Юҳанно Ваҳий китобини ёзган вақтлар, кўпгина имонлилар Исога бўлган имони туфайли ўлдирилаётган эдилар. Рим императори одамлардан унга сажда қилишларини хоҳларди, аммо имонлилар буни қилишмасди.

Ваҳий имонлиларни руҳлантириш учун, имонлиларга қўйидагиларни эслатиш учун ёзилган:

- Исо дунёда ҳокимлик қиласиган ҳақиқий Подшоҳ эканини!
- Эҳтимол, шайтон кучли ва ёвуздир, лекин Исо ўлиқдан тирилганида, шайтон маглуб бўлди.
- Исо дунёни хукм қилиш учун тез орада қайтиб келади ва Ўзининг барча душманларини ва шайтонни дўзахга ташлайди!
- Кейин Исога ишонган барча одамлар ажойиб Янги Ерда абадий яшайди!

Нима учун Юҳанно ёзган одамлар далдага муҳтоҷ эдилар? [1]

Худо бу китобда имонлиларга нимани эслатишни хоҳлайди? [2]

1.

- 2.
- 3.
- 4.

Бизга қачон далда керак бўлади? [3]

Худо бу Китобда бизга нимани эслатишни хоҳлайди? [4]

Ваҳий

Ушбу китоб Муқаддас Китобдаги бошқа китоблардан жуда фарқ қиласди. Бу Худо Юҳаннога берган ваҳийдир. Ваҳийда у гаройиб нарсаларни кўради ва эшитади: булар маънога эга бўлган рамзлардир. Унда тарихий воқеалар ёзилмаган. У Ҳаворийларнинг фаолияти китобига ўхшамайди. Бу китобда бирон гаройиб нарсани ўқиганимизда, ўзимизга «Бу нима дегани?» деб савол беришимиз керак.

Эски Аҳдда пайғамбарларга ваҳий келгани ҳақида ёзилган жойларни кўрамиз. Уларнинг ваҳийлари ҳам маънога эга эди. Масалан, Дониёр китобининг баъзи бўлимлари, Ҳизқиёл ва Закариё пайғамбарлар кўрган ваҳийлар.

Ваҳий китобида дуч келган барча манзараларни Эски Аҳдда ҳам учратамиз. Эски Аҳд бизга нафакат Ваҳий китобини, балки Янги Аҳднинг барча китобларини тушунишга ёрдам беради!

Ваҳий китоби Муқаддас Китобнинг бошқа китобларидан қандай фарқ қиласди? [5]

Эски Аҳддаги яна қайси пайғамбарлар ўзгача маъно касб этган воқеа ва нарсалар тасвирланган ваҳийларни кўрганлар? [6]

Келинг, Ваҳий китобида рамзий маънода ишлатилган номлардан айримларини кўриб чиқамиз:

Аждарҳолар ва шохлар

Юҳанно **Ваҳий китоби 12:3** да қандай ҳайвонни кўрган? [7]



Аждарҳо қандай ҳайвон? [8]

Аждарҳо ниманинг рамзи? [9]

Унинг нечта шохи бор? [10]

Эски Аҳдда 10 та шохли даҳшатли ҳайвон ҳақида қаерда ёзилганини топамиз.

Дониёр китоби 7:7 да Дониёр нимани кўрган? [11]

Дониёр китоби 7:24-оят бизга бу ҳайвон нимани ифодалашини тушунтиради.

Ўнта шох нимани билдиради? [12]

Барча ёвуз сиёсий кучлар орқасида шайтон турибди. Қандай мисолларни келтира оласиз? [13]



Рақамлар

Вахий китобида маънога эга бўлган кўпгина рақамларни кўрамиз. Булар хам аслида оддий рақамлар эмас, рамзлардир.

Вахий китобида учрайдиган баъзи рақамларни кўриб чиқамиз:

Етти:

Ибтидо китоби 2:2 ни ўқинг. Нима деб ўйлайсиз, етти рақами нимани билдиради? [14]



Вахий китоби 1:11 ни ўқинг. Исо Юҳаннога нима қилишни айтган? [15]

Демак, Вахий ўша даврдаги ва бугунги кундаги барча жамоатларга ёзилган мактуб эди!

Энди бироз математика билан шуғулланишимиз керак бўлади!

Вахий китоби 12:6 ни ўқинг. Аёл жамоатни ифодалайди.

Худо унга қанча вақт ғамхўрлик қиласди? [16]

Бу неча ойга тўғри келади? [17]

Неча йилга тўғри келади? [18]

Агар етти йил абадийликни билдирса, унда уч ярим йил (яъни еттининг ярми) бизнинг чўлдаги вақтимиз абадий давом этмаслигини билдиради!

Олти:

Олти нимани англатади? Бу етти билан бир деганими? [19]



Олти «етти эмас» дегани. Бу мукаммал бўлмаган сон, демак, ёвузлик сони.

Шайтон Худога тақлид қилишни яхши кўради. Баъзан нимадир деярли «етти»дай, яъни «етти»га жуда яқиндан туюлади ва биз уни «етти» деб қарор қилишни хоҳлашимиз мумкин, бироқ у «етти» эмас, балки «олти». Шайтон бизни алдаб, Худога эмас, балки унга итоат қилишга уринишни яхши кўради.

Бирон нарсанинг Худодан эканлигини қаердан биламиз? [20]

Яхудийлар ниманидир ургу билан таъкидламоқчи бўлганларида, уни уч марта айтганлар.

Ишаё китоби 6:3 да серафлар Худони қандай олқишлидилар? [21]

Улар Худонинг бутунлай муқаддас эканлигини айтардилар.

Агар 7 сони ўзида мукаммалликни ифодаласа, унда Худога сон берадиган бўлсак, Унга 777 сонини берамиз, чунки У мутлақо мукаммалдир.

Лекин шайтон бизни алдашни яхши кўради. У хеч қачон яхши бўлмайди. У жуда ёвуз. У Худога ўхшаш бўлолмайди. Демак, у **Ваҳий Китоби 13:18** да қайси сонни олади? [22]

Бу нима дегани? [23]

Ўн:

Юханно вақт даврлари хақида ёзганида, ўн кун қисқа даврни, минг йил эса узоқ даврни ифодалаш учун ишлатилган.

Масалан:

Ваҳий Китоби 2:10 ни ўқинг. Уларнинг қувғин қилиниши қанча вақт давом этади? [24]

Кисқа вақт.

Ваҳий Китоби 20:1–6 ни ўқинг.

Шайтон қанча вақтга боғлаб қўйилади? [25]



Имонлилар Исо билан бирга қанча вақт хукмронлик қиласидилар? [26]

Минг йил узоқ давр ҳисобланади. Бу Исонинг биринчи ва иккинчи келиши оралиғи даври (Унинг тирилиши ва дунёни хукм қилиш учун қайтиб келиш оралиғидаги давр). Бу — хозирги вақт. Исо ҳокимлик қиласиди ва Ўз жамоатини қуради. Шайтон боғлаб қўйилган ва энди хоҳлаганича зарар етказа олмайди. Лекин озгина вақт ўтиб, у ёвуз ишлар қилиш учун бўшатилади ва шундан кейин Исо қайтиб келади.

Ўн кун нимани ифодалайди? [27]

Минг йил нимани билдиради? [28]

Ваҳий китоби 20:1–6 ни қандай тушуниш кераклиги борасида масиҳийлар бир фикрга келолганлари йўқ.

Келинг, буларни эсга оламиз:

- Ваҳийда жуда кўп рамзий белгилар мавжуд бўлиб, «1000 йил» улардан биридир;
- Агар бирор нарса муҳим бўлса, Худо бу хақда Муқаддас Китобда қайта-қайта таъкидлайди;
- Биз Муқаддас Китобда аниқ ва тиник бўлган нарсаларга дикқатимизни қаратишимииз керак, яъни Исо Масих бизнинг гуноҳларимиз учун ўлди ва ўлиқдан тирилди. У дунёнинг Ҳукмловчиси сифатида қайтиб келади ва ўшанда Унинг йўлида юрганлар абадий У билан бирга ажойиб Самовий Ватанда яшайдилар;
- Биз Муқаддас Китобда дунёнинг охири ҳақида аниқ ва қайта-қайта айтилган нарсаларга қўшимча қилишдан эҳтиёт бўлишимиз керак;
- Шунингдек, биз билан бир хил фикрда бўлмаганларни ҳам севишимиз керак!

Масиҳийлар биз билан бир хил фикрда бўлмаган пайтда, биз нимани эсда тутишимиз керак? [29]

1.

2.

3.

4.

5.

Ўн икки:

Чиқиши китоби 24:4 ни ўқинг. Истроилда нечта қабила бор эди? [30]

Луқо 6:13 ни ўқинг. Исо Ўзига нечта ҳаворий танлади? [31]

Сизнингча, ўн икки рақамининг маъноси нима? [32]

12

Ваҳий китоби 21:12–14 ни ўқинг. Бу оятларда Янги Қуддус тасвирланади.

Янги Қуддуснинг нечта дарвозаси бор? [33]

Нечта фаришта бор? [34]

Пойдеворлар сони нечта? [35]

Бу — мукаммал хавфсиз шаҳар!

Яна озгина математика!

12 ни 12 га кўпайтирсак, неча бўлади? [36]

144 ни 1.000 га кўпайтирсак, неча бўлади? [37]

Вахий китоби 7:4 ни ўқинг.

Қанча одам Исо билан самода бирга бўлади? [38]

Бу рақам имонлиларнинг тўлиқ сонини («12») имонлиларнинг тўлиқ сонига («12») кўпайтириб, кейин уни яна жуда катта сонга (1.000 га) кўпайтирилгач ҳосил бўлган ракамдир: $12 \times 12 \times 1.000 = 144.000$.

Демак 144.000 нимани билдиради? [39]

У ерда ҳамма имонлиларга жой бор! Фақатгина танланган бир нечта имонлиларга жой бор, дейдиганларга ишонманг!

Вахийдаги барча сонлар шунчаки рамзлардир, уларни сўзма-сўз қабул қилиш керак эмас. Биз эса у сонлар орқали Худо бизга нима дейишни хоҳлаётгани хақида ўйлашимиз керак.

Юҳанно Вахий китобини нима учун ёзган? [40]

Ёд олиш учун оят:

Мана, Исо Масихнинг жамоатга берган ажойиб ваъдаси. Бу Исонинг Ўз халқига берган Сўзи. У бизнинг ёнимизда турибди! У бизни Ўзи билан яқин мулоқотга чақирапти!

Вахий китоби 3:20: «Мана, Мен эшик олдида туриб тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшишиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз.»



Қўшимча: Рақамлар синови

7 сони нимани билдиради? [41]

6 сони нимани билдиради? [42]

10 сони нимани билдиради? [43]

12 сони нимани билдиради? [44]



Қувғин қилинаётган одамга қандай далда бера оласиз?

Ваҳий китобидаги қайси ҳақиқатларни у билан бўлишишингиз мумкин?

Жавоблар

- 1 – Чунки кўп имонлилар Исога бўлган имони туфайли ўлган эдилар.
- 2 – 1) Исо дунёда ҳокимлик қиласиган ҳақиқий Подшоҳ!
2) Эҳтимол, шайтон кучли ва ёвуздир, лекин Исо ўликдан тирилганида, шайтон мағлуб бўлди.
3) Исо дунёни хукм қилиш учун тез орада қайтиб келади ва Ўзининг барча душманларини ва шайтонни дўзахга ташлайди!
4) Кейин Исога ишонган барча одамлар ажойиб Янги Ерда абадий яшайди!
- 3 – Ҳар куни!
- 4 – Исо дунёга ҳокимлик қиласиган ҳақиқий Подшоҳдир!
Эҳтимол, шайтон кучли ва ёвуздир, лекин Исо ўликдан тирилганида, шайтон мағлуб бўлди.
Исо дунёни хукм қилиш учун тез орада қайтиб келади ва Ўзининг барча душманларини ва шайтонни дўзахга ташлайди!
Кейин Исога ишонган барча одамлар ажойиб Янги Ерда абадий яшайди!
- 5 – У Юҳаннога Худодан келган вахий, тарих эмас.
- 6 – Дониёр, Ҳизқиёл ва Закариё.
- 7 – Қизил аждархони.
- 8 – Ёвуз ва хавфли.
- 9 – Шайтон (иблис).
- 10 – Ўнта шоҳ.

- 11 – Ўнта шохли даҳшатли ҳайвонни кўрди.
- 12 – Ўнта подшоҳ.
- 13 – Гитлер, Сталин, ИГИЛ, Толибон.
- 14 – Худо дунёни олти кун давомида яратди ва еттинчи куни дам олди. Етти «мукаммаллик» ёки «тўлалик»ни билдиради. Муқаддас Китобда етти сони мукаммалликни ифодалайди.
- 15 – Етти жамоатга мактуб ёзишни.
- 16 – 1.260 кун.
- 17 – 42 ой. (1.260 ни 30 га бўламиз = 42)
- 18 – Уч ярим йил. (42 ни 12 га бўламиз=3,5)
- 19 – Йўқ.
- 20 – Худонинг Сўзини қанчалик кўп ўқисак, ҳақиқатни ёлғондан яхшироқ ажрата оламиз.
- 21 – Муқаддас, муқаддас, муқаддас.
- 22 – 666.
- 23 – У бутунлай ва хаддан зиёд ёвуздир.
- 24 – 10 кун.
- 25 – 1000 йил.
- 26 – 1000 йил.
- 27 – Қисқа вакт.
- 28 – Жуда узоқ вакт.
- 29 – 1) Ваҳийда жуда кўп рамзий белгилар мавжуд бўлиб, «1000 йил» улардан биридир;
2) Агар бирор нарса муҳим бўлса, Худо бу хақда Муқаддас Китобда қайта-қайта таъкидлайди;
3) Биз Муқаддас Китобда аниқ ва тиник бўлган нарсаларга диққатимизни қартишимиз керак, яъни Исо Масих бизнинг гуноҳларимиз учун ўлди ва ўлиқдан тирилди. У дунёning Ҳукмловчиси сифатида қайтиб келади ва ўшандада Унинг йўлида юрганлар абадий У билан бирга ажойиб Самовий Ватанда яшайдилар;
4) Биз Муқаддас Китобда дунёning охири ҳақида аниқ ва қайта-қайта айтилган нарсаларга кўшимча қилишдан эҳтиёт бўлишимиз керак;
5) Шунингдек, биз билан бир хил фикрда бўлмаганларни ҳам севишимиз керак!
- 30 – 12 та қабила.
- 31 – 12 та.
- 32 – Тўлиқ миқдор ёки тўлиқлик — ҳеч бири йўқолмаган.
- 33 – 12 та.
- 34 – 12 та.
- 35 – 12 та.
- 36 – 144.
- 37 – 144.000.
- 38 – 144.000.
- 39 – Бу рақам имонлиларнинг тўлиқ сонининг рамзидир. Яъни, биздан илгари яшаган имонлилар, ҳозир яшаётган имонлилар ва биздан кейин яшайдиган имонлиларнинг барини билдиради!
- 40 – У буни қаттиқ қувгинларга учраётган жамоатни рағбатлантириш учун ёзган.
- 41 – Мукаммал ёки тўлиқ.
- 42 – Ёвузлик.
- 43 – Қисқа вакт.
- 44 – Тўлиқ миқдор ёки тўлиқлик.

38-дарс: Ваҳий китоби (2-қисм)



Ушбу дарсда Ваҳий китобининг биринчи бобидан битта парчани ўрганамиз.

Ваҳий китоби 1:12–18 ни ўқинг.

12–13-оятлар да, Етти шамдон нимани билдиради? (20-оятга қаранг) [1]

Юҳанно 8:12 да Исо Ўзини қандай атаган? [2]

Нур нима қиласи? [3]

Исройл халқи чўлда қаерга боришилари кераклигини қандай билишган? (Чиқиши китоби 13:21) [4]

Забур 26:1 да Худо қандай тасвирланади? [5]

Забур 118:105 да Худонинг Сўзи қандай таърифланади? [6]

Шундай экан, Исо «Мен дунёнинг нуриман» деганида, нимани назарда тутган эди? [7]

Агар жамоатлар чироқпоялар бўлса, уларнинг вазифаси нима? [8]

Ваҳий китоби 1:13 да Исо қаерда? [9]

Бу нима дегани? [10]

Исо устига нима кийған эди? [11]

Чиқиши китоби 28:4 да кимлар белбоғли узун кийимлар кийған? [12]

Унинг соchlari ҳақида нима ёзилған? (**Ваҳий китоби 1:14**) [13]

Оппоқ соchlар нимани билдиради? [14]

Дониёр Китоби 7:9 да, Дониёр ваҳийда Худони күрганида, Унинг соchlari ҳам оппоқ эди.

Бу Худо ҳақида нимани англатади? [15]

Ваҳий китоби 1:14 да Унинг кўзлари ҳақида нима ёзилған? [16]

Сизнингча, бу нимани англатади? [17]

Унинг оёқлари ҳақида нима ёзилған? (**Ваҳий китоби 1:15 да**) [18]

Бронза қаттиқ ва ялтироқ металдир. Илгари одамлар бронзани силлиқлаштириб, кўзгу сифатида ишлатганлар. Бронза нимани ифодалайди? [19]

Дониёр ҳам ваҳийда кўзлари ёниб турган, қўллари ва оёқлари бронзага ўхшаган, инсонни ваҳимага солувчи ажойиб бир зотни кўрган эди (Дониёр китоби 10:6).

Ваҳий китоби 1:15 да Исонинг овози ҳақида нима ёзилған? [20]

Сизнингча, бу нима англатади? [21]

Бу Ҳизқиёл китоби 43:2 да, Ҳизқиёл ҳам ваҳийда эшитган овоз эди.

Исонинг ўнг қўлида нима бор? (**Ваҳий китобида 1:16 да**) [22]

Бу нима дегани? (**Ваҳий китоби 1:20** ни ўқинг.) [23]

Исо барча фаришталар устидан тўла ҳокимиятга эга!

Фаришталар нима қиласидилар? **Ибронийларга мактуб 1:14** ни ўқинг. [24]

Ваҳий китоби 1:16 да Исонинг оғзидан нима чиққани ёзилған? [25]

Бу нима дегани? **Ишаё Китоби 11:4** ўқинг (Масих ҳақидаги башорат). [26]

Унинг юзи ҳақида нима ёзилган? [27]

Хушхабар китобларида Исонинг юзи қачон порлаган? **Матто 17:1–2** ни ўқинг. [28]

Бу нимани кўрсатади? [29]

Исо Юҳаннога нима дейди? (**Ваҳий китоби 1:17 да**) [30]

Муқаддас Китобда неча маротаба «қўрқма!» деб ёзилган? [31]

Йилнинг ҳар бир куни учун бир марта! Ҳар куни Худо бизга қўрқмаслигимиз кераклигини эслатиб туришни хоҳлайди! Биз фақат Ҳудодан қўрқишимиз керак!

Исо яна нима деди? (**Ваҳий китоби 1:17–18 да**) [32]

Бу нима дегани? [33]


Сиз Исони дўстларингизга қандай таърифлаган бўлардингиз?

Исони улуғлаш учун бугунги парчадаги сўзлардан фойдаланинг.

Жавоблар

- 1 – Етти жамоат.
- 2 – Дунёнинг нури.
- 3 – Нур бизга кўришга имкон беради!
- 4 – Худо уларнинг йўлини ёритиш учун кундузи булут устуни билан ва кечалари оловли устун билан етаклаб борди.
- 5 – *У менинг нурим ва менинг нажотим.*
- 6 – *Қадамларимга чироқ, йўлимга нур сочадиган ёруғликдир.*
- 7 – Ўзининг Худо эканини айтган. Фақат Худо бизга юракларимизни ва қандай яшшимиз кераклигини кўрсатиши мумкин.
- 8 – Исонинг нурини жамоат орқали жамиятимизга кўрсатиш! Инсонлар биз орқали Исонинг севгиси ва яхшилигини кўрсин!
- 9 – Чироқпоялар орасида.
- 10 – Исо биз билан — У бизни тарк этгани йўқ!
- 11 – Унинг кўксига олтин тасма боғланган, узун либос кийган эди.
- 12 – Олий руҳоний Хорун шундай кийимлар кийган.
- 13 – Унинг бошидаги соchlари жундек ёки қордек оппоқ эди.
- 14 – Бу бирор кишининг доноликка эга эканлигини англаатади — шунинг учун Ўрта Осиёда кексаларни «оқсоқоллар» деб аташади!
- 15 – Худо мукаммал доноликка эга.
- 16 – Унинг кўзлари ловиллаб ёнаётган оловга ўхшайди.
- 17 – Худо ҳамма нарсани билади. Биз Худодан хеч нарсани яшира олмаймиз!
- 18 – Унинг оёклари ўчоқда қиздирилган мисдай ялтирок.
- 19 – Шон-шуҳрат, мустаҳкамлик ва хавфсизлик.
- 20 – Бу улкан сувларнинг шов-шувига ўхшарди.
- 21 – Исо куч ва ҳокимият билан гапирав эди.
- 22 – Етти юлдуз.
- 23 – Булар етти жамоатнинг хабарчилари ёки фаришталари эди.
- 24 – Биз фаришталарни кўрмасак ҳам, улар бизга ҳар доим ёрдам берадилар!
- 25 – Дудама қилич.
- 26 – Исо бутун дунёни ҳукм қиласи!
- 27 – Унинг юзи ёрқин нур сочаётган қуёшга ўхшар эди.
- 28 – Исо Ўзи билан Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннони тоқقا олиб чиққанида, уларнинг кўзи олдида ўзгариб кетди.
- 29 – Бу Исонинг улуғлигини кўрсатади.
- 30 – Қўрқма!
- 31 – 365 марта.
- 32 – *Мен Биринчи ва Охиргиман, Мен тирикман. Мен ўлган эдим, лекин мана агадул-абад тирикман! Ўлим ва дўзахнинг очқичлари Мендадир!*
- 33 – Исо барҳаётдир. У Ўз жонини бизлар учун қурбон қилди ва қайта тирилди. Шу йўл билан Масих ўлимни енгди! Шундай экан, У бизнинг бугунимизни ва боқий келажагимизни ҳал қилишга қодир.

39-дарс: Самовий Ватанимиз



Худо Ўз ваъдаларини бажаради!

Ибтидо китоби 12:1–7 да Худо Иброҳимга қандай ваъдалар берган эди? [1]

Худо Иброҳимга берган ваъдаларини қачон тўлиқ амалга оширади? [2]

Худо ваъда қилган халқ, ер (юрт) ва қут-баракалар аслида қанақа бўлади?

Кимлар Самовий Ватанинг **халқи** бўлади? Кимлар Худо билан абадий яшайди? **Ваҳий китоби 7:9** ни ўқинг. [3]

Ваъда қилинган **ер** қандай бўлади? **Ваҳий китоби 22:1–5** ни ўқинг. [4]

Худо бизга қандай **қут-барака** беради? **Ваҳий китоби 21:3** ни ўқинг. [5]

Келинг, бу учта нарсани яхшироқ тушуниш учун, **Ваҳий Китоби 21:1–8** ни ўқиб чиқайлик.

Янги ер

Ибтидо китоби 3:17–18 да Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганларида, ерга нима бўлди? [6]

Ваҳий китоби 21:1: Ҳозирги еру осмонга нима бўлади? [7]



Ваҳий китоби 21:5: Худо нимани янги қилиб яратади? [8]

Худо Ўз халқига янги уй ваъда қилған. Бу уй ваъда қилингандар ердан ҳам, Адан боғидан ҳам анча яхшироқ бўлади! Бизнинг янги уйимизга ҳеч ким шикаст етказа олмайди. Шайтон ёки Худога душман ҳеч бир зот у ерда бўлмайди.

Коринфликларга 1-мактуб 15:42–44 ни ўқинг: Бизнинг таналаримиз қандай бўлади? [9]

Худо бизга касалликлардан ва гуноҳлардан бутунлай холи, мукаммал таналар бериб, бизни баркамол қиласди!

Халқ

Ваҳий китоби 21:2 ни ўқинг: Қандай З та ибора жамоатни тасвирлайди? [10]

Бу иборалар бизга нимани ўргатади?

- **Мұқаддас шаҳар** — Ҳеч бир ёмон одам бўлмаган ва бир-бирига нисбатан хафагарчилиги бўлмаган одамлар жамиятини тасаввур қила оласизми?
- **Янги Қуддус** — энг ажойиб шаҳарни ифодалайди! Ҳамма нарса янги ва ҳеч қачон эскирмайди!



Ҳеч қандай кир, ахлат, ташландик уйлар, бузилган йўлаклар, тиланчилар, сизни алдайдиган рекламалар бўлмаган шаҳар!

Ҳамма нарса чиройли, янги, тоза, тинч ва яхши ишлайди!

Ҳар сафар бу дунёда нимадир бизни безовта қилганида, Худо бу дунё бизнинг ҳақиқий уйимиз эмаслигини эслатишни хоҳлайди. У биз учун яхшироқ маконни тайёрламоқда!

- **Куёви учун безаниб олган келинчак** — имонлилар жудаям чиройли ва севигига тўла одамлар эканини билдиради!

Қандай қилиб Исо бизни чиройли қиласди? **Эфесликларга мактуб 5:25–27** ни ўқинг. [11]

Ва, албатта, Мұқаддас Рух ҳаётимиизда ишлаб, бизни Исога кўпроқ ўхшаш қилиб ўзгартириб боради.

Юқоридаги таърифлар жамоат Худонинг назарида қанчалик қадрли эканини тушунишимизга ёрдам беради. Шундай экан, бир-биримизга қадрли ака-ука ва опа-сингиллардек муносабатда бўлайлик. Жамоатнинг ҳар бир аъзоси қийматлидир!

Борган сари Исога ўхшашимиз учун, Худо ҳар биримизда ишламоқда. Лекин Янги Қуддусга етиб боргунимизга қадар бир-биримизга нисбатан сабрли ва кечиримли бўлишимиз керак! Самовий Ватанимизга етиб олиш йўлида, бир-биримизга ёрдам бериш учун, қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилишимиз лозим!

Құт-барака



Ваҳий китоби 21:3 ни ўқинг. Худо қаерда? [12]

Биз янги уйимизда нафақат янги инсонлар бўламиз, балки Худо билан янгича дўстликка ҳам эга бўламиз!

Агар Исога ишонсак, демак, ҳозирданоқ Худо билан дўстмиз! Лекин Самодаги Ватанимизда бу дўстлик янада мустаҳкамроқ бўлади! Нақадар ажойиб!

Ваҳий китоби 21:4 ни ўқинг: Худо бизга нима қилади? [13]

Янги Қуддусда нима бўлмайди? [14]

Ишаё китоби 35:10 ни ўқинг: Янги Қуддусда одамлар ўзларини қандай ҳис қиладилар? [15]

Ваҳий китоби 21:6 ни ўқинг: Исо Ўзини қандай тасвирлайди? [16]

Бунинг маъноси нима? [17]

Исо бизга нима беради? [18]

Исо кимларга ҳаёт сувидан беради? [19]

«Чанқаган» сўзи қандай маънода ишлатилган? [20]

Ҳаёт сувидан ичиш нимани билдиради? **Юҳанно 7:37–39** ни ўқинг. [21]

Сиз ҳар куни ҳаёт сувидан ичасизми?

Бугунги кун билан охирзамон ораси

Ваҳий китоби 21:7 ни ўқинг: «Голиб келганлар» нима дегани? [22]

Қачон Исога эргашиш қийин? [23]

Бизнинг мукофотимиз қандай бўлади? [24]

Янги уйимизга кирганимизда, ҳаммаси тасаввур қилганимиздан ҳам яхшироқ бўлади!

Ваҳий китоби 21:8 ни ўқинг: Ёмон одамларнинг барига нима бўлади? [25]

Чақириқ

Бу оят бошқа ёмон одамлар хақида гапиряпти, мен билан ҳеч алоқаси йўқ, деб ўйлаш осон. Лекин...



- Мен Исога эргашишдан қўрқаманми?
- Унга ҳеч хиёнат қиласманми?
- Ахлоқсизлик қиласманми (ҳатто фикрларимда ҳам — Матто 5:27–29)?
- Қотиллик қиласманми (ҳатто фикрларимда ҳам — Матто 5:21–22)?
- Бутларга сажда қиласманми? Бирон нарсани ёки инсонни Худодан кўра кўпроқ севсак, у биз учун бут бўлиб қолади.

Қонунлар китоби 6:5 ни ўқинг. Худони қанчалик севишимиз керак? [26]

Худо биздан Уни дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ севишимизни хоҳлайди! Бироқ Самовий Ватанимизга боргунимизга қадар ҳаммамиз Унга панд берамиз.

Худо бизга гуноҳимизни кўрсатганида, нима қилишимиз керак? [27]

У хамиша бизни кечиришга тайёр!

Худо сизни Исога ўхшаш қилиб ўзгартириб боришига йўл қўясизми?

Самовий Ватанимиз ҳақида бугун нималарни билиб олдик? [28]

Худо бизни Ўзининг гўзал келини бўлишимиз учун яратди. Келинг, биз ҳам ўша гўзал келин бўлиш учун бор кучимиз билан ҳаракат қилайлик.

Жавоблар

- 1 – Халқ, ер (юрт) ва қут-барака.
- 2 – Муқаддас Китобда Худо бу ваъдаларни қандай бажара бошлаганини кўрамиз. Аммо У бу ваъдаларни факат Янги Қуддус деб аталадиган Самовий Ватанда тўла амалга оширади.
- 3 – Худонинг халқи ҳар бир уруғдан, ҳар бир қабиладан, ҳар бир халқдан ва ҳар бир тилдан бўлади!
- 4 – У ажойиб ер бўлади: у ерда очлик ҳам, гуноҳ ҳам, касалликлар ҳам, ўлим ҳам, қоронгилик ҳам, муаммолар ҳам, кўркув сочадиган нарсалар ҳам бўлмайди.
- 5 – Худо бизни тасаввур қилганимиздан ҳам кўпроқ марҳаматлайди! Борлиқнинг Яратувчиси, меҳрибон, раҳмдил, севувчи Худонинг Ўзи биз билан бирга яшайди.
- 6 – Худо ерни лаънатлади. Бизнинг дунёмиз гуноҳга ботиб бузилган.
- 7 – Улар тез орада йўқ бўлади.
- 8 – Ҳамма нарсани!
- 9 – Ўлмайдиган, улуғвор, кучли ва руҳий!
- 10 – Муқаддас шахар, Янги Қуддус, куёви учун безанган келин.
- 11 – Гуноҳларимизни англаб этишимиз ва Ундан бизни ўзгартири, деб ёрдам сўрашимиз учун У бизга Ўз Сўзи орқали гапиради.
- 12 – Ўз халқи орасида!
- 13 – Кўзимиздаги ҳар бир ёшни артиб олади. Барча дардларимизни тушунади. Ўзи бизни юпатади.
- 14 – Энди ўлим ҳам, қайғу ҳам, фарёд ҳам, оғриқ ҳам бўлмайди.
- 15 – Тасаввур қилганимиздан ҳам кўпроқ баҳтиёр бўладилар!
- 16 – Ибтидо ва Интиҳо (асл: юонча «Альфа ва Омега», Биринчи ва Охирги.
- 17 – Альфа ва Омега юон (грек) алифбосидаги биринчи ва охирги ҳарфлар бўлиб, бу ерда «Боши ва Охир» маъносида ишлатилган. (Янги Аҳднинг асл нусхалари юон тилида ёзилгандир). Бу иборанинг маъноси: Исо дунё яратилишидан олдин ҳам, энг бошидан бери бор бўлган, ва дунёнинг охирида ҳам қайтиб келади.
- 18 – Ҳаёт сувини.
- 19 – Чанқаб қийналаётганларга.
- 20 – Худога қанчалик мухтоҷ эканимизни билишни англатади. Худосиз ўлишимизни англаб етамиз.
- 21 – Исодан бизни Ўз Муқаддас Рухига чўмдиришини сўрашни билдиради!
- 22 – Ҳеч нарсага қарамасдан, Исога эргашган одам. Улар охиригача содик қоладилар.
- 23 – Одамлар бизга имонимиз туфайли ёмон муносабатда бўлганларида;
Бизни қувғин қилишганларида;
Бу ҳаётда ҳеч ишимиз юришмаганида, ҳеч нарса кутганимиздай кетмаяпти деб ҳис қилганимизда.
- 24 – Ҳамма нарсани мерос қилиб олиб, Худонинг фарзандлари бўламиз! Ҳамиша Худога тегишли бўламиз!
- 25 – Уларнинг бари олов ва олтингугурт ёнаётган кўлга ташланади.
- 26 – Бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан.
- 27 – Тавба қилиб, Исодан юрагимизни ўзгартиришини сўрашимиз лозим.
- 28 – Исо келганида, Худонинг Иброҳимга берган ваъдалари тўлиқ амалга ошади.
Биз мукаммал танада, янги уйда, Худо билан янгича дўстликка эга бўлган янги инсонлар бўламиз!
Исо бизга у ерга боришимиз учун керак бўлган ҳамма нарсани беради.
Биз охиригача Унга содик бўлишимиз керак.

40-дарс:

8 та расмда Муқаддас Китобдаги тарихий ҳикоялар

Ушбу курсда ўрганганларимизни тақрорлаш учун, Муқаддас Китобнинг улкан ҳикоясидаги асосий нуқталарни тушунишимизга ёрдам берувчи қўйидаги расмларга яна бир қараб чиқамиз.



Аввало, илк расм ҳақида ўқиймиз. Кейин, гурухдан бир киши ўқимасдан, ўша маълумотни тақрорлаб айтиб беради. Кейин эса, иккинчи расм ҳақида ўқиймиз ва яна кимdir уни ҳам тақрор айтиб беради. Шу тарзда охирги расмгача давом этамиз. Охиригача боргандан кейин, яна кетма-кет, лекин бу сафар ўқимасдан, 8 та расм ҳақида тақрорлаб айтиб берамиз. Сўнгги марта 8 та расмнинг ҳаммасини биргаликда ҳикоя қилиб бераётганингизда эса, ўрганган дарсларимиздан ўзингизга ёқсан бошқа тафсилотларни ҳам қўшиб айтиб беришингиз мумкин.



1. Яратилиш

Худованд ҳамма нарсани яхши қилиб яратди. У дастлабки одамлар билан, яъни Одам Ато ва Момо Ҳаво билан Адан боғи деб аталган гўзал боғда вакт ўтказар эди.



2. Гуноҳнинг пайдо бўлиши

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоат қилмай, шайтоннинг гапига кирдилар. Шундай қилиб, улар Худонинг марҳаматидан ва абадий ҳаётдан маҳрум бўлдилар.

Расмдаги кўрсаткич (стрелка) Худо уларни Ўз хузуридан ва Адан боғидан ҳайдаб юборганини кўрсатади.

Ўша пайтдан бери одамлар Худо билан қайта мулоқотда бўлишни ва яна Унинг хузурига киришни орзу қиладилар.



3. Ваъдалар

Худо Иброҳимга ваъда бериб, уни Ўзи учун танлайдиган **халқнинг** отаси қилишини айтди. Худо Иброҳимга ўша халқ учун (Ўзи уларнинг орасида улар билан бирга бўлиш учун) бир **юрт** ваъда қилди. Худо яна Иброҳимга барча халқларни у орқали **баракалашини** ваъда берди.

Расмдаги тож Худонинг Ўзи уларнинг яхши Шоҳи бўлишини ифодалайди.

Камалак эса Худо Ўз ваъдаларига содик эканини билдиради (Ибитдо 9:13–16). Худога ҳар доим ишониш мумкин!



4. Чиқиш

Худонинг халқи бегона юртга — Мисрга кетдилар ва у ерда қул бўлдилар. (Пирамидалар Мисрни ифодалайди).

Кўрсаткич белгиси (стрелка) Худо Ўз халқини Миср қуллигидан халос қилганини англатади.



5. Ўлка

Худо Ўз халқини ваъда қилинган юртга олиб келди. Улар ўша юртда яшайдиган ўта ёвуз канъонликларни мағлуб этдилар.

Худо Ўз халқини баракалади. Лекин улар бегона худоларга сигиниб кетдилар. Худо уларни кўп маротаба огохлантирди ва охири бошқа юртга сургун қилди. Кейин Худо уларни ваъда қилинган юртга қайтариб олиб келди, лекин улар ҳалиям Худонинг қонунларига бўйсунмай, гуноҳ қилишда давом этавердилар.

Уларни гуноҳларидан халос қиладиган Кутқарувчи керак эди. Уларни тўғри бошқарадиган Шоҳ керак эди. Худо вақт-соати келганда ўша зотни, яъни **Масихни** юборишни ваъда қилди.



6. Исо Масих

Худо Ўз ваъдасини бажарди! У бу дунёга Кутқарувчи бўлиб келди. Исо исми «Худо кутқаради» деган маънони билдиради. Исо Худонинг **Масихи** эди. У мукаммал исроиллик сифатида, Худо билан мукаммал муносабатда яшади ва хочда ўлди. Унинг ўлими Худо бизни кечира олиши учун гуноҳларимиз эвазига берилган комил қурбонлик бўлди.

Унинг тирилиши эса гуноҳ, ўлим ва шайтон устидан қилган ғалабасини кўрсатди!

Энди одамлар Худо билан яна дўст бўлишлари мумкин!



7. Исонинг қайтиб келиши

Исо ҳозир самода.

Кўрсаткич белгиси Исонинг дунёга якун келтириш ва барчани қилмишига яраша хукм қилиш учун қайтиб келишини билдиради. Худо Исо орқали барча одамларни хукм қиласи.



8. Самовий Ватан

Подшохимиз Исо Ўз халқини уйига олиб боради. Биз Худо билан бирга янги, боқий, ваъда қилинган Ватанда яшаймиз! Энди ҳеч қачон гуноҳ, дард ва ўлим бўлмайди!

Исо шайтонни дўзахга юборади.

Худонинг халқи эса Самовий Ватанда Худо билан бирга абадий ҳаётдан баҳраманд бўлади!

Бу ҳафта мана шу расмлар ҳақида кимга айтиб беришингиз мумкин?

Худонинг улкан ҳикоясини билиш бугунги кунда сизни қандай руҳлантирмоқда?

Мундарижа

1-дарс:	Муқаддас Каломдаги китоблар	5
2-дарс:	Азалда	11
3-дарс:	Гуноҳ	16
4-дарс:	Худо ёвузликни ҳукм қилади.	22
5-дарс:	Иброҳимга берилган ваъдалар	26
6-дарс:	Худонинг ваъдалари Иброҳимнинг авлодлариға ўтади	30
7-дарс:	Қутқарувчи Худо	37
8-дарс:	Худо қурбонлик орқали қутқаради	42
9-дарс:	Денгизни кесиб ўтиш	46
10-дарс:	Қурбонликлар	50
11-дарс:	Ўнта амр	54
12-дарс:	Муқаддас чодир.	61
13-дарс:	Чўлдаги ҳаёт	65
14-дарс:	8 та расмда Муқаддас Китобдаги тарихий ҳикоялар.	69
15-дарс:	Ёшуа	71
16-дарс:	Ҳакамлар	76
17-дарс:	Шоҳлар	83
18-дарс:	Довуд — энг буюк шоҳ	89

19-дарс: Ҳикмат китоблари: Аюб	95
20-дарс: Ҳикмат китоблари: Забур	99
21-дарс: 90-Забур.	103
22-дарс: Ҳикмат китоблари: Сулаймоннинг ҳикматлари, Воиз ва Сулаймоннинг гўзал қўшиғи	108
23-дарс: Исройлнинг ва Яҳудонинг пайғамбарлари	113
24-дарс: Ишаё пайғамбар	119
25-дарс: Нахимиё	123
26-дарс: 8 та расмда Муқаддас Китобдаги тарихий ҳикоялар.	128
27-дарс: Худо бу дунёга Инсон қиёфасида келди	131
28-дарс: Масих.	134
29-дарс: Даҳшатли фожиами ёки Худонинг режаси амалга ошдими?	139
30-дарс: Исонинг қайта тирилиши ва осмонга кўтарилиши	143
31-дарс: Муқаддас Рӯҳ	148
32-дарс: Жамоат	153
33-дарс: Хушхабарни бошқаларга айтиш	160
34-дарс: Янги Аҳд мактублари	164
35-дарс: Салоникаликларга 1-мактуб	169
36-дарс: Исонинг қайтиб келиши ва Ҳукм Қуни	173
37-дарс: Ваҳий китоби (1-қисм)	179
38-дарс: Ваҳий китоби (2-қисм)	187
39-дарс: Самовий Ватанимиз	191
40-дарс: 8 та расмда Муқаддас Китобдаги тарихий ҳикоялар.	196

Ушбу 40 дарсдан иборат курс бизни Муқаддас Китоб ҳикоялари бўйлаб саёҳатга олиб чиқади ва ундаги ҳар бир қисм қандай қилиб Исо Масиҳга ишора қилишини кўришимизга ёрдам беради. Бутун курс давомида Ўрта Осиё маданиятимиз билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Ҳар бир дарсда кўпгина саволлар ўрин олган бўлиб, жавобларини дарсларнинг охирида топишингиз мумкин. Ушбу курсдан Муқаддас Китобнинг барча даражасидаги билимига эга бўлган масиҳийлар фойдаланишлари мумкин. Курснинг мақсади барча масиҳийларга Худонинг Қаломини ўқишни ва севишни ўрганишларига ёрдам беришdir.